


Ў. АЛИМОВ

ЎРТА АСРЛАРДА  
МОВАРОУННАҲРДА  
БОҒЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ  
ТАРИХИ



Ў.

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АҚАДЕМИЯСИ  
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

У. АЛИМОВ

ЎРТА АСРЛАРДА  
МОВАРОУННАҲРДА  
БОҒЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ  
ТАРИХИ



ТОШКЕНТ  
УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ  
1984

Ўтмиш маданияти, санъати тарихини ўрганар эканмиэ, олдинизда ҳали қанчадан-қанча муаммолар турганини ҳис этамиэ.

Ана шундай жумбоқ масалалардан бирни XIV—XV асрлардаги Мовароунахрда боғчилик хўжалиги тарихига оид бўлиб, қўлингиздаги монография автори ўша даврга оид боғ-саройларни археологик нуқтаи назардан ўрганиб, қазишмалар натижасида тўплangan маълумотларни тарихий манбалар асосида атрофлича таҳлия қилган. Меъморий санъатнинг энг гўзал ва ноёб намуналари бўлган боғ-саройларининг бунёд этилишига оид қизиқарли фактлар келтирган.

Монография тарихчи-археологлар, архитекторлар, шарқшуносалар ва Ўрта Осиё ҳалқлари санъати тарихи билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
тарих фанлари доктори  
*A. P. Муҳамаджонов*

Тақризчилар:  
тарих фанлари кандидатлари:  
*З. И. Усмонова, И. Аҳоров*

A 0507000000-2968  
M355(04)-84 16-84

© Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1984 ■

боғлар ярдамш мұнда.  
Бұ саңғат түрі жуға қаралып  
Жаңыға әсә бұлса да Нанғұ ІІІ  
КИРИШ  
дабыла әнде әнде қашаға әтте.

**Б**оғлар ва саройлар қурилиши юксак ривожланган меъморчилик, манзарали боғдорчилік, гулчилік, тасвирий саңғат ва фалсафий әстетика натижалари ҳисобланиб, ўрта асрлардаги Ўрта Осиё халқларининг маданий савиғаси ниҳоятда юқори даражада эканлигини күрсатади.

XIV—XV асрларга келиб бундай юқори натижаларға баъзи бир Узоқ Шарқдаги давлатлар, Шимолий Хиндистан, Эрон, Ироқ ва Фарбий Европанинг ривожланган давлатларигина эришган эдилар. Улар ичидә Ўрта Осиё боғлари энг эътиборли ўринда туради. Масалан, боғ барпо этишда ҳидли гуллар жойлашувига, әкилган дараҳтлар ва гулларнинг нақшинкор иморатлар билан мос тушишига, шунингдек, оқиб турувчи ариқ ва фавворалардаги сувларнинг оҳанрабо шовилашларига алоҳида эътибор берилган.

Ўрта Осиё халқларининг миллий маданияти хазиналаридан ўрин олган бу тартибдаги әстетик қонун-қоидалар асосида барпо этилган Самарқанднинг тилларда достон бўлган боғларини ўрганиш Ўрта Осиё тарихида алоҳида ўрин тутади.

XV асрлик тарихга эга бўлган Самарқанднинг кўркамлиги, географик жиҳатдан қулай жойлашгани, мұхим савдо маркази бўлганлиги, шунингдек табиий бойликларининг кўплиги, серсувлити, оромбахш иқлими, маданият ўчори бўлганлиги ва бошқа фазилатлари барчани мафтун этиб келган. Самарқанд шаҳри босқинчилар томонидан бир неча бор вайрон қилинишига қарамасдан, ўсишда давом этиб келган.

XIV асрға келиб, айниқса Самарқанд пойтахт сифатида эълон қилингандан сўнг шаҳар ҳаётida жиддий ўзгаришлар содир бўлди<sup>1</sup>. «Ҳақиқатда ҳам XIV

<sup>1</sup> Узбекистон ССР тарихи. I-том. Тошкент, 1967, 435-бет.

асрнинг охирида,— деб ёзишида таникли санъат шуносчардан Г. А. Пугаченкова ва Л. И. Ремпель— Мовароуннард яқин ва ўрта Шарқ ижодий кучларининг бош марказига айланган, санъатида янги йўналишлар пайдо бўлган эди»<sup>2</sup>.

Самарқанд тарихи ёзилган манбаларни варақлар эканмиз, XIV аср охири ва XV аср бошларида иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг ниҳоятда ўғсанлигини сезамиз. Самарқанднинг сиёсий мавқеини ошириш мақсадида феодал бошлиқлар шаҳарни чиройли ва салобатли қилишга уринганлар ва бу ҳаракатларида кўпроқ дин ҳомийларининг маслаҳатларига амал қилганлар. Феодал курашлар кескин тус олган бир даврда бошқача йўл тутишга ўрин ҳам қолмаган. Чунки улар ўз ниятларини, яъни бойлик орттириш мақсадида олиб борилаётган урушларни ниқоблаш мақсадида гўё мадрасалар, масжидлар ва бошқа диний муассасалар қуриш учун маблағ зарурлигини уқтирганлар. Тарихий китобларда мамлакатда ободончилик ишларини олиб бориш ҳақида айтилган гаплар ҳам учрайди<sup>3</sup>. Натижада «яхши ниятлар» учун маблағ керак деб тушунган содда халқдан минг-минглаб аскарликка олинган ва уларнинг дарё бўлиб оққан қонлари ҳисобига бир гуруҳ фирибгар шахсларгина бойишган ва бу бойликлар ҳисобига ўзлари учун боғи-роғлар, саройлар қурдиришган. Мовароуннарлик ҳокимларнинг ўзаро қонли тўқнашувлари юз беришига қарамасдан, Самарқандда санъат ва маданият ўзига хос равишда ривожланган. Бу даврларда қурилиш ишлари бирмунча олдинга қараб силжиди. Тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик каби бир қатор қасблар ўсиб борди. Бундай кўтарилишларга сабаб, биринчидан, ерлик усталар тажрибалирининг такомиллашиб борганлиги бўлса, иккинчидан бошқа давлатлар билан маданий алоқанинг кучайранлиги, учинчидан эса босқинчилик урушлари натижасида қўлга киритилган турли қасбдаги усталар ҳамда меҳнатқашлар меҳнатидан фойдаланганлик натижасидир.

Бу даврларда Самарқанднинг довругини оламга машхур қила олган Гўри-Амир мақбараси (1404), Биби-Хоним масжиди (1399—1404), Туркистондаги Ясси шаҳрида бино қилинган Аҳмад Яссавий мақбара-

<sup>2</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусства Узбекистана древнейших времен до середины двенадцатого века. М., 1966, с. 309.

<sup>3</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1972, 288-бет.

и (XIV аср охири XV аср бошларида қурилган) каба  
ткан қурилмалар вужудга келган. Шунингдек Самар-  
қанд атрофларида барпо қилинган боғларнинг кўпчи-  
лиги ҳам асосан XIV асрнинг иккинчи ярмида бунёдга  
келган.

Бу қурилишларни амалга оширишда ҳеч қандай  
шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган ва хонавайрон бўл-  
ган халойиқнинг арз-додларига ҳеч кимса эътибор қил-  
маган. Бу ўринда мисол тариқасида 12 та эски бор  
бирлаштирилиб Дилкушо боғи яратилганлигини<sup>4</sup> ҳамда  
Самарқанд шаҳрининг бошидан охиригача кесиб ўтувчи  
йул қурилишида шу йўл устидаги барча қурилмаларни  
бузишга фармонлар берилганлиги тарихдан маълум<sup>5</sup>.  
Вундай қабоҷатлар ўша даврлардаёқ халқлар нафра-  
тига учраган ва бундай сиёсат совет тарихчилари то-  
монидан қораланганд<sup>6</sup>.

XIV аср охири ва XV аср бошларида илм, маданият  
ва бошқа соҳаларда кўтарилиш даври юз бера бош-  
лади.

Самарқанд дунёда биринчи ўринда туриши керак<sup>7</sup>,  
деган фикрда бўлган амир Темурда бутун дунёдаги  
гўзал ва машҳур шаҳарлар жамоли Самарқанд сиймо-  
сида акс этишига истак пайдо бўлган ва шунга интил-  
ган ҳолда шаҳар атрофида қишлоқлар қурдириб, уларни  
дунёдаги донгдор шаҳарларнинг (Миср, Дамашқ, Бор-  
дод, Султония, Шероз каби) номлари билан атаган.  
Номи тилларда достон бўлган боғларнинг ва улар ўр-  
тасида жой олган улкан саройларнинг кўпчилиги ҳам  
шу орзу-истаклар асосида майдонга келган.

Ички ва ташқи зиддиятлар кучайиб бораётган бир  
шароитда ҳашаматли бинолари бўлган кенг боғларнинг  
барпо этилиши юқори табақадаги шахсларнинг кўнгил  
очиши учун мўлжалланган бўлса-да, ҳар эҳтимолга  
карши у ерда мудофаа чоралари ҳам кўриб қўйилган.  
~~Даридар даврда яратилган боғлар зарур бўлиб қолган-~~  
да ҳарбий лагерь, жанг майдонлари, мустаҳкам қилиб  
қурилган саройлар эса мудофаа иншоотига айлантири-

<sup>4</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов. Труды САГУ, новая серия, вып. 23. Гуманитарные науки, кн. 4. Ташкент, 1951, с. 150.

<sup>5</sup> Қаранг: Рюи Гонзалес де-Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 гг. Спб., 1881, с. 316. Бундан кейин «Клавихо. Дневник путешествия...» деб берамиз.

<sup>6</sup> Новосельцев А. П. Об исторической оценке Тимура. Вопросы истории. М., 1973, № 2.

<sup>7</sup> История Самарканда, Том I, Ташкент, 1969, с. 168.

лишлиги кўзда тутилган. Чунки бу боғлар жуда кенг бўлиб (ўртача 1 x 1 км кенглиқда), баланд девор билан ўралган ва боғнинг тўрт бурчагида ҳамда унинг тўрт тарафига қурилган дарвозаларнинг ёнларида кузатув олиб бориш учун мўлжалланган баланд миноралар бўлган. Бу боғлар ўртасида қурилган саройлар эса жуда баланд (2—3 қаватли) ва мустаҳкам бўлиб, чуқур хандақлар (кенглиги 25 метрча) билан ўралган. Кўпчилик боғларда эса бу саройлар баланд тепаликлар устига қурилган.

Ташқаридан қаралганда гўзал дараҳтлар ва анвойи гуллар билан ўралган бу саройларнинг мудофаа истеҳкоми вазифасини ўтай олиши ҳеч кимсанинг хаёлига ҳам келмаган бўлиши мумкин. Тарих саҳифаларида бу каби боғларнинг жант майдонига айлантирилганлиги<sup>8</sup>, шунингдек босқинчилардан сақланиш учун мустаҳкам бошпана вазифасини ўтаганлиги тўғрисида маълумотлар сақланган<sup>9</sup>.

Ўз замонасида тенгсиз санъат намуналари ҳисобланган бу боғларни қисман кўришга мусассар бўлган тарихчи Ибн Арабшоҳ<sup>10</sup> ҳамда испаниялик элчи Клавихо<sup>11</sup>, шунингдек эшитганлари асосида ёзган тарихчи Шарафиддин Али Яэдий<sup>12</sup> ҳамда сulton Бобир каби олимлар<sup>13</sup> ҳам XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқандда яратилган боғлар ҳақида ўз асарлари ва эсдаликларида умумий гапларни ёзиб қолдирганлар.

Бу боғлар ҳақида эшитган ёки уларни кўрган шоирлар эса ўз мисраларида улар ҳақида кишини тўлқинлантирувчи шеърлар ёзиб қолдирганлар.

Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар.

Аладин Эрамнинг кўксидагоғлар.

Боғларин васфина агар киришсам,

Еддан кўтарилиур беҳишту Эрам<sup>14</sup>.

<sup>8</sup> Зайнiddин Маҳмуд Восифий. Бадоевл-вақое. Тошкент, 1979. 114—117-бетлар.

<sup>9</sup> Ахмедов Б. А. История Балха (XVI первая пол. XVIII вв.). Ташкент, 1982, с. 30.

<sup>10</sup> Jamerlane or Jimur the great Amir, Translated by L. H. Sandrs. From the Arabics lih by Ahmad ibn Arabshah, London, 1966.

<sup>11</sup> Рюи Гонзалес де-Клавихо. Диевник путешествия..., с. 244—264.

<sup>12</sup> Шарафиддин Али Яэдий. Зафарнома, 497, 597, 603, 711 ва бошқа бетлар.

<sup>13</sup> Захириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома. Нашрага тайёрловчи С. Муталибов, Тошкент, 1948.

<sup>14</sup> Зайнiddин Маҳмуд Восифий. Бадоевл-вақое, 63-бет.

Ўз замонасида ўзларининг нафис қилиб безатилган гумбазлари, миноралари, баланд пештоқлари, уларга битилган ёзувлари билан ўз замондошларини, ҳаттоқи ажнабий кишиларни ҳам мафтун қилган, давлатнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган бу архитектура ёдгорликлари ўша даврнинг социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидан бир тимсол бўлиб ҳисобланган. Улар асрлар давомида янги-янги изланишлар натижасида майдонга келган бўлиб, қурилиш услублари бир олам сирни ўзида мужассамлантиргани ҳолда мақтовга сазовордир.

В. В. Бартольд, Н. И. Веселовский, А. Ю. Якубовский, В. Л. Вяткин, И. А. Сухарев, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова каби олимлар бу масалани ўрганишга алоҳида эътибор берганлар ва ўз изланишларида деярли фақат ёзма манбаларгагина суюнганлар.

Бу ёдгорликларни ҳар томонлама ўрганиш учун бизнингча фақат археологик материалларнигина асосий маңба бўла олишига ишончимиз комил эди. Бунинг учун бу боғ ва саройлар ўрнини аниқлаган ҳолда у ерларда археологик қазув ишларини олиб бориш лозим деб топилди ва 1967 йилдан бошлаб бир неча йил давомида археологик қазув ишлари олиб борилди. Чунки керак бўладиган асосий маълумотларни фақатгина ёдгорликларнинг ўзидангина олиш мумкин эди. Археологлар ибораси билан айтганда «ўзи ҳақида нимаики сўзлай олса барчасини ўқий олишга қаратилди»<sup>15</sup>. Археологик қазишмалар бекиёс даражада қимматли маълумотлар бера олиши ҳақида рус олими археолог Б. А. Рыбаков ажойиб далиллар келтиради. У Киев шаҳрининг IX—XII асрларга оид тарихи ҳақида гапириб, гарчи у ҳақда батафсил ёзилган йилномалар, юридик кодекслар, машҳур адабий асарлар бўлишига қарамасдан, археологик қазилмаларсиз тарихчиларимиз тарихий босқичлар моҳиятини тушуна олмаганликлари ни таъкидлайди<sup>16</sup>.

Маълумотлар йиғиндиси бизга XIV—XV асрлардаги боғчилик ва меъморчилик маданиятини бирмунча ўрганишга имконият яратди.

<sup>15</sup> Засыпкин Б. Н. Архитектурные памятники Средней Азии, проблемы исследования и реставрации. Том II. ЦГРМ. М., 1928, с. 79.

<sup>16</sup> Рыбаков Б. А. Методологические проблемы АН СССР, отделение истории. Конференция историзм археологии. Тезисы докладов. М., 1976, с. 4—5.

Биз бу боғларни — саройларни илмий ўрганир әкавида, уларда дәхқончылық, илм-фан, техника, эстетик фикр, фалсафа, машхур меъмор ва мўйқалам соҳибларининг ютуқларини бир бутун бўлиб қўшилиб кетганингини кўрамиз.

Ҳозирги кунда ва келгусида қурилиши керак бўлган посёлкаларни барпо этишда архитекторларимиз ўтмиш санъатимизнинг ажойиб намуналарини яхши ўрганиб, атроф муҳитни ва шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда тадбиқ этишлари мақсадга мувофиқдир.

## XIV—XV АСРЛАРДАГИ САМАРҚАНД БОҒЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ

Ҳар бир жой ўз номи билан машҳур бўлганидек, инсон оёғи етган ерлар ва у яратган нарсаларнинг номи бўлиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу номлар ва у жойлар асрлар ўтиши билан табиат ва жамият қонунлари таъсирида ўзгарган. Лекин бу номлар шунчаки қўйилмаган бўлиб, аксинча ўзида қандайдир бир сирни яширган ва шу жой тарихини «сўзлаб» берадиган далиллардан бири бўлган.

Ушбу сатрлар автори XIV—XV асрларга оид Самарқанд атрофида жойлашган боғ-сарайлар ўрнини аниқлашга ҳаракат қиласр экан. В. Л. Вяткин<sup>1</sup>, И. А. Сухарев<sup>2</sup>, М. Е. Массон<sup>3</sup> каби олимларнинг шу боғлар ҳақида ёзма манбаларга асосланган ҳолда ёзилган мақолларини назарда тутган ҳолда, дастлаб халқлар хотирасида сақланиб қолган эсдаликларга мурожаат этди. Жумладан, ҳозирги кунга қадар халқлар ёдида «ғишт тепа»<sup>4</sup> номи билан сақланиб қолган дўнг тепалардан биз мазкур ишга таалуқли кўпгина маълумотлар тўпладик. Сўраб, суриштиришлар натижасида бундай ғишт тепалар Самарқанд атрофида кўп эканлиги аниқланди. Уларда сочилиб ётган археологик материал-

<sup>1</sup> Вяткин В. И. Материалы к исторической топографии Самаркандского вилайета. Справ. кн. Сам. обл., вып. VII, Самарқанд, 1902.

<sup>2</sup> Сухарев И. А. Отчет об археологической разведке в Самаркандской группе районов за 1935—36 годы. Республиканский музей истории культуры и искусства УзССР. Самарканд, ед. хр. № 559.

<sup>3</sup> Массон М. Е. План окрестности Самарканда второй половины XV в. Труды САГУ, новая серия, вып. 61, Гуманитарные науки, кн. 6. Ташкент, 1953 (илова).

<sup>4</sup> Ерлик халқлар, бу ғишт тепалар ўринида бир вақтлар ҳашаматли иморатлар бўлганлиги тўғрисида, эндиликда эса, тепалик устида сочилиб ётган ғиштларга қараб, бу тепаларни ғиштепа деб аташганлиги тўғрисида сўзлашади. Улар ўз курилиш имварида шу тепалардан ғишт олиб фойдаланганлар (У. А.)

ларнинг (ғишт бўлаклари, кошикли девор қопламаларининг парчалари ва бошқалар) XIV—XV асрларга оид эканлиги аниқланди. Ҳақиқатан ҳам бу боғ-саройлар асосан феодал ҳокимларининг ҳордиқ чиқариш жойигина бўлиб қолмай, балки уларнинг баъзиларида халқ сайллари ҳам ўtkазилиб туринганлиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>5</sup>.

XIV—XV асрларда барпо этилган боғ-саройлар Самарқанд шаҳрининг<sup>6</sup> атрофида жойлашган бўлиб, ўз ўрни жиҳатидан қулай ерларга қурилган. Боғлар билан шаҳар ўртасида уларни боғловчи йўллар бўлган. В. Л. Вяткин Боғи Дилкушдан Самарқандга қараб кетган кўча бўлганингин эслатиб ўтади<sup>7</sup>.

Хозирги даврда ҳамма ерда катта-катта қурилиш ишлари авж олган бир даврда бу боғ-саройларининг ўрнини аниқлаш янада мушкуллашди. Чунки баъзиларининг ўрнида колхоз далалари жойлашган бўлса, баъзиларининг ўрнида катта-катта янги иморатлар қад кўтарган. Демак, XIV—XV асрларда 6 кв. километрлар чамаси ер майдонини эгаллаган Самарқанд шаҳрини XX асрда гуллаб яшнаётган ер майдони кун сайн жуда ҳам кенгайиб бораётган Самарқанд шаҳри билан таққослаб бўлмайди, албатта. Биз ўша боғ-саройларининг ўрнашган ўрнини аниқлаш, яъни ер ости қатламларидан шу боғлар, саройлар изини қидириб топиш ва таъриф бериб ўтишни лозим топдик. Биз ўрганаётган ва ёзма манбалар асосида аниқланган боғлардан 12 таси<sup>8</sup> XIV аср охири ва XV аср бошларида бунёдга

<sup>5</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпохе Темура и темуридов. Труды САГУ. Вып. XXIII. Ташкент, 1951 с. 165.

<sup>6</sup> Бу каби саройлар фақат Самарқанд атрофидагина бўлмасдан, балки бошқа ерларда ҳам бўлган. Масалан, қ: Каанов С. К. Руины дворца Аксарай в Шахрисабзе. Труды инс. ист. и арх. АН УзССР. Т. I. Материалы по археологии Узбекистана. Ташкент, 1948, с. 35—46; Зюков Б. Под волнами Иссык-куля. М., 1962, с. 70—72.

<sup>7</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии Самаркандского вилайета, с. 32.

<sup>8</sup> Халқ ёдида нима учун 12 та боғ, деган фикр юради. Баъзилар уни бир йилда 12 та ой бўлганинг учун 12 та боғ барпо этирган дейишади. Эҳтимол бу гап ҳақиқатга яқиндир. Тарих саҳифаларини варақлаганда қизиқ ҳодисаларни учратиш мумкин. Яъни ҳоким қарамоғидаги шахслар 12 турӯҳга бўлинган, масалан, унинг 12 та амири бўлиб, аскарларини ҳам 12 мингтадан қилиб бўлган, ўзига 12 та отлиқни ҳамроҳ қилиб олган. Бу каби қизиқ ҳодисалар XIV—XV асрлардан олдин ҳам бўлган, албатта. Масалан, Муқаддас Рим империясининг императори Карл IV га 4 рақами жуда ёқиб қолган бўлиб, унинг кўп нарсалари ва ёрдамчилари тўрттадан бўлган экан.

келган бўлиб, ундан кейин ҳам, яъни Темурийлар замонида ҳам бу боғ-саройлардан фойдаланилган. Улуғбек эса Боғи Майдонда Чилустун саройини қурдирган. Унинг ёнгинасида эса унчалик катта бўлмаган боғча барпо этилиб, унда Чинни хона номли иморат қад кўтарган. Кўйида биз ана шу боғ-саройларнинг жойлашган ерини кўрсатиш билан бирга ном маъноларига ҳам изоҳ бериб ўтамиз.

**Боғи Шамол.** Бу боғ 1397 й. (799 ҳ. й.) Мироншоҳнинг қизи учун қурилган<sup>9</sup>. Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг маълумоти бўйича бу боғ-сарой Самарқанднинг қуий ёнида жойлашган<sup>10</sup>. Самария китобининг автори Абу Тоҳир Хўжанинг (XIX аср ўрталарида) маълумотида, у Самарқанд шаҳрининг шимол<sup>11</sup> тарафидан, «девори қиёмат» деворининг ички тарафидан бўлган<sup>12</sup>. Совет олимларидан проф. М. Е. Массоннинг маълумотларига кўра, бу боғ шаҳардан гарброқда, «девори қиёмат» деворининг чегарасида, Дамашқ қишлоғидан шарқроқда жойлашган. Уша ерда бу боғнинг номини ўзида сақлаган Боғи Шамол ариғи сақланган<sup>13</sup>.

Текширишлар натижасида бу боғнинг ўрни ҳозирги кундаги Юрий Гагарин номи билан аталган кўчада жойлашган бўлиб, унда қурилган сарой харобалари кўпқаватлик уйлар тагида қолиб кетган. Бу ер қадимги Самарқанд чегарасидан 1,5 километр чамаси гарбда жойлашган. У ерда Боғи Шамол бекатининг шарқ томонидаги иморатларнинг пойдеворини қуриш вақтида ер тагидан пишиқ ғиштдан ишланган девор қолдиқлари топилган. Самарқанддаги тарих музейининг илмий ходими Крикиснинг айтишича, у ерда бир кичкина, баландлиги 1—1,5 метрча келадиган тепача бўлиб, у бузиб ташлангач, у ердан (бир нечта) деворни қоплашга ишлатилган сирли нақшлар бўлаги (майолика) топилган.

Ўз даврида В. Д. Жуков ҳам Боғи Шамол шу районда бўлса керак деган фикрга келган<sup>14</sup>. 1958 йили В. А. Шишкун бошчилигидаги археологлар шу ерда

<sup>9</sup> Якубовский А. Ю. Образы старого Самарканда. Восток, № 5, 1925, с. 159.

<sup>10</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>11</sup> Бу ерда XIV—XV асрдаги Самарқанднинг чегараларини назарда тутиш керак (У. А.).

<sup>12</sup> Абу Тахир Ходжа. Самария. СПб., 1904, с. 7.

<sup>13</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Нави. Труды САГУ, вып. 81. Исторические науки, кн. 12. Археология Средней Азии, Ташкент, 1956, с. 78.

<sup>14</sup> Жуков В. Д. Остатки монументального сооружения XIV в. Изв. АН УзССР. Ташкент, 1949, № 4, с. 112.

йорик иморатнинг пашиқ ғаштдан ишлангани тойдеворийни кўришган<sup>15</sup>. Эслатиб ўтганимиздек, ҳозирги шунда ҳам шу ерлар Бони Шамол<sup>16</sup> номи билан аталади. Бу боққа «шамол» номининг берилишига асосий сабаб шаҳарнинг шу томонидан кўпинча шамол эсиб туришидан бўлса керак. Бизнинг Фикримизни географларнинг берган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Уларининг берган маълумотларига қараганда Самарқандда энг кучли шамолларнинг тезлиги секундига 20 метрдан ортиқроқ бўлиб, асосан ғарб томондан эсади<sup>17</sup>.

Шарафиддин Али Яздиининг айтишича, бу жой боғсарой бунёдга келмасдан олдин ҳам Бони Шамол номи билан машҳур бўлган<sup>18</sup>.

Бони Биҳишт. Бу боғ 1378 йилда 12 ёшли Туман оқа учун қурилган бўлиб, Бони Шамолнинг жанубий гарбида жойлашган. Бу боғ М. Е. Массоннинг фикрича, XIV аср охирларида барпо қилинган боғлар ичидаги биринчилари ҳисобланади<sup>19</sup>. Бу боғнинг ўрнашган ўрни мавжуд адабиётларда турлича кўрсатилган. Жумладан, Самариянинг автори уни шарқда<sup>20</sup>, деб кўрсатса, бошқасида жанубда<sup>21</sup> дейилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобир эса Самарқанднинг қуи ёнида деб кўрсатади<sup>22</sup>. М. Е. Массон ўз текширишларида бу боғнинг ўрнини Бони Шамолдан жанубий гарбда деб кўрсатган<sup>23</sup>. Ёзма манбаларда бу боғдаги қаср Табризнинг оқ ва тоза мармаридан сунъий тепалик устига қурилганлиги айтилади<sup>24</sup>.

Биз олиб борган текширишларда бу боғдан бирорта ҳам из топа олмадик. Агар унинг тепалик устига қурилганлиги ҳақиқат бўлса, Самарқанд майдонининг

<sup>15</sup> История Самарканда. Т. І. Ташкент, 1969, с. 402.

<sup>16</sup> Адабиётларда яна Бони Шимол деб ҳам юритилади. Лекин бу боғ гарбга яқинроқ туради. Шунга биноан шимол сўзи ноўрини роқ (У. А.)

<sup>17</sup> Сайдов А., Қўзиев А. Фараҳбахш шаҳар. «Фан ва турмуш», 1970, 8-сон, 16-бет.

<sup>18</sup> Шарафиддин Али Язди. Зафарнома, 289 (а, б) варақ.

<sup>19</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времена Наваи, с. 78.

<sup>20</sup> Абу Тохир Ходжа Самария, с. 7.

<sup>21</sup> Герман Вамбери. История Бухари или Трансоксании, перевод А. И. Павловского. Т. І. Спб., 1873, с. 231.

<sup>22</sup> Бобирнома, 164-бет.

<sup>23</sup> Массон М. Е. План окрестностей Самарканда второй пол. XV в. Труды САГУ, Новая серия, вып. 61. Иловасига қараган.

<sup>24</sup> Герман Вамбери. История Бухари или Трансоксании, с. 231.

кенгайини, янги куришишлар туфайлй йўқ бўлиб кетганнингига ажабланмаса ҳам бўлади. Унинг номи Жаннат боғи деб аталган. Ҳақиқатан ҳам, Самарқанднинг жануби ғарбий чегаралари хушҳаво ва гўзал бўлиб, узоқларда қад кўтарган тоғ манзаралари одам баҳрини очади.

**Боғи Давлатобод.** М. Е. Массоннинг фикрича, бу боғ совға тарниқасида қурилган<sup>25</sup>. Бу боғ-сарай Самарқанд шаҳридан 13 км.лар чамаси жанубда, Термизга кетаберишдаги йўлнинг чап қанотига жойлашган. Давлатободнинг жойлашиш ўрнини аниқлашда ўша давр тарихчилари<sup>26</sup> маълумотларидан, Испания элчиси Клавиҳонинг эсдаликларидан<sup>27</sup> фойдаланилди. Уларда аниқ маълумотлар берилмаган бўлсада, ҳар қалай бу боғ Самарқанднинг жануб томонида жойлашганлигига ишончли далиллар бор.

В. Л. Вяткин томонидан Темурйлар даврига оид бўлган вақф ҳужжатларини ўрганилиши натижасида Дарғом канали билан Шавдор ариғи ўртасида Давлатобод қишлоғи бўлгаклиги аниқланди<sup>28</sup>. 1936 йилда И. А. Сухарев Давлатобод боғининг аниқ жойлашган ўрнини топди<sup>29</sup>. Давлатобод боғи асосий йўл устига жойлашган экан. Боғдаги сарой баланд тепалик устига қурилган бўлиб, шимол тарафидан Дарғом канали ҳамда Самарқанднинг гўзал манзаралари, жануб тарафидан эса Қоратепа тоғлари кўрнишиб турган. Шарқ тарафидан қишлоқлар, ғарбидан эса бепоён далалар ўраб турган. Шунинг учун ҳам бу боғ-сарай бахт-саодат қарорроғи деган мазмундаги жумла билан (Давлат обод)<sup>30</sup> аталган.

**Боғи Чинор.** Бу боғ-сарайни қуриб битказилган вақти Клавиҳонинг<sup>31</sup> маълумоти бўйича, XV асрнинг бўшланиш йилларига тўғри келади. Лекин боғ илгарироқ

<sup>25</sup> Массон М. Е. Местонахождение сада Тимура Давлатабад. Отдельный оттиск известии Средазкомстариса, вып. 3. Ташкент, 1928, с. 44.

<sup>26</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура..., с. 186.

<sup>27</sup> Клавиҳо. Дневник путешествия..., с. 244.

<sup>28</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии, с. 30.

<sup>29</sup> Сухарев И. А. Дворец сад Тимура Давлат-Абад. Труды УзГУ. Новая серия, № 14. История, вып. 2. 1940.

<sup>30</sup> В. В. Радловнинг турк шевалари бўйича тузган луғатида давлат — бойлик, бахт-саодат, обод — яхши ҳолат, обод маъносинда берилган. Қаранг: Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. 3. часть 2, с. 3036.

<sup>31</sup> Клавиҳо 1404 йили куз ойида бу боғдаги саройни ҳали қурилаётгасангини эслатган. Клавиҳо. Дневник путешествия..., с. 257.

БОҒЛАР ҲАҚИДА ИБК<sup>13</sup>  
ПРОДОМОС 22 дей 19-кини

бунёд этилтани тўғрисида далиллар ҳам йўқ эмас<sup>32</sup>. Жумладан, тарихчи Фиёсиддин Али бу боғ тўғрисида фикр юритиб, у шарқ томонда бўлган, деб айтади. Унинг ёзишича, Ҳиндистонга қилган сафаридан қайтган Самарқанд ҳукмдори ўз гуноҳларини ювиш учун Қусам ибн Аббос мақбарасига борган. Ундан чиққач Туманоқа хонақосига келиб, пешин намозини ўқигач, Бори Чинор ва Нақши Жаҳон боғларида дам олган<sup>33</sup>. Юқоридагилардан Бори Чинор Нақши Жаҳонга яқин экан, деган фикр келиб чиқиши табиий бир ҳолдир.

Шарафиддин Али Яздий бу боғ Кеш шаҳридан келишда йўлдаги биринчи боғ бўлиб, 1404 йили Темур Бори Жаҳон намодан кетиб, Бори Чинорда дам олган<sup>34</sup>, деб ёзади. Аслида эса Жаҳон намодан кейинги боғ Давлатобод боғидир. Бобирнинг ёзишича, у Самарқанднинг жанубидаги қалъага яқин жойда бўлган<sup>35</sup>.

XIX асрнинг ўрталаридағи сайёхларнинг ёзишича, у шаҳарнинг жанубий қисмида бўлиб, икки четига тераклар ўтказилган йўлаклари билан машҳур бўлган. Боғнинг ўртасида сунъий тепалик бўлиб, унинг устида тарҳи хочсимон шаклда бўлган сарой қад кўтарган<sup>36</sup>. Самария китобининг автори<sup>37</sup> ҳам, В. Л. Вяткин томонидан олиб борилган текширишлар ҳам бу боғни шарқ тарафда эканлигини тасдиқлайди<sup>38</sup>. Лекин М. Е. Массон олиб борган текширишларига асосланиб уни жануб томонда — Қизилқўрғон деб аталган жойда бўлганлиги айтилади<sup>39</sup>. Аммо автор олиб борган текширишлар натижасида Самарқанднинг жануб томонида бу боғнинг бўлганлигини билдирадиган њеч қандай аломатлар топилмаган. Бизнинг фикримизча, бу боғнинг шарқ томонида дейилиши ҳақиқатга яқинроқдир. Чунки шаҳарнинг шу тарафидаги Хўжа қишлоғида (Конигил яланглигининг жанубий ғарб томонида) «Қўш тамғалик» номи билан аталган тепа бўлиб, унинг устки қисмида XIV—XV асрларга оид ғишт парчалари, кошин бўлаклари кўплаб топилди. Бу тепалик колхоз майдо-

<sup>32</sup> Масалан, Фиёсиддин Алиниңг ёзишича, Темур 1399 йили бу боғда дам олган. Демак, бу даврда боғ битган бўлган.

<sup>33</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура, с. 183.

<sup>34</sup> Якубовский А. Ю. Образы старого Самарканда, с. 156.

<sup>35</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>36</sup> Вамбери Г. История Бухары или Трансоксании, с. 231.

<sup>37</sup> Абу Тахир Ходжа. Самария, с. 7.

<sup>38</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии..., с. 34.

<sup>39</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочной облик Самарканда времени Навои, с. 84.

нида бўлиб, Умаров Бурхон отанинг (65 ёш) айтишига қараганда, анчагина майдонни эгаллаган ва биз кўрган вақтга келиб, унинг анчагина қисми ўзлашибилиб кетган экан. Қолган қисми шимолдан жанубга чўзилган (20 метр) бўлиб, ғарбий ва шарқий чегараларининг оралиғи 10 метр, баландлиги 4—5 метр атрофида экан. Бу тепаликкниң ғарб тарафида эса Обираҳмат, Сиёб, Тазар сувлари оқиб ўтади.

Ёзма манбаларда ёзилишича, бу боғдаги сарой хосчимон шаклда бўлиб, тепалик устига қурилганлигидан ва гўзал чинорлар кўп бўлганлиги учун боғи Чинор номини олган бўлса керак.

**Боғи Дилкушо.** Бу боғ ҳақида Шарафиддин Али Яздий қизиқ маълумотлар қолдирган. «799 ҳижрий или куз фаслида Конигил мавзуига боғи Эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонидан кўра шодлантирадиганроқ бир қаср қуришга бўйруқ берилди... Боғга Дилкушо деб ном берилди»<sup>40</sup>.

Бу ҳақда Бобир берган маълумотлар ҳам аҳамиятга эгадир. «...Самарқанднинг шарқида икки боғ солибдур, бириким йироқтур, Боғи Бўлдуур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодир. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафига терак йиғочларни эктурубтур...»<sup>41</sup>.

В. Л. Вяткин ўзи олиб борган археологик қазишмаларга асосланиб, уни Ҳиндувон қишлоғида (кейинчалик Дўнг қишлоғи деб аталган) эканлигини айтади<sup>42</sup>. Бошқа авторлар ҳам бу боғни ўша ерда эканлигини тасдиқланлар. Ҳозирги кунда бу боғнинг ўрни Самарқанддан 5 км лар чамаси шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида, Ўзбекистон колхози териториясида жойлашган. Унга берилган ном. (Дилкушо — дилни шодлантирувчи, ром қилувчи, хуш қилувчи, очувчи) боғ жисмига нисбатан мос тушганлиги шубҳасизdir. Шунинг учун бўлса керакки, бу боғни «...Мовароунаҳрнинг энг яхши боғларидан», — деб ёзган эди Шарафиддин Али Яздий<sup>43</sup>.

**Боғи Бўлду.** Бу боғ тўғрисида ёзма манбаларда жуда оз маълумот берилган. Фақат Бобирномадагина уни шарқ тарафда эканлиги эслатилади<sup>44</sup>. В. Л. Вяткин уни Дилкушога яқин жойда Кўрғонча қишлоғида

<sup>40</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 293-бет. 294а, варак.

<sup>41</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>42</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии, с. 32.

<sup>43</sup> Якубовский А. Ю. Образы старого Самарканда, с. 156.

<sup>44</sup> Бобирнома, 64-бет.

эканлигини аниқлаган<sup>45</sup> М. Е. Массоннинг текшириш таридан В. Л. Вяткиннинг маълумоти тасдиқланган<sup>46</sup>. Ушбу сатрлар автори томонидан бу боғда археологик текшириш ишлари олиб борилди. Текшириш натижасида бу боғнинг Панжакентга кетадиган йўлнинг ўнг томонида, боғи Дилкушодан 1,5 км ча нарида эканлиги аниқланди. Бу боғ Улуубек номли колхознинг ерига жойлашган. Унинг номи ҳақида сўз юритилганда шуни айтиш керакки, Бўлду сўзини В. В. Бартольд<sup>47</sup> «совершенства», яъни камолатга етган, етуқ, кам-кўстсиз деб, Г. А. Пугаченкова<sup>48</sup> эса «довольство» — фаровонлик, мўлчилик деб таржима қилган. В. В. Радловнинг турк шевалари бўйича тузган луфатида бу сўз бадавлат деб таржима қилинган. Шунга кўра бу боғни бадавлат боғ<sup>49</sup> деб аташ мумкин бўлади. Жумладан, сарой харобаларида олтин суви юритилган «кундал»<sup>50</sup> типидаги нақшларнинг топилиши ҳам унинг бойлигидан далолаг бериб турибди. Шуларга кўра биз бу боғни 1398—1400 йилларда Дилкушодан кейин қурилган бўлса керак дея оламиз.

**Боғи Нақши Жаҳон.** Бу боғ тўғрисида жуда оз маълумотга эгамиз, Тарихчи Фиёсиддин Али «Зафарнома» асарида бу боғни фақат номинигина эслатиб ўтади\*. Асосий муҳим маълумотни «Бобирнома»да учратдик: «...яна пуштаи Кухакнинг доманасида Конигилнинг Қора суйининг устидаким, бу сувни Обираҳмат дерлар, бир боғ солибтур Нақши Жаҳонга мавсум. Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди, оти беш қолмайдур эди»<sup>52</sup>, — деб ёзади Бобир.

\* Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии, с. 32—33.

<sup>46</sup> Массон М. Е. План окрестностей Самарканда... Иловаси.

<sup>47</sup> Бартольд В. В. Хафизи-Абру и его сочинение Ал Музаффария. Сборник статей учеников В. Р. Розена. СПб., 1897, с. 17.

<sup>48</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов, с. 147.

<sup>49</sup> Радлова В. В. Опыт тюркских наречий, т. IV, ч. 2, с. 185.

<sup>50</sup> Афсоналардан бирида айтилишича эшикларнинг тепасида катта тош плиталар бўлиб, улар кечаси атрофни ёритиб турар экан. Халқ ёдида сақланган бу афсонада жон бор. Чунки сарой деворларига берилган зарҳаллар ой ёруғида атрофга нур таратган. Бунга археологик қазишмалардан топилган ҳар бир парчни кошин парчасида сақланниб қолган зарҳал излари гувоҳдир.

<sup>51</sup> Бу нақшини ишлациб кўп миқдорда олтии ишлатилгай бўлиб, бошқа сарой харобаларида учрамайди.

<sup>\*</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию, с. 183.

<sup>52</sup> Бобирнома, 64-бет.

В. Л. Вяткин үз текширишларида Чүпон ота тоғи-  
нинг жанубий этаклари XV асрда Нақши Жаҳон номи  
 билан аталғанлигини аниқлаган<sup>53</sup>. Бу ер ҳозирги кунда  
 ҳам «Нақши Жаҳон» деб аталади. Ҳақиқатда ҳам  
 Нашқи Жаҳон Улуғбек расадхонасидан 1 км лар чама-  
 си шарқда, Чүпон ота тоғининг жанубий этагидаги Оби-  
 раҳмат ариғининг атрофларида ерлар бўлиб, ҳозирги  
 кунда ҳам ўзининг манзарали кўриниши билан киши  
 эътиборини жалб этади. Бу ерларда олиб борилган  
 қазув ишлари натижасида кўплаб ғишт ва сирли ко-  
 шин бўлаклари топилди. Аммо пахта майдонига айлан-  
 тирилиб юборилган ердан сарой пойдеворининг излари-  
 ни аниқлай олмадик. Шу ерлик қарияларнинг ҳикоя  
 қилишича, уларнинг ёшлиқ вақтларида шу ерларда  
(Обираҳмат ариғининг жанубий тарафида) чуқур-чуқур  
 хандақлар бўлиб, кейинчалик улар тўлдирилиб юборил-  
 ган экан. Эҳтимол, девор пойдеворидан тошлар олиб  
 кетилгандан сўнг шу чуқурликлар ҳосил бўлган бўлса  
 керак. Бу ер ўзининг табий кўринишига кўра юқорида  
 эслатганимиздек, манзарали бўлганлиги учун шу ерга  
 боғ ва қаср қурилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Уни  
 барпо этилган вақтига келсак, Г. А. Пугаченкова «...бу  
 боғ XIV асрнинг 70 йилларида қурилган бўлса керак»,  
 деган фикрни айтади<sup>54</sup>.

Бу фикр ҳақиқатга яқинроқ бўлиши мумкин. Чунки  
 эндигина ташкил топган давлат ихтиёрида маблағ кам  
 бўлганлигидан дастлабки йилларда боғлар барпо этиш-  
 га киришган боғ усталари табий жиҳатдан тайёр ҳол-  
 даги ерларни танлашган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ-  
 дир. Унинг номи иккى сўздан тузилган бўлиб, нақш-  
 нақш, безак маъносида; жаҳон эса жаҳон, олам  
 маъносида берилган. Демак, Нақши жаҳон<sup>55</sup>, жаҳон  
 безаги маъносини билдиради.

**Боғи Баланд.** Бу боғ ҳақида ёзма манбаларда маъ-  
 лумотлар деярли учрамайди. Абу Тоҳир Хўжанинг

<sup>53</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии..., с. 22.

<sup>54</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и тимуридов, с. 147.

<sup>55</sup> Шу ерлик Қозоқ бобо (89 ёшда) ҳикояларнiga қараганда,  
 уларнинг ачалари (111 ёшларида вафот этган) бу ерларда бир  
 вақтлар катта иморат бўлган, деб айтган экан. Бу ердан Регистонга  
 қўлма-қўл ғишт ва сирли ғиштлар ташилган экан. «Нақши-  
 жаҳон»нинг маъноси уларнинг тушунчасича жаҳонни нақши шу  
 ердан олинган, деган экан. Ҳақиқатда ҳам атроф-теваракда куз-  
 тиш ишлари олиб борилгандага жуда кўплаб иморат деворларини  
 қоплашда ишлатиладиган ғиштчалар (4x4 см, 19x4 см) кўп учра-  
 тилди.

ёзмича, у Самарқанднинг шимол тарафида жойлашган<sup>56</sup>. В. Л. Вяткин ўз текширишларида унинг Зарафшон дарёсининг ёқасида эканлигини, боғнинг бир тарафи дарё қирғоғига туаш бўлганини аниқлаган. Бое 1665 йилларда ҳам сақланган бўлиб, боғни ўраган девор ҳаробаларини эса XX аср бошларида ҳам кўриш мумкин бўлган<sup>57</sup>. Ушбу сатрлар автори томонидан олиб борилган текширишлар натижасида бу боғнинг иморат қурилган жойлари аниқланмай қолди. Ҳозирги кунда Боги Баланд деб аэропортдан шарқ томондаги ерлар аталар экан. Бу ерларни ҳар хил қурилишлар эгаллаб олганлиги сабабли бу атрофда боғ бўлганлигини эслатувчи бирорта ҳам аломат қолмаган. Бизнинг таҳминимиз бўйича бу боғнинг ўрни айни аэропорт териториясида бўлса керак. Чунки Самарқанднинг шимол тарафида Зарафшон қирғоқлари бўйларига яқин ерларда бу территориядан яхши, хуш ҳаво, манзарали жой йўқ. Бу ерни шимол тарафида Зарафшон дарёси, гарб томонида Чўпон ота тоғи ўраган бўлса, жануб тарафида Самарқанд шаҳри, шарқида эса кенг бепоён далалар жойлашган. Табиийки, бундай хушманзара жой ўша давр ҳукмдорларининг диққат-эътиборини тортган. Тарихий номлар ичida баланд сўзи учраб туради. Масалан, Бухородаги XV аср охири XVI аср бошларига оид бўлган Масжиди Баландни<sup>58</sup> олсак, бунда масжид пойдевори баланд қилиб ишлангани учун, шу ном берилиган экан. «Боги Баланд» номига келсак, ер тузилиши баланд эмас, аксинча пасттекисликдан иборатдир. Бизнинг фикримизча, бу боққа баланд номининг берилиши унинг баланд ерда эмас, балки бошқа боғларга нисбатан юқорироқда (баландроқда) жойлашганлиги учун ҳамдир.

**Боги Ноу.** В. Л. Вяткин вақф ҳужжатларини текшириш натижасида бу боғни шаҳар деворларига яқин ерда бўлиб, уларни фақат шаҳарни ўраган хандақгина ажратиб турганлигини аниқлаган. Бу боққа Чор раҳа (шаҳарник гарб томонидан) дарвозаси орқали борилган<sup>59</sup>.

М. Е. Массон бу боғнинг ўрни ҳозирги шаҳар маданият парки ўринида бўлган бўлса керак, деб таҳмин қи-

<sup>56</sup> Абу Тахир Ходжа Самария..., с. 7.

<sup>57</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии, с. 34.

<sup>58</sup> Пугаченкова Г. А. Ремпель Л. И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент, 1958, с. 83.

<sup>59</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии..., с. 22.

лади<sup>60</sup>. Автор томонидан олиб борилган төкширишлар ҳам бу боғни шу кўрсатилган ерда бўлган бўлса керак, деган хуносага олиб келди. Бизнинг бу фикримизни 1404 йили Самарқандга элчи бўлиб келган Клавихо маълумотлари ҳам бир оз ойдинлаштиради. Унинг ёзишича, бу боғ тўртбурчак шаклида бўлиб, деворлари жуда баланд ва ҳар бир бурчагида айланана шаклидаги минораси бўлган. Боғ ўртасида бошқа боғлардагига нисбатан катта қаср бўлиб, унинг олдида сув ҳавзаси бўлган<sup>61</sup>. Ҳақиқатда ҳам шаҳарни шу кўрсатилган ерида ҳозирги кунда ҳам эски сув ҳавзаси сақланган. Бу боғ бошқа боғларга нисбатан кейин барпо этилганлиги учун унга янги боғ деб ном беришган.

**Боғи Жаҳон Намо.** Бу боғнинг қайси тарафда эканлигини Фиёсиддин Алиниң «Зафарнома» номли китобида баён қилинган жумлалардан аниқласа бўлади. Самарқанд амирлари Ҳиндистон сафаридан қайтишда (1399 йил 25 апрель) Тахти Қорача номли жойда (ҳозирги Зарафшон тизма тоғидаги довон) бир кун тўхтаб, сўнгра Жаҳон Намо саройига келганликлари тўғрисида ёзади<sup>62</sup>. Самария китобининг автори эса Боги Жаҳон Намони Анҳор туманини тарафида, тоғ этагида эканлигини ёзади<sup>63</sup>. В. В. Бартольднинг Шарафиддин Али Яздий маълумоти бўйича ёзишича, бу боғ шу даражада катта бўлганки, у ерда бир от йўқолиб қолиб, олти ойдан сўнг топилган эмиш. Бундаги сарой 1398 йили баҳорда қурилган бўлиб, Самарқанддан 7 фарсах<sup>64</sup> нарида бўлган. Богни бунёд қилишда довондан оқиб тушидиган жилга сувларидан фойдаланилган<sup>65</sup>.

Бизнинг бу боғ жойлашиши мумкин бўлган Зарафшон тоғи этакларида олиб борган текширишларимиз қониқарли натижага бермади. Лекин бундай ажойиб манзарали ерларга боғ-саройлар қурилган бўлиши мумкин. Афтидан, бу боғ XV аср бошларида ёқ харобага учраган бўлса керак, чунки унинг тоғ ёнбағрига жойлашганлиги чин бўлса, табиатда тез-тез юз бериб турадиган кучли ёмғирлар, селлар ва унинг натижасида пайдо бўладиган тошқинлар ҳеч шубҳасиз уни харобага

<sup>60</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Наваи..., с. 77—78.

<sup>61</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 261.

<sup>62</sup> Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию, с. 186.

<sup>63</sup> Абу Тахир Ходжа. Самария..., с. 7.

<sup>64</sup> I фарсах 6 км га тенг.

<sup>65</sup> Бартольд В. В. Том II. Часть 2. М., 1964, с. 61.

айлантирган. 1404 йили шу томонларда бўлган Клавихо ҳам бу боғ-сарой ҳақида ҳеч нарса ёзмаган.

**Боғи Амирзода Шоҳрух.** Бу боғ тўғрисида адабиётларда маълумотлар жуда кам. Шарафиддин Али Яздий ўз асарида бу боғни Чорраха (Самарқанднинг ғарб томонидаги) дарвозасига яқин эканлигини эслатиб ўтган<sup>66</sup>. Эҳтимол, бу янгишмовчиликдир. Чунки бу дарвозага яқин ерда Боғи Ноу бўлганлигини юқорида айтиб ўтдик. Археологик текширишлар натижасида унинг ўрнини аниқлашда ёрдам берадиган бирорта белги топилмади. Эҳтимол, 1935 йили А. И. Сухарев томонидан олиб борилган текширишларда аниқланган Бобожон тепалиги устига шу боғнинг қасри қурилган бўлса ажаб эмас. Тўрт бурчак шаклидаги бу тепалик шарқдан-ғарбга қараб чўзилган бўлиб (76x44 м), баландлиги 4, эни 6 метр кенгликтаги хандақ билан ўралган тепаликнинг шарқий қисмидан 16 метрлар чамасидаги ер ўша даврдаёқ ўзлаштирилиб юборилган<sup>67</sup>. Бу ер Самарқанддан 9—10 километр шарқ томонда, Зарафшон дарёсининг бўйларига яқин ерларда бўлган. Ҳозирги кунда у ердаги қолган тепалик ҳам ўзлаштирилиб юборилган. Бизнинг тахминимиз бўйича, айнан шу ерларда боғ жойлашган бўлиши керак. Баъзи гапларга қараганда бу боғ 1394 йили Шаҳзода Шоҳрухнинг Қавказ ортида олиб борилган урушлардан қайтиши шарафига қуриб битказилган<sup>68</sup>. Эҳтимол, шундайдир, ҳақиқатан ҳам Шоҳрух 1394 йили урушдан қайтиб Самарқандга келганда у Аханин дарвозасидан кирган<sup>69</sup>. Эҳтимол, Шоҳрух шаҳарнинг шарқ тарафига қурилган боғда дам олган, сўнгра эса шу ерга яқин бўлган дарвозадан шаҳарга киргандир. Боғнинг номида ҳеч қандай изоҳ берадиган ери йўқ. Чунки бу боғ Шоҳрухга тегишли бўлгани учун, уни соддагина қилиб Шоҳрух боғи деб юритилган бўлса керак.

**Боғи Майдон.** Ҳозирги кунда Афросиёб тепалигининг шимол томонлари Боғи Майдон деб аталади. «Майдон» сўзи бу ерда кенглик, очиқлик маъносида берилган. Шунингдек бу сўз боқقا қарашли жой деган маънони ҳам англатган. Ҳақиқатдан ҳам бу боғ Афросиёб тепалиги билан Чўпонота тоғининг ўртасида жойлашган.

<sup>66</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 484-варак.

<sup>67</sup> Сухарев И. А. Отчет об археологической разведке..., с. 67.

<sup>68</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство..., с. 67.

<sup>69</sup> Беленицкий А. М. Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии, в XIV—XV вв. Труды отдела Востока, т. 2. Л., 1940, с. 190.

Бу боғнинг асосий гуллаш даври Улуғбек даврига тўғри келади. Боғи Майдон ва ундағи қурилган Чил устун саройнинг қаерга жойлашганлиги тўғрисидаги Бобирномада қизиқарли маълумотлар берилган. «Улуғбек ...пуштаи Кўҳакнинг доманасида гарб сари боғе солибтур. Боғи Майдонга мавсум»<sup>70</sup>. Ҳозирги кунда ҳам шу сарой қурилган жой, «Чилустун» деб юритилади. Бизнинг фикримизча, бу сарой 1430 йиллардан кейин қурилган бўлиши керак. Чунки тарихий манбаларда кўрсатилишича, Кўҳак этагида расадхона биноси қурилгач, сўнгра боғ барпо этилган<sup>71</sup>. Расадхона эса 1428—29 йилларда қурилган<sup>72</sup>. Унинг номи (Чил сутун — қирқ устунли) ҳақида фикр юритишда Бобирнинг қўйидаги маълумотини эслаш кифоя: «...Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ашъёна стунлари тамоман тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчидан тўрт манордек буржлар қопорибтурларким юқорига чиқар йўллар бу тўрт буржиндир. Ўзга томон ерларда тошдин стунлардир. Баъзини мопеч (ҳиёра) қилибтурлар. Юқорига ошъёнининг тўрт тарафи айвондир, стунлари тошдин...»<sup>73</sup>. Бундан кўриниб турибдики, бу иморатни қуришда устунлар асосий роль ўйнаган. Лекин устунлари қирқта бўлганми ёки йўқми бизга номаълум. Тарихий манбаларда бу каби номлар учрайди. Масалан, Эронда бу ном билан аталган сарой бўлиб, (XVII аср) устунлари фақатгина 20 та бўлган<sup>74</sup>.

**Боғча.** Чил устундан шимолий гарб томонда, 400—500 метр нарида, Чўпонота тоғининг ёнбағрида Улуғбекнинг иккинчи боғи бўлган. Бу боғ бизнинг фикримизча, Боғи Майдоннинг бир чеккаси ҳисобланниб, эҳтимол, уларни бир-биридан девор ажратиб турган бўлса керак. Бу боғ унчалик катта бўлмаганлиги сабабли тарихий манбаларда Боғча номи билан юритилган. Бу боғчада Чиннихона номи билан машҳур бўлган саройча ҳамда айвон бўлган. Бу ҳақда Бобир жуда қизиқ маълумот беради. «...Бу иморатдин (яъни Чил устундан демоқчи — Ў. А.) пуштаи Кўҳак сари домана да яна бир боғча солибтур, онда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуғ тош таҳт қуюбтур,

<sup>70</sup> Бобирнома, 65-бет.

<sup>71</sup> Абу Тахир Ходжа Самария, с. 170.

<sup>72</sup> Пугаченкова Г. А. Архитектура — обсерватории Улугбека.— В кн.: Искусства зодчих Узбекистана, т. IV, Ташкент, 1969, с. 107.

<sup>73</sup> Бобирнома, 65-бет.

<sup>74</sup> Бартольд В. В. Т. VII. 1971, с. 173.

туди төмминаң ўн түрт—үй беш қары (төмминаң 70 см. да тенг — У. А.) бүлгай, арзы етти-саккыз қары, умқи бир қары... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси томом чиний, Чиннихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтуруубтур»<sup>75</sup>. Демак, бу боғчада айвон ҳамда саройча бўлиб, қурилиш йиллари Чил устун билан олдинма кейин бўлган бўлиши керак. Бу ер Улугбекнинг асосий жойи бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Улуг олим расадхонада ишлаб чарчаган чоғларида шу ерда дам олган ҳамда баъзи бир илмий, сиёсий ва бошқа масалалар юзасидан шу ерда фикр юритган. Хоналар ичи чинни тахтачалар билан қопланганлиги учун уни чиннихона деб юритишган. Бу 1941 йилги археологик қазишмаларда текширилган<sup>76</sup>, лекин Улуг Ватан уруши бошланиши туфайли иш охиригача олиб борилмаган. Бу ерларда аҳоли зич жойлашганилигидан автор томонидан 1969 йили бошланган археологик текшириш ишлари ҳозирча ниҳоясига етмади.

**Боғи Зоғон.** Бу боғ тўғрисида маълумот берган авторлар уни шарқ тарафда эканлигини ёзадилар<sup>77</sup>. Ҳозирда ҳам Самарқанднинг шарқ тарафида Панжакент йўлидан боргандада (16 км. масофада) Боғи Зоғон деган қишлоқ бор. Темурйлар даврига онд адабиётларда<sup>78</sup> бу боғ тўғрисида маълумот учрамайди. Ерлик халқлар ёдида ҳам боғ-сарой сўзи билан боғлиқ бўлган эсадаликликлар қолганини эшитмадик. Улар бу жойни қарғалар боғи деб аташар экан. Чунки қишда ҳам, ёзда ҳам қарғалар бу ердан аrimас экан...

— 0 —

XIV—XV асрларда юқорида номлари тилга олинган боғ-саройлардан ташқари, яна бошқа боғ саройлар ҳам бўлганми, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қила миз. Баъзи бир маълумотларда Самарқандан 24 км жанубда Қоратепа қишлоғи бўлиб, унда сарой қурил-

<sup>75</sup> Жуков В. Д. Результаты археологического обследования остатков загородных дворцов Улугбека Чилсутун и Чиннихона. Архив инс. арх. АН УзССР, инв. № 98.

<sup>76</sup> Улугбекнинг Чиннихона номини олган саройи чет элликлар дикқатини ҳам ўзига тортган. Масалан, Техроннинг адабиёт секциясида раислик қилган Али Аскар Хекмак шу саройнинг харобалари тўғрисидаги ахборотларни ёзib туришлини илтимос қилган.

<sup>77</sup> Абу Тахир Ходжа Самария, с. 7; Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навиан, с. 80.

<sup>78</sup> Бу ном билан аталган боғ Ҳиротда бўлганлиги ёзма манбалардан маълум бўлган. Масалан, қаранг: Бобирнома, 223-бет. Абдураэз қадий Самарқандий. Матлан Саъдайн ва мажмай баҳрайн. Тошкент, 1969, 191-бет.

тәнлигига күрсатилади<sup>79</sup>. Текшірилшлар натижасыда бу қышлоқда баланддиги 11 метр, узунлиги 20 метр, эса 15 метр бұлған тепалик борлиги аниқланады. Бу тепаликнинг номи Қаратепа бўлиб, бунда сарой қурилганлигини күрсатадиган бирорта белги топилмади. У қуринишдан қоровуллар учун қурилган қўрғончага ўхшайди. Самарқанд атрофида шунга ўхшаш тепалар кўплаб учрайди, лекин уларнинг бирортасыда ҳам XIV—XV асрга онд саройлар ўрни ҳозиргача аниқланмади. Шубҳасиз, бу боғ-саройлардан ташқари, яна Самарқанднинг атрофида жуда кўплаб боғлар, кўнгил очар жойлар бўлган. Гул-боғ, лолазор, Бедана қўриғи, Чумчуклик, Фозхона ва бошқалар шулар жумласидандир. Эҳтимол, номлари ва харобалари бизгача етиб келмаган яна шундай хушманзарали жойлар ва боғ-саройлар бўлгандир. Бу ўринда Клавихонинг берган маълумотларини эслатиб ўтмоқчимиз: «...Шаҳар борлар ва узумзорлар билан ўралган бўлиб, баъзилари 1,5 лига<sup>80</sup>, баъзилари эса 2 лигага чўзилган. Бу боғлар ўртасидан кўчадар ўтган ҳамда аҳоли яшайдиган майдонлар жойлашган. Бу шаҳарлардан ташқарида жойлашган боғларда ҳам кўпдан-кўп уйлар бор. Бу ерда шоҳнинг ҳам саройлари ва асосий омборлари жойлашган. Булардан ташқари, бу боғларда кўпчилик бойларнинг уй ва хоналари бор. Бу боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга кириб бораркансиз, гўё шаҳар баланд дараҳтлар билан қопланган ўрмонларнинг ўртасида тургандай...<sup>81</sup>.

Умуман олганда XIV—XV асрлардаги боғларни бунёд этишда қатнашган халқ усталари, ҳеч шубҳасиз, ўзсанъятларини намойиш қилишда ота-боболари яратган боғ-санъати ва унинг яхши намуналари билан яқиндан таниш бўлган. Ўлар боғ учун жой танлашда ҳам ниҳоятда усталик билан иш тутишган. Юқорида айтib ўтганимиздек, бунда улар сув масалаларига, ерининг баландпастлигига, иморат учун жойнинг мос келишига ва бошқа табиий белгиларга, шунингдек, бу боғларга исм кўйишга ҳам алоҳида эътибор беришган. Исми жисмига монанд боғ-саройлар яратиш, фақатгина Самарқанд шаҳридаги боғ-саройлар учунгина эмас, балки биз ўрганаётган давлардан олдингиларига ҳам хос бўл-

<sup>79</sup> Вяткин В. Л. Материалы к исторической топографии Самаркандского вилайета, с. 27.

<sup>80</sup> 1 лига — 4 км.

<sup>81</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 325.

гай<sup>82</sup>. Буни Ҳиротдаги (Боги Җаҳонаро, Боги Чаманаро<sup>83</sup>), Қобулдаги (Боги Шаҳарарабо, Боги Җаҳонаро, Боги Нурафшон)<sup>84</sup> боғлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Биз Самарқанддаги (XIV—XV асрлардаги) боғсаройлар ҳақида сўз юритар эканмиз, Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларида ҳам шундай боғлар бўлганлигига шубҳаланмасак ҳам бўлади. Бу санъат Ўрта Осиё халқлари учун алоҳида фазилат бўлиб, меъморчилик санъати ўтмишда юқори савияда бўлганлигидан далолат беради. Ҳеч шубҳа йўқки, халқимиз қаерда яшамасин, доимо боғ яратишга интилган.

<sup>82</sup> Масалан, Хоразмда ҳам XIII асрда чиройли номлар (Боги Ҳуррам каби) билан аталган боғлар бўлган. Қаранг: Рашид аддин. Сб. летописей, т. I, кн. 2, М.—Л., 1952, с. 215.

<sup>83</sup> Бобоходжаев М. А. Герат эпохи Алишера Навои. Ташкент, 1968, с. 39.

<sup>84</sup> Ҳасанов Ҳ. Заҳириддин Муҳаммад Бобир. 1966, 10—11-бетлар.

## XIV—XV АСРДАГИ БОҒ-САРОЙЛАРНИ АРХЕОЛОГИК НУҚТАИ НАЗАРДАН УРГАНИШ


**Д**авлатободдаги археологик қазишмалар. Давлатобод боғида текшириш ишлари 1967 йил сентябрда бошланиб, шу йил охирида тугатилди<sup>1</sup>. Биз текшириш ишларини олиб борган боғ майдони ҳозирги вақтда ҳам сақланган. Эски боғ билан боғлиқ бўлган барча аломатлар аллақачонлар йўқ бўлиб кетганлиги яққол сезилиб туриди. Баъзи ерларда фақат боғни ўраб турган пахса деворларининг излари ва емирилиб кетган қолдиқларигина сақланиб қолган, холос. Бу пахса деворларининг йўналиши жанубий ғарбдан шимолий шарққа томон бўлиб, ўлчаш ишлари олиб бориш натижасида узунлиги 1350 метр, қисқа тарафи эса 900 метр эканлиги аниқланди (1-расм). Боғнинг шакли тўғри тўрт бурчак бўлиб бўйининг энига нисбати 1,5 баробар ( $1350 \times 900$  м) узун эканлиги аниқланди. Боғ икки қисмга бўлинган бўлиб, (кичик қисми) шимолий шарқ томондагиси тўғри тўрт бурчак ( $900 \times 450$  м), жанубий ғарб томондагиси эса тўртбурчак шаклида ( $900 \times 900$  м) экан. Боғнинг пахса деворлари жуда ҳам нураган бўлиб, текшириш натижасида уларнинг баландлиги баъзи ерларда 30—80 сантиметрга тенглигиги аниқланди. Деворнинг эни эса 60—65 сантиметр. Кейинги вақтларда бу ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида боғнинг қайси ерида нима бўлган, дарвозалар ўрни қайси ерда бўлганлигини ҳам аниқлашга имкон қолмаган. Фақат боғ майдонидаги сочилиб ётган квадрат шаклидаги пишиқ ғишт парчалари, XIV—XV асрларда кўп ишлатилган мозайка<sup>2</sup> (кошин) ва майолика<sup>3</sup> (пар-

<sup>1</sup> Археологик текшириш ишларида ушбу сатрлар автори ҳамда аспирант М. Ҳасанбоев (лаборант) қатиашди.

<sup>2</sup> Мозайка (фр.) алоҳида-алоҳида қилиб ишланган ҳар хил рангдаги бўлакларнинг бир-бирига жисслаштириб, мослаб ўрнига қўйиб, ишланган шакл.

<sup>3</sup> Майолика (ит.) Бу вом майорка номли орол номидан олинган (рангли бадний керамика).

чин) бүлаклари, боғнинг жанубий ғарб томонларидағи ерларда қолган күл қолдиқлари ва бошқа майда аломатларгина бир өткізділік жиынтығын көрсөттөлгөн.



1-расм. Давлатобод боғнинг умумий күрниниши.

Бўлганлигидан далолат бериб турибди. 1936 йилги текширишлар натижасида боғнинг шарқ томонида ҳам дарвоза бўлганлигини билдирувчи аломатлар ва асосий дарвозаси жануб тарафда бўлган — дейилган гаплар айтилган<sup>4</sup>. Яна боғнинг ўртасидан ўтган ариқ бўлганлиги ва шимолий тарафда битта ( $62 \times 28$  м), жанубий тарафда учта ( $25 \times 25$  м,  $32 \times 32$  м) сув ҳавзаси (ховуз).

<sup>4</sup> Сухарев И. А. Дворец-сад Тимура Давлат-Абад. с. 2.

Бўлгайлиги ҳам аниқланган<sup>5</sup>. Биз текширган маъдада шу майдонда тўртта ҳовуз бўлиб, улар яқин йиллар ичидаги курилган экан. Борнинг жануб тарафидаги тўрт бурчак қисмининг марказида баланд ғишт тела мавжуд. Тепанинг усти ва ён бағирларида сопол идишларнинг бўлаклари, кошин, парчин синиқлари сочилиб ётибди. Тепаликнинг тузилиши ҳам бошқа тепаларга қараганда фарқ қиласди. Тепаликнинг тузилиши тўрт бурчак кўринишида бўлиб, томонларининг кенглиги юқори юзасида  $40 \times 40$  метр, пастки асосида эса  $65 \times 65$  метр, баландлиги эса 12 метр. Тепаликнинг устки юзаси анча текис бўлиб, шу атрофдаги аҳолининг айтишича, бундан 15—16 йил илгари тепаликка дараҳт ўтказилиб, у ерни меҳнаткашларнинг оромгоҳига айлантириш кўзда тутилган экан. Сув танқислиги туфайли дараҳтлар қуриб<sup>6</sup>, уларнинг режалари амалга ошмай қолибди. Тепаликнинг уч ёнбағри тик қияликдан иборат бўлиб, фақат жанубий гарб томонидангина (ерлик аҳоли томонидан бузиб юборилганлиги туфайли) тепаликка бемалол чиқса бўлади.

Биздан илгариги текширувчиларнинг ёзишича, тепалик кўриниши баландроқ (14 м) бўлиб, унинг устки майдонида оралиги 8 метрли бир-бирига паралелл равишда, жанубдан шимолга чўзилган деворга ўхшаш уюм<sup>7</sup> бўлиб, бу девор қолдиқлари бўлса керак, деб тахмин қилинган<sup>8</sup>. Тепалик ўз даврида айланасига хандақ билан ўралган бўлиб, ҳозирги кунда унинг кенглиги 25 метр, баъзи ерларда 30 метрга етади. Бу хандақ ер сатҳидан 1,5 метрча пастда жойлашган. Едгорлик атрофидаги бу халқасимон хандақлар ичидаги сувлар тўпланиб ётганлиги туфайли ундан қамишлар ўсиб чиқсан. Унинг ўртасидаги тепалик эса атрофи сув билан тўлдирилган хандақ билан ўралган қасрни эслатади<sup>9</sup>. Тепалик устидаги олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бу ерда деворлари жуда бой нақшлар билан қопланган пишиқ ғиштлардан қурилган уйлар бўлган-

<sup>5</sup> Уша ерда, 5-бет.

<sup>6</sup> Биз қазиңишлари олиб борган вақтда қуриб қолган дараҳт поялари бор эди. Уларнинг қуришига асосий сабаб, сувнинг кам бўлиши билан бирга, ер юзасида ганч ва ғишт парчаларининг кўплиги (ернинг ҳаволлиги) натижасида ер ўз намлигини тезда йўқотишинидир.

<sup>7</sup> Бу уюмлар бир вақтлар сарой деворларидаги ғиштларни ковлаб олинниши натижасида досил бўлган (У. А.)

<sup>8</sup> Сухарев И. А. Дворец-сад Тимура, с. 3.


<sup>9</sup> Қадимги қасрлар кўпинча мудофаа мақсадида шундай сув тўлғазилган чуқур ва кенг хандақлар билан ўралган.

лиги аниқланди. Уйларнинг деворлари билан биргалик-да уларнинг поли сатҳидан пастга қараб кетган пойдерворларига (фундамент) ҳам пишиқ ғиштлар ишлатилган. Кейинги текширишлар натижасида бу имаратнинг ғиштлари пойдервор тагигача қазиб олинганилиги<sup>10</sup> маълум бўлди. Биз бу далилларни бутун бир бошлиқ комплексни ғиштлари кўчирилиб олингандан кейин ҳосил бўлган изларни (иморат қолдиқларини) ўрганиш натижасида аниқладик. Бу уйларнинг пойдервори пол сатҳидан 70—80 сантиметр пастдан бошланган бўлиб, баъзи ерларда терилган пишиқ ғиштлар сақланиб қолган. Уларнинг ранги қизғиши бўлиб, ҳажми  $26 \times 26 \times 7$ ,  $28 \times 26 \times 6$ —7 сантиметр. Тепаликнинг марказига жойлашган бу имаратнинг қолдиқларини очиш ва ўрганиш натижасида унинг тарихи аниқланди. Иморатнинг узунлиги 20 метр, эни эса 14 метр бўлиб, унинг айвони ва бир қанча хоналари тўғри тўрт бурчак шаклида жанубий ғарбдан шимолий шарққа томон чўзилган (2-расм). Бинонинг айвони жанубий ғарб тарафда бўлиб, (ички қисмидаги) бўйи 11,8 метр, эни эса 4 метрдан иборат бўлган чўзиқ гардиш шаклида бўлган. Айвоннинг олди (очиқ) тарафининг кенглиги 9,5 метр бўлиб, эҳтимол бу оралиқда устунлар ҳам бўлган бўлса керак. Лекин тепаликнинг шу қисмидаги ер сатҳининг кўпроқ емирилганлиги сабабли уларнинг ўрни сақланмаган. Шу айвондан олди томони очиқ<sup>11</sup> бўлган кичик ( $2,5 \times 2$  м) уй (дахлиз) орқали қўшув (+) аломатини эслатувчи бир-бири билан кесишган йўлаклардан ташкил топган уйга кирилган. Йўлакларнинг жанубий ғарбдан шимолий шарққа томон йўналишдаги узунлиги 11 метр, эни 2,5 метр; шимолий ғарбдан жанубий шарққа томон йўналишда жойлашганининг узунлиги 11,6 метр, эни 2,5 метр. Биринчи йўлакнинг шимолий шарқ қисмидаги ерга кичик ҳажмдаги ( $24 \times 24 \times 5$  см) пишиқ ғиштлар ганч қориш масида мустаҳкам қилиб терилган пол очилди. Бу ғиштлик пол  $2 \times 2,5$  метр ҳажмдаги жойни эгаллаган бўлиб, йўлакларнинг қолган қисмига рангли мармартош тахтачалар ганч қоришмаси устига ётқизилганлиги аниқланди. Лекин қазишима вақтида бу мармартош тахта-

<sup>10</sup> Бундай ҳоллар бошқа археологик қазилмаларда, масалан: авторнинг ўзи олиб борган бошқа типдаги имаратларда ҳам учраган. Қаранг: Алимов У. Раскопки средневекового здания на месте первой арабской мечети в Мерве, дипломная работа, Ташкент, 1964.

<sup>11</sup> Айвондан шу уйга ўтиш чегарасида чуқурлиги ва эни 30 см бўлган ариқ бўлиб, эҳтимол бу ерда остона ҳам бўлгандир.

чаларнинг изларигина қолган (уларнинг парчаларини сочилиб ётган ҳолда учратдик). Бу из шаклларининг ҳажми ҳар хил бўлиб, асосан кўпчилиги тўғри тўртбурчак шаклида, яъни  $36 \times 70$ ,  $37 \times 75$ ,  $23 \times 73$ ,  $28 \times 28$  сантиметро бўлган. Бу қўшувсимон уйнинг тўрт бурча-



2-расм. Давлатобод боғидаги тепалик ва ундаги сарой плани.

гида биттадан хоналар жойлашган бўлиб, уларнинг ширмолий шарқ тарафидагилари тўртбурчак шаклида ( $2,5 \times 2,5$  м), жанубий ғарб тарафдагилари эса тўғри тўртбурчак шаклида ( $4,5 \times 2,5$  м) экан. Бу тўғри тўртбурчакли хоналарнинг шарқ томондагисининг полида ўзоқ ва кул қолдиқлари сақланган бўлиб, бу иморат харобага айлангандан кейинги ҳаёт излари бўлса керак.

Бу иморатнинг барча қисмларида девор қалинлиги

(деворида) уч гишт бўйича бўлиб, 90 сантиметрик ташкил этади. Баъзи ерларда унинг қалинилиги бузилиш шароитига қараб 1 метр ва ундан ҳам оциқ бўлган. Олиб борилган қазиш ишларни давомида жуда кўплаб уй деворларини зийнатлаб турган ранглик гишталар, мармартош тахтачаларининг бўлаклари, кошин бўлаклари ва бошқа топилмалар топилди<sup>12</sup>. Улар майда гишт бўлаклари ва ганч сувоқлари уюми ичига аралашиб кетган. Бу кошин парчаларида асосан ўсимлик тасвиридаги нақшлар акс эттирилган бўлиб, геометрик нақшлар иккинчи ўринда туради. Улар ичидаги яна биз учун ноаниқ бўлган шакллар ҳам бўлиб, уларда эҳтимол табиат манзаралари ва жонли зотлар акс эттирилган бўлса ажаб эмас. Бу кошинлардан ташқари жуда майдаланиб кетган ранглишиша синиқлари (оз миқдорда) ва битта мис танга топилди. Сопол парчалар эса жуда кам топилди. Олиб борилган қазишма натижасида маълум бўлишича, тепаликнинг марказий қисмидаги унчалик катта бўлмаган иморат бўлганлиги аниқланди. Унинг тарихини назарда тутгандаги павильон типидаги иморат бўлиб, ўртасида + шаклини эслатувчи хонаси ва унинг бурчакларидаги иккитадан тўртбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклидаги уйлар жойлашган. Унинг жанубий (асосий) пешига (фасад) чўзиқ ёй (овал) шаклидаги очиқ хона туташган бўлиб, эҳтимол олди томонида баланд устунлий айвон бўлгандир. Бу иморат жойлашган тепалик сунъийми ёки табиийми? деган масалани аниқлаш учун тепаликнинг шимолий ён бағридан пастга қараб зовур (траншея) кўринишида қазишма ўтказилди. Олинган маълумотларга кўра, тепаликнинг ён бағирларига кичик ҳажмдаги пишиқ ( $24 \times 24 \times 5$  см) гишталар (қоплама сифатида) терилган бўлиб, бизгача баъзи ерлардагина сақланган ҳолда етиб келган. Демак, қачонлардир тепаликнинг ён бағирлари пишиқ гишталар билан қопланниб мустаҳкамланган дейиш мумкин. Тепаликнинг юқори қисмлари кўпроқ бузилган. Пастга қараб қазиб тушиш натижасида биз текшираётган меъморий ёдгорликдан аввал ҳам бу ерда иморат бўлганлиги аниқланди. Эски иморатнинг пахса деворлари қазишма натижасида очиб кўрилди. Деворнинг устки қисми сомонлий билан сувалган. Унинг қалинилигини аниқлашга имкон бўлмади, лекин кўринишидан жуда ҳам қалинга ўхшайди. Шу девор атрофларидан топилган сопол идиш

<sup>12</sup> Булар ҳақида кейинги бўлимларда алоҳида тўхталиб ўтганигимиз сабабли, бу ерда кенгроқ тўхтамадик.

парчалари, унинг жуда қадимийлигидан далолат беради. Сопеллар аича пишиқ ишланган бўлиб, лойи қизғиши рангда; устки қисми эса силиқланган.

Умумий олганда бу деворнинг тузилиши ва ундаги сопол парчаларга асосланган ҳолда бу хароба ўрнида ишк ўрта асрга оид феодалнинг кўшкни бўлган дейини мумъкин. Даврлар ўтиши билан бу кўшк ўрнида тепалик ҳосил бўлган. XIV аср охирларига келиб мақсаддага мувофиқ бўлганлиги учун, баъзи жойлари тузатилиб юқоридаги таърифланган иморат бунёд этилган.


Боғи Дилкушодаги археологик қазишмалар. Боғи Дилкушода археологик текшириш ишлари 1968 йил апрель — август ва 1969 йил апрель — май ойларида олиб борилди. Бу боғ жойлашган ер майдони ҳозирги кунида колхоз узумзорига айлантирилган бўлиб, эски боғ ўрни ва уни ўраган пахса деворлардан асар ҳам қолмаган. Шу ерлик аҳолининг айтишича, ерларни ҳайдаш пайтида пишиқ ва сирлик ғишт парчалари кўплаб учраб турган. Ҳатто яқин-яқинларгача (5—6 йиллар илгари) ҳам шу атрофда эски пахса девор харобалари сақланган бўлиб, уларни бузишганда, пахса девор қаватларида пошиалик этик изларини кўришган<sup>13</sup>. Шу ерлик қарияларнинг таҳминига кўра, бу деворлар орасидаги масофа 800—900 метрни ташкил қилас экан. Шу майдоннинг ўртарогида ганч сувогининг майдаланиб кетган бўлаклари ва ғишт парчалари билан аралашиб кетган тупроқ уюмидан «ғишт тепа» номи билан аталувчи тепалик (3-расм) ҳосил бўлган. Тепалик унча баланд бўлмай, энг баланд ери (шимол томонида) 2 метрдан ошмасдан, жануб томонга қараб пастлашиб кетган. Тепалик ёй шаклига яқинроқ кўринишга эга. У жанубдан шимолга томон чўзиқроқ бўлиб, узунлиги 64—67 метр, эни эса 42—44 метр атрофида<sup>14</sup> бўлган.

Археологик қазишма натижасида бу ерда ҳам Давлат ободдаги каби ҳолат қайд қилинди. Деворларга ишлатилган пишиқ ғиштлар уй полининг сатҳидан пастдагина (фақат баъзи ерлардагина) сақланиб қолган. Уму-

<sup>13</sup> Бундай пошиалик этиклар темурйлар даврида кекг тарқалган бўлиб, юқори табақадаги кишиларгагина мансуб бўлган. Қаранг: Пугаченкова Г. А. К истории костюма Средней Азии и Ирана XV—пер. пол. XVI вв. по данным миниатюр. Труды САГУ, новая серия, вып. 81. Исторические науки, кн. 12. Археология Средней Азии, 1956, рис. № 6—7.

<sup>14</sup> 1935—36 йиллари Самарқанд музейининг ходими И. А. Сухарев томонидан олиб борилган текширишларда бу тепалик ҳозирги кўринишга нисбатан бирмунича катта экан, яъни, 42—44x67—67 см эмас, балки 100x80 м; Қаранг: Сухарев И. А. Отчет..., с. 63.


ман бу ерда ҳам иморатлар пойдеворидан ғиштлар ков-  
лаб олиниши натижасида ҳосил бўлган зовурларни  
текширишга тўғри келди. Қазиша ўтказиш жараёнида  
бирмунча қийинчилкларга дуч келдик, чунки унинг  
жанубий фарб қисми бутунлай колхоз узумзорига қў-  
шилиб кетган бўлиб, биз бу ерларда шаронтга қараб



З расм. Боги Дилкүшодаги ғишт тепалик ва сарой қолдиқлари плани.

тўртбурчак, тўғри тўртбурчак шаклига ўхшаш чуқур-  
ликлар (шурф) ковлаш билангина чегараландик, холос.

Археологик қазишишларини шимолий шарқ томон-  
дан бошладик. Иморат тархи жанубий фарбдан шимол-  
ий шарққа қараб чўзилган бўлиб, узунлиги 74 метр  
(айвонини ҳисобламаганда), эни 39,5 метр экан. Имо-  
ратнинг тархи асосан яхлит олганда марказий қисми  
(4-расм) кенг заллардан ва унинг атрофида жойлаш-  
ган турли тўғри тўртбурчакли хоналардан иборат. Бу  
тўғри тўртбурчакли хоналарнинг ҳажми бир хилда бў-  
либ, улар фақат жойлашиши билангина бир-биридан  
фарқ қиласди. Шимолий шарқ томондаги биринчи ва  
иккинчи хоналар эшиги жанубий томонга, Жанубий



4-расм. Дилкүшо боғидаги сарой қолдигининг умумий планы.

ғарб томондаги хоналарнинг эшиги шимолий шарқ томонга қараган. Бу хоналарнинг күриниши умумий олганда бир хил бўлганилиги сабабли, бир хонани таърифлаш билангина чекландик, холос.

Биринчи хона. Хонанинг узуунлиги 11,5 метр, эни 8,5 метр. Кириш эшиги жанубий ғарб томонидан икки чеккада бўлиб, эшикларнинг кенглиги бир хил—2 метрдан бўлган. Эшиклар жойлашган деворнинг қалинлиги ҳам 2 метр. Эшик остоналарига мармартош тахтачалар ётқизилган бўлиб, улардан биттасигина сақланиб қолган. Унинг бўйи 70, эни 45 сантиметр, қалинлиги эса 11 сантиметр. Устки қисми текис қилиб пардозланган. Хонанинг полларига олти қирралик пишиқ ғиштлар ётқизилган. Улар ҳам ниҳоятда силлиқ қилиб пардозланган ва бир-бирига жуда зич (оралифи 1—2 мм дан ошмайди) қилиб, ер устига терилган. Оқишиб туслаги бу ғишт плиталар ниҳоятда пишиқ. Уларнинг қирралари орасидаги кенглик 25 сантиметр, Қарама-қарши томонларининг оралиги 44, қалинлиги эса 6 сантиметрли. Хона деворларининг қалинлиги эшиклар жойлашган деворни ҳисобга олмагандан 3 метрдан<sup>16</sup>. Шимолий шарқ томондаги деворнинг ўрта қисмida тўғри тўртбурчак шаклида ( $2 \times 4$  м) тахмон жойлашган. Биринчи хонага параллел ҳолда иккинчи хона жойлашган бўлиб, улар ўртасида шимолий шарқдан қараганда катта босма «Т» ҳарфини эслатувчи иншоотнинг пойдевори жойлашган. Унинг икки тарафида кенглиги 4 метрли йўлаклар бўлиб, уларнинг полларига ҳар хил ҳажмдаги мармар тош тахталар терилган. Бу тош тахталар фачат биринчи хона ёнидаги йўлак охирида сақланиб қолган. Қолган жойларида сезилар-сезилмас даражада излари сақланган. Сақланган тош тахталарнинг катта кичикилиги ҳар хил яъни  $90 \times 44 \times 11$  см;  $40 \times 44 \times 11$  см;  $45 \times 26 \times 10$  см;  $41 \times 36 \times 10$  см; кабилардир.

Бу йўлаклар юқорида айтилган хоналарнинг ташқи чегарасидан бошланиб, ичкарига қараб 8,5 метргача бир хил кенгликда, эни 1 метр 20 сантиметр бўлган йўлаклар чегарасигача давом этади. Бу йўлакларнинг поли олдинги йўлакларнинг поли сатҳидан 30 сантиметр пастда. Уларнинг полига тўртбурчакли ( $24 \times 24 \times 4$  см) пишиқ ғиштлар ганч қоришмаси устига терилган. Иўлакларнинг бўйи 6 метрдан бўлиб «Т» га ўхшаш иншоотнинг охирги чегара чизигигача давом этади. Бу йўлак-

<sup>16</sup> Бу ерда иморат пойдеворини кўз ўнгимизга келтиришимиз керак. Иморат деворининг тепа қисмлари албатта бунчалик қалин бўлмаган бўлиши керак.

лар. ўз навбатида кенг залга уланиб кетади. Умуман олганда иморатнинг бу қисми бир-бири билан қўшилган учта қўшув шаклидаги заллар тизмасидан иборат. Биринчи залнинг ўрта қисмида, тўртбурчак шаклида ( $4 \times 4$  м), чуқурлиги 1 метр атрофида бўлган сув ҳавзасининг (ҳовуз) харобаси сақланган. Чуқурлик ичиғишиш парчалари ва майдаланиб кетган девор қопламалари аралашмасидан иборат бўлган чиқиндилар билан тўлган бўлиб, бир вақтлар атрофларига ва таг қисмiga мармар тош тахталар терилган бўлса керак. Ҳовузнинг чеккалари бузилиб ва нураб кетганлигини қарамасдан, баъзи ерларида гишт ёки тош тахталар терилганини эслатувчи излар сақланиб қолган. Биринчи ҳовузнинг жанубий шарқ томонида, ундан 9 метр нарида иккинчи ҳовуз жойлашган. У ҳам тўртбурчак шаклида бўлиб, биринчисидан каттароқ ( $5 \times 5$  м). Бу ҳовузлар бир-бири билан кенглиги 2 метр<sup>16</sup>, чуқурлиги эса 30 сантиметрча келадиган ариқ ёрдамида бирлашган. Ариқнинг икки чети бузилиб кетган бўлиб, таг қисми ганч қоришимаси билан сувалган. Иккинчи ҳовуздан жанубий ғарбга қараб кетган ариқни назарда тутсак, шубҳасиз учинчи ҳовуз ҳам бўлгандир. Бироқ унинг қолдиқлари бизгача сақланмаган.

Биринчи ҳовузнинг жанубий шарқ томонида олди тарафи ҳовуз томонга қараб очиқ ҳолда хона жойлашган. Бу тўғри тўртбурчакли хона бўлиб, узунлиги 13,5 метр, эни эса 9 метр. Хонанинг жанубий шарқ томонидан ташқарига қараб йўл ўтган. Йўлнинг кенглиги 5 метр, эни эса 2 метр. Бу йўлнинг поли уй полидан 40 сантиметр пастда бўлганини назарда тутсак, бу очиқ жой эшикнинг ўрни эмас, балки панжаранинг ўрни бўлган бўлса керак деган холосага келиш мумкин. Бу хонанинг жанубий шарқ тарафидаги деворнинг узунлиги 15,5 метр, эни эса 4 метр. Худди шу кўринишдаги хона ҳовузнинг шимолий ғарб томонида ҳам мавжуд. Бу хонанинг ўртароқ қисмида уни иккига ажратиб турувчи 1,5 метр қалинликдаги девор қолдиқлари сақланган бўлиб, унинг олдинги девор билан алоқаси бўлмаса керак. Бу девор кўпроқ синган гишт парчалари билан ишланган бўлиб, пойдевори ҳам унчалик чуқур (30 см) эмас, Унинг кўринишига қараганда бу иморат харобага айланган вақтида қилинган бўлса керак. Олди тарафи ҳовузга қараган хоналардан юқоридаги эслатилган ариқ

<sup>16</sup> Аслида ҳовуз ва ариқлар бунчалик кенг бўлмаган, чунки бир вақтлар уларни атрофларига гишт ёки мармар тахталар терилганини ҳисобга олиш керак.

**Б**алаб иккинчи (маркази) ҳовуз жойланган залга ўтилган. Залнинг икки томонида тўртбурҷи шаклида бир хил катталикда ( $4 \times 4$  м) бўлган устун пойдеворининг ўрни аниқланди. Бу устунларнинг оралиғидаги масофа 20 метр. Устунларнинг икки ёнидаги оралиқдан (ҳар бирини кенглиги 2,5 метрдан) имаратнинг шимолий ғарб ва жанубий шарқ томонларига чиқилган. Бу тарафларида баланд эшиклар бўлган бўлса керак. Икки тарафда ҳам уларнинг кенглиги (10 м) бир хилда. Иккинчи (марказий) ҳовузнинг жанубий ғарб томонида биз тахмин қилган учинчи ҳовуз бўлиб, уни икки томонида ҳам юқорида таърифлаб ўтганимиз каби олди тарафи очиқ хоналар жойлашган. Уларнинг кўриниши ҳам, ҳажми ҳам юқоридаги хоналарга ўхшаш бўлган. Иморатнинг жанубий ғарб томонида кенг (10,5 м) «йўлак» жойлашган бўлиб, учинчи ҳовуз жойлашган залдан шу «йўлак» орқали 8,5 метр жанубий ғарб томонга юрилгач, унинг кенглиги бир оз қисқарган (8,5 м). Ундан яна 10,5 метр юрилса ташқарига чиқилган. Бу ернинг кўринишига қараганда имаратнинг шу тарафидан ҳам пештоқли эшиги бўлган бўлса керак. Иморатнинг уч томонидан (жанубий ғарбидан ташқари) ер юзаси шибаланиб, майдо тош ва қум аралашмаси ётқизилган, устидан олти қирралик пишиқ ғиштлар терилган. Бу каби ғиштлар озгина ердагина (имаратнинг шимолий ғарб томонида) сақланиб қолган. Бу ғиштлар хона ичидаги ғиштларга нисбатан ёмон сақланган. Шиббаланган ерларни назарда тутган ҳолда, имаратнинг уч томонида айвони (ёки супаси) бўлиб, унинг эни 7,5 метрдан ошмаган деб айтиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, имаратнинг пишиқ ғиштлардан ишланган деворлари (баъзи ерлардагина) фақат хоналар полидан пастда сақланган бўлиб, 45—50 сантиметр (6—7 қатор ғишт) пастликкача давом этган. Улардан кейин эса катта-катта тошлар парчаси кул ва ганч аралашмасидан иборат бўлган қоришма ёрдамида терилган. Уларни ер тагига қараб 3 метр 20 сантиметр пастгача давом этиши аниқланди. Иморатдан 15 метр ғарб томонда ўтказилган текширув ишлари олдин пойдевор чуқурлигини аниқлашда католикка йўл қўйилганлигини ва уни полдан 1,5 метр пастдан бошланганлигини кўрсатди. Бу ерда сув қатламини ер юзасига яқин жойлашганлиги пойдеворни чуқурроқдан бошлашни тақозо қилган бўлиши керак. Шунинг учун имаратга янгидан чуқурроқ қилиб пойдевор ковланган.

Хақиқатда ҳам, 3 метрга яқин чуқур көвлөнганды лой күрниншда ер чиқа бошлады. Шу сабабли бұлса керак, пойдеворнинг тағ қисмінде 2—3 сантиметр қалынликта құм солинган. Иморат қуришда ишлатилған ғиштлар асосан  $26 \times 26 - 27 \times 6 - 7$  сантиметр катталиктада бўлиб, улар ганч қоришимасида терилған.


Археологик қазиши маңында күплөк рангли кошин парчалари, ҳар хил шаклда ишланған мәрмар тош таҳтачалар ва уларнинг бұлаклари идиш синиқлари, мистангалар топилди. Биз булар ҳақида кейинги бўлимларда алоҳида тұхталып үтамиз.

Умуман олганда, бу иморат марказий қисми + шаклидаги қатор заллардан ҳамда түрт томонида түғри түртбұрчак шаклидаги ярим очиқ ва ёпиқ хоналардан иборат бўлған мустаҳкам пойдеворли, ҳашаматли саройли меъморий ёдгорлик бўлиб, унга асосан уч томонида жойлашган эшиклар орқали кирилған.

«Боги Бўлду»даги археологик қазишишлар. Боги Бўлду, Дилкушо боғидан 1,5 километр ғарбда жойлашган. Бог чегарасини аниқлашга илож бўлмади. Унинг деворлари қаочон бузилғанлиги түғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Бу ернинг тузилиши (рельефи) бўйича, бу боғ ҳам юқоридаги боғлар каби кенг бўлған деган фикрни айтиш мумкин. Пахтазор ўртасида парча ғиштлар, ганч сувоқлари ва тупроқ аралашмаси уюмларидан ташкил топган паст-баланд дўнгликлардан иборат бўлған тепалик бўлиб, ҳозирги кунда у ғишт тела<sup>17</sup> номини олган. Бу ердаги иморатнинг ғиштлари, шунингдек пойдевор тағига ишлатилған катта-катта тошларнинг қазиб олиниши (шымолий ғарб томондагилари бутунлай) натижасида ўнқир-чўнқирлар ҳосил бўлған экан. Колхоз бу тепаликларнинг (б-расм) бир қисмини текислатиб юборибди. Умуман олганда, бу тепаликлар ийғиндинсининг умумий кўриниши тухумсимон шаклга яқинроқ бўлиб, шимолий шарқдан жанубий ғарб томонгача бўлған оралиқ 65—70 метр, жанубий шарқдан, шимолий ғарбгача бўлған оралиқ эса 50—55 м бўлиб, энг баланд ери 1 метрдан ошмайди. Археологик қазиши маңында, бу бинонинг тақдирин ҳам бошқа биз текширган бинолар тақдирини каби бўлғанлиги аниқланади. Иморатнинг тархи (планы) бизгача етиб келган иморат пойдеворида сақланиб қолған ғиштлар ва улардаги

<sup>17</sup> Бу тела ҳам аҳоли учун ғишт кони вазифасини үтаган бўлиб, 80 яшар Долибобонинг айтишича, шу атрофдаги учта (Дўнг, Маданият, Тайлок) қишлоқнинг аҳолиси шу ердан ғишт қазиб олишган экан.


тошларни қазиб олиниши натижасида ҳосил бўлган траншеяларнинг йўналишини ўрганилиши натижасида гина аниқланди. Имаратнинг барча хоналари симметрик тарзда жойлашган бўлиб, умумий кўриниши тўртбурчак ( $52 \times 51$  м) шаклидадир (6-расм). Бинонинг ички тузилиши пойдевор асосида аниқланган тарх бў-



6-расм. Боги Бўлду. Тепалик қолдиқларининг плани.

йича қаралса, бирмунча содда бўлиб, катта-катта заллардан иборатdir. Бинонинг эшиклари тўрт томондан, асосий эшиклар икки қарама-қарши (шимолий гарб ва жанубий шарқ) томондан бўлиб, улар бир хил кўринишда ва кенглиги 12 метр бўлган. Имаратнинг тузилишига қараганда унинг икки тарафида кенг ва баланд пештоқли дарвозалар бўлган. Қарама-қарши пештоқлар оралиғида учта тўртбурчак шаклидаги хоналар тизмаси жойлашган бўлиб, уларнинг бўйи энiga нисбати 1:1, яъни  $12 \times 12$  метрдан бўлган. Биринчи ва учинчи тўртбурчак шаклидаги залларнинг ҳам икки ёнида тўғри тўртбурчак шаклидаги хоналар жойлашган. Бўйи 12 метр ва эни 10 метр бўлган бу хоналар жанубий шарқдан шимолий гарбга қараб чўзилган. Иккинчи (марказий) тўрт бурчак шаклидаги залнинг ҳам икки ёнида тўғри тўртбурчак шаклидаги хоналар жойлашган. Улар

жайиубий ғарбдан, шимолий шарққа томон чўзилган бўлиб, бўйи 16 метр, эса 8 метр бўлган. Бу хоналарнинг ташқарига қараган томонлари иморатнинг умумий ташқи чизигидан 4 метр ташқарига чиқсан бўлиб, шу тарафлардан ҳам хоналарга кириш учун эшиклар бўлган. Иморатнинг шимолий шарқ томонидаги эшик ўрни



6-расм. Боги Бўлдудаги сарой плани.

деб атаган еримизнинг озгина қисмида 4 қатор фиштдан иборат бўлган девор сақланиб қолган (фиштларининг ҳажми  $26 \times 26 \times 6$  см дан). Фиштлар жойлашишига қараб эшик ўрнининг кенглиги 4 метр, ички хона деворларининг қалинлиги 2 метр, ташқи деворларининг қалинлиги эса 4 метр бўлган деган холоса чиқаришимиз мумкин.

Иморат хоналарининг полларига асосан пишиқ фиштлар ишлатилган бўлса керак, чунки баъзи бир хоналарда ерга ётқизилган фиштлар сақланиб қолган бўй


либ, уларнинг кўпроқ қисми  $20 \times 18 \times 6$  сантиметрли ғиштлардан иборат. Ғиштларният устки қисми яхшилаб силлиқланган бўлиб, улар шиббаланган ер устига жуда ҳам зич қилиб терилган. Баъзи ерларда ғиштларнинг изларигина сақланиб қолган, холос. Бундай ғиштлар иморатнинг жануб томонидаги хонанинг ташқарисида ҳам сақланган. Уларнинг ҳажми  $26 \times 24 \times 5$  сантиметрдан. Бу ернинг олд томони бутунлай очиқ бўлиб, терилган ғиштлар айвон полига алоқадор бўлса керак. Баъзи ерларда полларга икки қатор ғишт терилган бўлиб, уларнинг тагига иморат қурилиши вақтида ҳосил бўлган чиқиндилар ётқизилган.

Иморат деворларига ишлатилган ғиштлар полга ишлатилган ғиштларга нисбатан бир оз каттароқ, яъни  $27 \times 27 \times 6$  ва  $28 \times 26 \times 6$  сантиметрдан.

Юқорида таърифланган биринчи тўртбурчак шаклидаги хона ва унинг шимолий шарқ томонидаги хона ичида, жанубий фарбдан шимолий шарққа томон чўзилган, эни 60 сантиметр ҳамда 1 метр қалинликдаги деворлар бўлиб, унинг пойдевори 24—25 сантиметр бўлган. Улардан бирининг ёнида сопол хумчанинг таг қисми сақланган. Деворларни қуришда кўпроқ синган ғиштлар ишлатилганлиги, шунингдек бошқа деворлар билан ҳам боғланмаганлиги учун, уларни иморат ҳаробага айланган даврда қилинган, деб айтиш мумкин. Иморат ҳаробага айланган вақтдан кейин ундан қорамол учун бошпана сифатида фойдаланилган. Марказий залнинг ғолида 10—15 сантиметр қалинликда гўнг қатламлари сақланиб қолган. Иморат пойдеворининг чуқурлигини аниқлаш мақсадида иморатни жанубий фарб томонидан девор ёнида шурф қазилди (7-расм). Бу ердаги пойдеворнинг эни 2 метр бўлиб, уй поли сатҳидан 0,5 метр паастгача бўлган пойдеворга пишиқ ғиштлар терилган. Ғиштлардан паастга Чўпонота тоғидан келтирилган йирик тошлар терилган. Уларни бир-бирига бириктиришда кул ва ганч аралашмасидан тайёрланган қоришма ишлатилган. Бу тошларни тугашигача бўлган оралиқдаги масофа 2,5 метр. Шундай қилиб, иморат пойдеворининг бу ердаги чуқурлиги 3 метр бўлиб, ундан кейин 2—3 сантиметр қалинликда қум қатлами ётқизилган. Қазишма вақтида сарой ҳаробаларидан жуда кўплаб рангли кошин парчалари, сопол қувурлар, ҳар хил шакли мармар тоштахталарнинг парчалари ва иморатни безашда қўлланилган бошқа хил элементларнинг парчалари топилди.

Умуман олгайда бу иморатнинг тархи ташқи кўринишдан тўрт томонга ҳашаматли эшиклари бўлган ва ички кўриниши (қўшув) аломати кўринишида жойлашган заллардан иборат бўлган. Шунингдек, иморатнинг тўрт томонида энсиз айвонлари ҳам бўлган.

**Боғи Нақши Жаҳондаги қазишмалар.** Бу боғ ерлари колхоз томонидан пахта майдонига айлантириб юборилганлиги сабабли кенг миқёсда археологик қазиш ишларини олиб боришга имкон бўлмади. Баъзи бир ерлардагина ўтказилган қазишмалар натижасида иморат



7-расм. Боғи Бўлду. Сарой харобаларидан ўтказилган кесмалар ва шурф.

пойдевори аниқланмади. Эҳтимол бу ердан ҳам иморат пойдеворига ишлатилган ғишт ва тошлар қазиб олинган бўйса керак. Унинг қолдиқлари қолган бўлишига ҳеч шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ерлик аҳолининг гапига қараганда бир вақтлар Чўпонота тоғининг этагидан оқиб ўтган сувнинг жануб тарафида сувга яқин жойда чуқурликлар бўлган экан. Шунингдек, бу ерлардан жуда кўплаб ғишtlар ва рангли кошинлар Регистонга ташиб кетилган экан. Қазишмалар натижасида иморат пойдевори аниқланмаса ҳам жуда кўплаб ғишtlар ва кошин парчалари йифилди. Шунингдек, битта мисъ танга ҳам топилди.

**Боғи Майдондаги қазишмалар.** Бу ерлар ҳозирги кунда ҳам шу ном билан аталади. Шунингдек бу ерда Чилустун номи билан аталувчи жой ҳам бўлиб, масжид қурилган. Бир вақтлар шу масжиднинг ўрнида сарой қад кўтарган экан, лекин унинг харобалари аллақачонлар йўқ бўлиб кетган. Иморат ўрнида ҳосил бўлган ғишт ва деворларни безатишида ишлатилган нақшлар парчаси, шунингдек бошқа хил чиқиндилардан ҳосил бўлган ўюмлар ҳам аллақачонлар текислаб юборилган.

**Фақат озгина ердагина бу уюmlар қолдиги сақланиб қолган. Унинг баландлиги 1,5 метрча.**

Текширишлар натижасида бу саройдан фақат курси қолдиқларигина қолганлиги аниқланди. Уни эгаллаган майдони тахминан<sup>18</sup> 60×40 метрни ташкил қилади. Бу тошдан териб чиқилган супа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, у 2,15 метр чуқурликкача тушган. Шу ерлик одамларнинг айтишларича, бу тош супанинг шарқ томонида ҳовуз бўлиб, унинг атрофи мармар тош тахталар билан ишланган экан. Бизнинг фикримизча, бу ерга қурилган иморат шу тош супа устига қурилган бўлиб, вақтлар ўтиши билан бузилиб кетган. Октябрь революциясидан олдин шу ерларни бузиш вақтида иккита устун қазиб олинган экан. Бу гранит устунларнинг баландлиги 154 сантиметр бўлиб, тўртбурчак шаклида-ти пирамидани эслатади. Таг қисмининг ҳар тарафи 90 сантиметр бўлиб, тепа қисмида конус шаклига айланган. Бу устунлардан ташқари яна ҳаво рангли ғиштлар ҳам (19×6, 5×5, 5, 6×4; 8×5 см) топилган<sup>19</sup>.

**Чиннихонадаги (богча) қазишмалар.** 1941 йилги<sup>20</sup> қазишмалар вақтида Чиннихона саройи ҳаробаларининг жануб тарафида полига пишиқ ғиштлар (25×25×4,5 см) терилган айвон ўрни очилган. У ерни текшириш натижасида саккиз қиррали унча катта бўлмаган (айланаси 1,5 метрча) ҳовузча ўрни аниқланган. Ундан 1,5 метр нарида (автор фикрича) супа жойлашган бўлиб, унинг шимол томони икки қатор ҳаво ранг ғишт билан ўралган. Супа устига олти қиррали ғишт терилган. Шулардан 50 метрча шарқда айланаси 1 метрча бўлган бошқа ҳовузча бўлиб, унинг атрофи силлиқланган мармар плиталар билан қопланган. Бу ҳовузчага сув пол тагидан лойдан ишланган қувурлар орқали келган. Булардан ташқари, сарой пештоқи асосий дарвозасининг бошланиш қисми ҳам очилган. Бу ерда тўпланган тупроқ қатламлари олдинги очилган ерлардагига нисбатан 2 метрча, қолган ерларнинг сатҳи эса полдан 0,3—0,5 метр баланд. Пештоқ токчасининг олд тарафига силлиқ қилиб ишланган плиталар терилган бўлиб (оникс, оқ мармар ва серпантин каби тоғ жинсларидан ишланган), улар қисман баъзи жойларида

<sup>18</sup> Бу ерларда ахоли знач жойлашганилиги туфайли кенг қазиш ишлари олиб боришга илож бўлмади.

<sup>19</sup> Сухарев И. С. Отчет об археологической разведке..., с. 68—69. Унинг бу ҳисоботида бу ер Боги Шифо II деб номланган (У. А.)

<sup>20</sup> Жуков В. Д. Результаты археологического обследования...

сақланиб қолган. Бу плиталар ниҳоятда моҳирлик билан бир-бирига жуда зич ҳолда терилган. Айланы шаклидаги ҳовузчадан шимолий ғарб томонда юза қисми ғоятда нафис қилиб ишланган сирли кошин қопламали девор қолдиқлари очилган. Қазишмадан топилган сарой қолдиқлари — чинни тахтачалар, рангли шиша-лар, ўйиб ишланган тош тахталар жуда қизиқарлидир. Шундай тахтачаларнинг бирида куфа ҳарфида ёзилган ёзувда тилаш маъносиде «баҳтлик бўл» деган гап аниқланган.

**Қазишмалар давомида топилган сополлар ва пуллар.** Саройлар харобасида олиб борилган қазишмалар даврида ўша вақтларда ишлатилган сопол идишларининг парчалари ва муомалада бўлган мис (чақа) пуллари топилди. Уларни ўрганар экамиз, XIV—XV асрларга келиб, метьморчилик ва бошқа соҳалар билан бир қаторда, кулолчилик санъатида ҳам бурилиш юз берганинг гувоҳи бўламиз. Санъатшуносларнинг таъкидлашича, бу даврнинг сопол идишлари мӯгуллар давригача бўлган сополлардан ўзининг янгида услуби билан фарқ қиласди<sup>21</sup>. Кейинги йилларда Самарқанд<sup>22</sup>, Тошкентда<sup>23</sup>, Аксикент харобаларида (Наманганд обл)<sup>24</sup>, Морвда<sup>25</sup> олиб борилаётган бу соҳадаги текширув ишларининг натижалари буни яққол кўрсатиб турибди. Кулолчилик санъатининг бундай кескин ўзгаришига бир неча сабаблар бўлган. Биринчидан, урушларда асир олинган турли ҳунармандлар, шу жумладан, кулолларнинг Самарқандга йигилиши бўлса<sup>26</sup> иккинчидан, Хитой кулолчилик санъатининг таъсири бўлиб, айниқса Улуғбек даврида янада кучайган<sup>27</sup>. Учинчидан, бу давр-

<sup>21</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана, с. 300.

<sup>22</sup> Сухаров И. А. Два блюда XV в. из Самарканда. Труды Института истории археологии. Материалы по археол. Узбекистана, том 1, Ташкент, 1948, с. 47—64; Пугаченкова Г. А. Самаркандская керамика XV в. Труды САГУ, вып. XI, Ташкент, 1950, с. 91—120.

<sup>23</sup> Вархотова Д. Художественная керамика XV нач. XVI века из Ташкента. «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1969, с. 86—89, № 8—9.

<sup>24</sup> Ахтаров И. Новые археологические материалы с города Аксикет XIV—XVI вв. «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1969, № 8—9, с. 79—81.

<sup>25</sup> Луинина С. Б. Новые сборы Тимуридской керамики в южном Туркменистане. «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1969, № 8—9, с. 89—93.

<sup>26</sup> Клавихо. Дневник путешествия, с. 327—328.

<sup>27</sup> Бартольд В. В. Улугбек и его время. Со. Т. II, часть 2. М., 1964, с. 119.

га көлиб кошиннинг<sup>28</sup> кулолчилик соҳасига кириб келиши билан изоҳланган<sup>29</sup>. Натижада XIV—XV асрларда яратилган кошиндан тайёрланган<sup>30</sup> чиннисимон идишлар Хитой чиннисига ўхшаш бўлиб, фақат юқори табакадаги кишиларгина бундай идишларга эга бўлишган. Бундай шоҳона идишлар қанчалик чиройли ва енгил бўлмасин, ўзининг баъзи бир сифатлари жиҳатидан (айниқса мурт бўлиши билан) Хитой чиннисига тенглаша олмаган. Уша давр усталарнинг бу соҳадаги уринишлари яхши натижка бермаган<sup>31</sup>.

Самарқандда ҳукмдорлар томонидан берилган зиёфатларда қатнашган Испания элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо саройларда олтин, кумуш косалар билан бир қаторда сопол косалар, жуда ҳам қадрли ва қимматбаҳо ҳисобланган чинни<sup>32</sup> косаларни ҳам кўрганлигини ёзган<sup>33</sup>. Ҳашаматли саройларни безаган бундай чинни ва чиннисимон идишлар жуда хилма-хил бўлган. Уларнинг кўплари ўлжа сифатида келтирилган бўлса, баъзилари эса инъом сифатида келтирилган. Саройларнинг харобаларида олиб борилган қазиш ишлари натижасида сопол идиш бўлаклари билан бир қаторда кошиндан ишланган чиннисимон идишларнинг бўлаклари ҳам топилди<sup>34</sup>. Қазиш ишларида топилган жуда оз миқдорда-

<sup>28</sup> Кошин — бу маҳсус рангли лой бўлиб, шарқда уйдан XI—XII асрларда ёқ фойдалана бошланган. Унинг номи гарбий Эрондаги кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда марказ ҳисобланган. Кашан шаҳри билан боғлиқдир. қ: Белогородский А. А. Географические имена в персидских названиях предметов материальной культуры. ЗИВ, АН СССР, IV. 1937, с. 101.

<sup>29</sup> Пугаченкова Г. А. Самаркандская керамика XV века, с. 94.

<sup>30</sup> Кошиндан тайёрланган идишлар мўғуллардан олдин ҳам упрайди, лекин уларнинг ташки кўрининиши жуда содда бўлган. қ: Сухарев И. А. Два блюда XV в. из Самарканда, с. 59.

<sup>31</sup> Масалан, Алишер Навоий замонида ҳам бу соҳада тажрибалар олиб борилган, лекин ишланган идишлар Хитой чиннисига ўхласа-да, ранги унга тенглаша олмаган. Қаранг: Бартольд В. В. Мир-Али-Шир и политическая жизнь.— В сб.: Мир-Али-Шир. Л., 1928, с. 160.

<sup>32</sup> Чинни — «Шоҳона» деган маънода бўлиб, уни биринчи мартаба Хитойда эрамизининг биринчи минг йиллигига ишлаб чиқаришган. Уни ишлаш усуслари сир сақланган ва сирлигича қолган. Чинни XVIII асрнинг бошларида Европада ва ўрталарида эса Россияда ишлаб чиқарила бошлаган. Қаранг: Никифорова Л. Р. Создатель Русского форфора. Л., 1962, с. 4—8.

<sup>33</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 253—254.

<sup>34</sup> Сарой харобаларида ўтказилган қазишма ишларида жуда оз миқдордагина сопол идиш бўлаклари топилди. Бунга сабаб бу идишларнинг жуда чиройли ва қимматбаҳо бўлиши бўлса керак. Чунки бундай шоҳона идишлар синган тақдирда ҳам ташлаб юборилмай камбарадал халқ томонидан чегалатиб ишлатилган.

ти кошиндан тайёрланган идиш бўлаклари асосан косасимон қадаҳ синиқларидан иборат. Кошиндан тайёрланган бўлиб, мутахассисларнинг фикрича, бу идишларнииг мустаҳкамлигини оширган<sup>35</sup>. Биз қуйида қазишма ишларидаги топилган кошин типидаги идиш бўлакларидан баъзиларини қисқача таърифлаб ўтамиз. Топилган коса парчаларидан бирининг таг қисми айланаси 7,5 сантиметр, идишнинг лойи оқиши рангда бўлиб, икки тарафидан оқ тусда сир берилган. Унга анор дарахтининг расми моҳирона чизилган, оч кўк рангда бир жуфт қўшалоқ анор ҳамда анор гули ва ҳар томонга қараб таралган барглар, ҳатто баргларидаги томирлар ҳам усталик билан тасвирланган. Бу ерда наққошнинг маҳорати яққол намоён бўлган. Наққош қайси ерга қуюқроқ ва қайси ерга суюқроқ ранг берилишига алоҳида эътибор берган. Шунга ўхшаш яна бир косанинг таг қисмининг айланаси 9 сантиметр бўлиб, унинг ички қисмida япроқли гул сурати тасвирланган. Гулнинг асосий чизиқлари ва новдалари жигаррангда берилган. Топилган идиш бўлаклари орасида косанинг тепа қисмлари ҳам учрайди. Улардан бирининг айланаси 20 сантиметр бўлиб деворчаларнинг қалинлиги 0,4 сантиметрдир. Идиш бўлагининг икки тарафидан оқишироқ<sup>36</sup> сир берилган. Унинг икки тарафида акс эттирилган нақшлар эса оч жигаррангидан берилган. Ташқи тарафининг тепа қисмida бурама нақшли шакл берилган бўлиб, унинг пастрофида тол новдасига ўхшаш безаклар акс эттирилган. Идиш ички қисмининг тепасида эса тўлқинсимон чизиқлар берилган. Кошиндан ишланган идиш синиқлари орасида косага ўхшаш идишлардан ташқари, товоқ ва ликобча типидаги идишларнинг синиқлари ҳам учрайди. Шулардан бири товоқнинг<sup>37</sup> таг қисми айланаси 20 сантиметр бўлиб, қалинлиги 1,2 сантиметр. Товоқ синиғининг ички тарафида ҳам тўқ кўк рангда расм акс эттирилган. Яна бир расмда олхўри дарахти акс эттирилган бўлса керак. Унинг ички тарафида мевалари ҳам тасвирланган. Топилган идиш бўлаклари ичида оддий лойдан тайёрланган сопол идишлар ҳам учрайди. Улар кошинли идишлардан сифат жиҳати-

<sup>35</sup> Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX—XVII вв.).— Керамика Хорезма. 1959, с. 320.

<sup>36</sup> Кошиндан ишланган идишлар оқ бўлса-да, лекин синичиклаб қаралса, унда кўкимтир ранг борлигини ҳам кўриш мумкин.

<sup>37</sup> Шу формадаги идиш Ташкентда лаган деб қабул қилинган.

эттирилган нақшлар эса күринишиң алады. Берилган шакллар аниқ бўл-  
проқ қорамтири ва жигаррангда.

бу саройлардан топилган сопол-  
анъати, сифати, безалиши ва бошқа



ардан топилган сопол идиш бўлаклари.

ир-биридан фарқ қилган. Қазиш иш-  
идиши синиқларидан фақатгина бир  
юна идишлар қаторига қўшса бўла-  
неки тарафлама берилган сир ва  
бошқа турдаги идиш синиқлари эса

айтишларига кўра, чироили нақшлар би-  
зки косада ош егаи жуда ҳам ҳузур қилас  
турбидики, овқат сузилган идишнинг кўр-  
завқ бахш этар экан.

кейиниги даврға, яъни сарой ҳаробаларидан давом этган ҳаёт билан боғлиқдир. Шунин айтиб ўтиш лозимки, XIV—XV асрлардаги сопол идишлари шу давргача кулолчилик соҳасида эришилган барча ютуқларни ўзида намоён қилган ҳолда юксак маҳорат билан ишланган. Уларни яратишда архитектура соҳасида қўлланилгани каби маълум бир умумий нусхалар бўлиши билан биргаликда маълум бир пропорцияга (бўйини энига нисбати) ҳам амал қилингандиги ҳақиқатдан холи эмас. Бу даврнинг идишларида нақшларда табиатдаги нарсалар аниқ берилган. XIV—XV асрлардаги сопол идишлар ўз замонасида гина қадрланиб қолмасдан, ундаги яхши хислатлар келаси замон сопол идишларида айниқса ҳозирги замонда (Бухорода, Самарқандда, Тошкентда, Намангандада, Китобда, Шаҳрисабзда ва бошқа ерларда) яратилаётган кулолчилик буюмларида ҳам ўз аксини топмоқда<sup>39</sup>.

Археологик қазув давомида бир нечта чақа пуллар ҳам топилди.

1. Бояни Дилкушодан топилган Хуросон амири ал-Маҳди<sup>40</sup> (VIII асрнинг учинчи чораги) фармони бўйича зарб этилган пул У яхши сақланган бўлиб, бир чеккаси учиб кетган. Унинг олди тарафида (аверс) ўнг томонга қараб турган подшоҳнинг бюсти акс эттирилган. Унинг бошидаги тожнинг тепа қисмига ярим ой шакли ишланган. Подшоҳнинг ўнг томонида вертикал равишда араб ҳарфида Ал-Маҳди сўзи ёзилган. Подшоҳнинг юз томонида Бухоро ёзувида подшо Бухоронинг ҳокими деб ёзилган. Пулнинг орқа тарафида (реверс) эса оташдоннинг<sup>41</sup> тасвири берилган бўлиб, унинг иккى ёнида қўлига найза ушлаган одамлар акс эттирилган. Танганинг айланаси 15 миллиметр, оғирлиги 2,46 грамм (9-расм. 1.)

2. Бояни Дилкушодан топилган пул. 795 х. й. (1393 й). Емон сақланган. Пулнинг олди тарафида гирди бўйлаб нуқталар ҳамда ингичка тўғри чизиқдан иборат нақш сақланган бўлиб, ўрта қисмida учта халқадан иборат амирнинг тамғаси акс эттирилган. Пулнинг орқа тарафида эса гирди бўйлаб нуқталар ҳамда ингичка тўғри чизиқдан иборат бўлган нақшдан бўлак белгилар


<sup>39</sup> Жадова Л. Современная керамика Узбекистана. М., 1963.

<sup>40</sup> Қаранг: Смирнова О. Д. Каталог монет с городища Пенджикент. М., 1963. № 17, с. 59.

<sup>41</sup> Оташдон — доимо ёниб турадиган, алоҳида қурбонлик қилиш учун ишланган жой.

сийқаланганынг биринчи таңгалиниң айланаси 24-миллиметртік  
өмірлигі 3,12 грамм (9-расм. 2).

3. Борғи Давлатободдан топилған пул. 795 ж. к. (1393 й). Пул ўртача сақланған. Уннинг олди тарафидә гирди бүйлаб нұқталар ва тұғри чизиқдан иборат айланы чизилған. Айлананинг ўртасыда уч япроқлы шакл бўлиб, унда уч халқадан иборат бўлған тамға акс эттирилған.



9-расм. Чақа пуллар.

Уч япроқ атрофидаги шакллар сийқаланғанлығы сабабли аниқлашының иложи бўлмади. Пулнинг орқа тарафидә эса гирди бўйлаб чизилған нұқта ва тұғри чизиқли айланы ичидә тұртбұрчак шакли ишланған бўлиб, уннинг тұрт томонидаги шакл хирадашиб, кўринмай кетган. Ички қисмидә Амир номи насл өзүвидә ёзилған. Пулнинг айланаси 21 миллиметр, оғирлигиге 2,19 грамм (9-расм. 3.)

4. Борғи Нақши Жаҳондан топилған, Улуғбек даврида зарб этилған пул. У ҳам ўртача сақланған. Пулнинг олди тарафидә «Бухоро» сүзи яхши сақланған. Эҳтимол, «Зарб Бухоро»дир, яъни Бухорода зарб этилғандир. Бухоро сўзининг чап томонидә эса тұртбұрчак шакл ичидә «Зарб донги» сүзи ёзилған<sup>42</sup>. Бу икки сўзининг ҳарфлари Бухоро сўзидагига нисбатан жуда майдада ҳарфларда берилған. Пулнинг орқа тарафини паст-

<sup>42</sup> Қўшимча фойда олиш мақсадида таңгаларнинг белгиси устия қайтадан белги (зарб донги) зарб этиш ҳоллари Улуғбек даврида учрайди. қ: Федоров М. Н. Клад монет Улуғбека из Самарканда. «Общ. науки в Узбекистане», Ташкент, 1969, № 8—9, с. 99.

киңисида 832 рақами яхши сақланган. Бу хижрий йилида берилган бўлиб, 1428—29 йилларга тўғри келади<sup>43</sup>. Пулнинг айланаси 20—21 миллиметр, оғирлиги 3,48 грамм (9-расм. 4.).

Шундай қилиб, сарой харобаларидан топилган чақа пуллар жуда озчиликни ташкил қилишига қарамасдан, ҳизқатга сазовордир. Давлатободдан топилган тангадаги уч халқадан иборат бўлган шакл анча қизиқарли бўлиб, Испания элчиси Клавихонинг ёзишича, бу ҳукмдор тамраси ҳисобланниб, бу шаклни тангаларда акс эттиришни, муҳрларда жойлаштиришни ҳамда улуғ амирнинг буйруғи билан тайёрланган барча нарсаларга қўйишни буюрган. Бу уч халқа гўёки уни дунёнинг уч қисмига ҳокимлигини билдириши керак экан<sup>44</sup>. Баъзи бир адабиётларда бу уч халқа ҳўқизнинг тасвиридир, деган гаплар айтилган. Бундай тахмин қилишга Шарафиддин Али Яздийнинг «ҳўқизнинг боши ҳукмдор герби ҳисобланган»,— деган сўзи асос бўла олади<sup>45</sup>. Эҳтимол, булар тахмин бўлмай, ҳақиқатга яқинроқдир. Бизнинг қўлимиздаги тангаларда акс эттирилган уч халқадан иборат бўлган тасвир сўзсиз бир ҳайвоннинг (эҳтимол ҳўқизнинг) қараб туришини эслатади. Ундаги иккита «кўз» ўртаси тешик халқа ҳолида акс эттирилган. Икки «кўз» ўртасининг пастрофида нуқта шаклида «бурун» тасвирланган бўлиб, пастида эса тешиксиз халқа акс эттирилган.

Шундай қилиб, биздаги бу тангалар билан биз ўрганаётган давр бўйича умумий хулосалар чиқариб бўлмаса ҳам, аммо нумизматикани ўрганувчилар учун бу далиллар қизиқарли бўлса керак деб ўйлаймиз.

### Боғдаги саройларнинг архитектураси ҳақида

**Қурилиш режалари ва композицияси.** XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанд шаҳрининг атрофида жойлашган саройлар ҳаробасида ўтказилган археологик текширишлар ва уларнинг ўрганилиши натижасида бу саройларни қуришда маълум бир режага амал қилинганми? Уларнинг катта-кичиклиги нега ҳар

<sup>43</sup> Бу каби пуллар ҳақида қ: Федоров М. Н. Клад монет Улугбека, с. 98—99.

<sup>44</sup> Клавихо. Дневник путешествия, с. 235.

<sup>45</sup> Массон М. Е. К истории монетного чекана Средней Азии периода правления Тимура и Халил Султана. Общественные науки в Узбекистане, 1969, № 8—9, с. 55—56.

керак<sup>51</sup>. Хонанинг бундай энг мұхим сифатини бузиш, ҳар хил бугланишларнинг аралашувига олиб келиб, турли касалликларга сабаб бўладиган бўғиқ ҳаво ҳосил қиласди ва ҳоказо.

Бу қоидалар бирмунча умумлаштирилиб берилишига қарамасдан, ҳар ҳолда иморат қуришдан олдин илгариги вақтларда ҳам ҳар тарафлама ҳисоблаш ишлари олиб борилганинидан далолат беради.

Баъзи бир илмий адабиётларда гўёки ўрта аср меъморлари математик ҳисоблаш ишларини олиб боришмаган ва улар фаолиятида асосан авлоддан-авлодга ўтувчи тажрибагина ёрдам берган дейилади<sup>52</sup>.

Олимларимизнинг кейинги йилларда олиб борган ишлари шуни кўрсатдики, меъморларимиз IX—X асрларда ёқ ҳисоблаш ишларини жуда ҳам мураккаб геометрик усусларини қўллашган<sup>53</sup>. Масалан, Исмоил Самоний мақбараси ўз даврининг икки йирик олими—яъни астроном, математик Ал-Фарғоний ва математик Ал-Хоразмий режалари асосида қурилган. Ҳажм жиҳатидан илгариги даврларга иисбатан ниҳоят катта ва баланд биноларни лойиҳасиз қуриш мумкин эмас. Уларнинг тархлари олдиндан тузилиб, муҳокама қилинганини тўғрисида биз аниқ маълумотларга эгамиз. Жумладан, Бони Дилкушонинг қурилиши ҳақида қўйидаги сатрларни ўқиймиз: «Мен фаровон давлатимда тўплланган сарой архитекторларини ва қурувчиларини йиришни буюрдим. Улар биргалашиб гулзорлар ва хиёбонлар тархини ишлаб чиқишиди ва ўша боғнинг қурилиши билан машғул бўлишиди...»<sup>54</sup>.

Бони Шамол ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. «Ўша соатда (дейди амир) Самарқандга араб, Ироқ, Форс, Озарбайжон, Диёрбакр ва Хуросондан йиғилган мухандисларни, меъморларни йиғишига фармон бердим, улар қоғозга тархини чизсинлар деб. Яхши (чиққан) тарихни маъқуллагач, буюрдим, яхши соатларда сарой деворларини қурсинлар деб»<sup>55</sup>.

<sup>51</sup> Ўй ичидаги ҳавонинг соф бўлиши кўпроқ хоналар ичини баланд бўлишини талаб қиласди.

<sup>52</sup> Мессель Э. Пропорции в античности и в средние века. М., 1936, с. 26.

<sup>53</sup> Булатов М. С. Искусственные геометрические приёмы в зодчестве Самарканда конца XIV—начала XV вв.— Искусство зодчих Узбекистана, т. IV. Ташкент, 1969, с. 97—106.

<sup>54</sup> Якубовский А. Ю. Мастера Ирана в Средней Азии при Тимуре. Иранское искусство и археология. III международный конгресс. М.—Л., 1939, с. 279.

<sup>55</sup> Ўша жойда.

XIV—XV асрлардаги саройлар тархнин олдиндан тушиб чиқилғанлигини исботловчи даилилар шу давр мөймөрчилигига бағишланган құләмаларда ҳам күп-лаб учрайди. Чунонча, Узбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Беруний номидаги Шарқшунослик институтыда сақланытган, XVI асрда Бухорода чизилған чизма режалар<sup>56</sup> фикримизга далил бўла олади. «Бу планлар,— деб ёзди, профессор Г. А. Пугаченкова,— Бухородаги XVI—XVII асрлардаги архитектура ни гавдалантиргаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда улардан намуна сифатида фойдаланилган»<sup>57</sup>.

А. Ю. Якубовский Беҳзоднинг «Зафарнома»га ишланган расмларига асосланиб, қурилиш ишларида бинонинг ўлчами шаклидан (модели) фойдаланилган деган фикрни айтади<sup>58</sup>. Ҳақиқатдан ҳам расмларнинг бири<sup>59</sup>— Бибихоним масжидини бунёд этиш жараённига бағишлиланган лавҳада қўйидагилар тасвирлаган: усталарнинг ҳар бири ўзига тегишли иш билан банд. Улар турли ҳолатларда тасвирланган. Бинонинг асосий қисми нафис гуллар билан безатилган. Айвон эса қурилиб битқазилган, пастда ишчиларнинг бир қисми девор юзасини қоплаш учун ишлатиладиган оғир мармар тош тахталарни ташимоқдалар, бошқалари бўлса, ғишт терувчилар учун лой тайёрламоқдалар. Энг юқорида қўлида бир шаклни (бино модели бўлса керак) ушлаб турган киши акс эттирилган. Бу бинонинг бош мөймори бўлса керак (10-расм).

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда XIV—XV асрдаги саройларни қуришда мукаммал ўрганилиб муҳокама қилинган тархлари бўлган деб айта оламиз. Бу саройларнинг кўриниши ҳамма ерда ҳар хил бўлиб, бир хил кўринишдаги сарой бошқа ерда такрорланмаган. Маълумки, XIV асрнинг охиrlарига келиб Мовароуннаҳр яқин ва Ўрта Шарқ ижодий кучларининг бош марказига айланган, санъатда, жумладан, мөймөрчиликда янги йўналиш пайдо бўлган эди. Масалан, Ибн-Арабшоҳ шаҳар ташқарисидаги саройлар ҳақида ҳикоя


<sup>56</sup> Бакланов Н. Б. Архитектурные чертежи узбекского мастера XVI в. Академия архитектуры СССР. Сообщения института истории и теории архитектуры, вып. 4, М., 1944.

<sup>57</sup> Пугаченкова Г. А. Об общественном положении и роли средневекового зодчего в Средней Азии.— Искусство зодчих Узбекистана, т. IV, Ташкент, 1969, с. 21.

<sup>58</sup> Якубовский А. Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридов. Л., 1933, с. 22.

<sup>59</sup> J. W. Agpol d. Bihzad and his Paintings in the Zafernamah, m. s. London, 1930, pl. IX—X.

қилиб, улар «янги услубда» қурилғанлигиниң айтиб үтади<sup>60</sup>. Меймандиң санъатининг янги тасвирий восита-



10-расм. Қурилиш (миниатюра).

<sup>60</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана, с. 309.

ларини қидириш натижасыда тенгсиз ҳашаматли, шу билан бирга ранг-баранг безаклар билан безатилган саройлар қад күтарган. Бу саройларнинг баъзиларини ўзи кўзи билан кўрган Клавихо қўйидагиларни ёзди:  
«Боғда<sup>61</sup>... инсон қўли билан яратилган баланд тепалик бўлиб, унинг тела қисми текис қилиб ишланган ва ёғоч қозиқчалар<sup>62</sup> билан ўралган. Унинг ўртасида жуда ҳам мўл олтин, зангори ранглар ва пардоэланган безаклар билан зийнатланган кўп хонали кўркам сарой қад кўтарган. Бу тепаликка чиқиши учун икки тарафдан кўпприк бўлиб, орқа тарафдаги кўпприкнинг иккита эшиги бўлган. Шунингдек, тепага кўтарилиш учун зиналари бўлган...»<sup>63</sup>. Яна бир сарой<sup>64</sup> тўғрисида, унинг хочсимон шаклда қурилиб шопардалар, пол ва деворлари эса ҳар хил нақшлар билан безатилганини, уйда кўрпача ёки тахта қўйиш учун учта тахмон борлигини, ўртадаги тахмонда кўрпача устида шоҳнинг ўтирганини ёзди\*. Шарафиддин Али Яздий ҳам «Зафарнома» асарида Боги Шамолдаги саройни 1,5 ойда қуриб битказилганини ва деворларидаги зарҳалларни Монийнинг ҳунари рашк қиласар даражада гўзаллигини таърифлайди\*\*. Боги Дилкушодаги саройнинг эса уч тоқили эканини айтади\*\*\*. «Бобирнома»да ҳам бирмунча қизиқарли маълумотлар берилган. «Яна пуштаи Кўҳакнинг домасида ғарб сари боғе солибтур. Боги майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чил устун дерлар, ду ошиёна, устунлари томом тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчида, тўрт монардек буржлар кўпориб турларким, юқорига чиқар йўллар бу тўрт бурждиндор. Ўзга томони ерларда тошдин устунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юқорига ашенининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тошдин фарш қилибтурлар... Бу иморатдин пуштаи Кўҳак сари даманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуғ айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичидаги бир улуғ тош тахт қуюбтур,

<sup>61</sup> Бу ерда гап Давлатобод боғидаги сарой ҳақида боради (У. А.).

<sup>62</sup> Ёғоч қозиқчалар деб, эҳтимол ёғочдан ишланган панжарани айтмоқчилик (У. А.).

<sup>63</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 245.

<sup>64</sup> Клавихонинг Самарқанд бўйлаб қилган сафарини кўз олдимиизга келтирасак, бу ерда гап эҳтимол Нақш Жаҳон боғи ҳақида бўлса керак.

\* Клавихо. Дневник путешествия..., с. 257—257.

\*\* Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 289 (а) варақ.

\*\*\* Уша асар, 294 (а) варақ.

тули тахминан ўн тұрт — ўн беш қари бұлғай, арзі етти саккыз қари, умқи бир кари... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чинни, Чиннихона дерлар\*\*\*\*

Хуллас, юқорида күрганимиздек, тарихий адабиёттарда берилған маълумотлар жуда қисқа ва иоанқ бўлиб, саройлар түғрисида ўқувчига тўлароқ таассурот бера олмайди. Бу сарой харобаларининг баъзиларида олиб борилған археологик текширишлар бизга қимматли маълумотлар берди. Археологик қазишмалар натижасида тўпланган маълумотлар ҳамда ёзма маълумотларга асосланган ҳолда шуни айтиш мумкинки, саройлар композицияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилған. Улар ташқи кўринишида тўртбурчак ва тўғри тўртбурчак ҳолатида қурилған бўлсалар-да, ички тузилишлари жиҳатидан умумий бир кўринишида бўлганлигини, яъни уларни хочсимон шаклда эканлигини марказий хона атрофида эса симметрик тарзда жойлашган хоналарни кўрамиз. Умуман саройлар тархига бир назар ташласак, уларнинг бир хил типга эга бўлиб, фақат кўринишилари ҳар хил эканлигини, яъни бир хилдаги типни ҳар турли кўринишида тузилганлигини пайқаш қиин эмас.

Саройларнинг композициясида салобатлилик, атрофига туташган айвонлар пештоқларининг улуғворлиги каби сифатлар жуда хосдир. Уларни композиция жиҳатидан икки хил кўринишига ажратиш мумкин. Биринчи хил кўринишдаги саройларнинг ўзларига хослик томонлари (Давлатобод боғидаги сарой мисолида) шундан иборатки, биринчидан, улар кичик ҳажмга эга; иккинчидан, уларнинг асосий кириш эшиклари тарафидан саройга туташган айвонлари бўлган; учинчидан, улар кўпинча баланд тепалар<sup>65</sup> устига қурилған; тўртнинчидан, улар асосан бир қаватлик бўлиб, баъзи ҳолларда иккинчи қавати ўрнида очиқ ёки ярим очиқ шийлонлар бўлган. Бу хил кўринишдаги саройларга қўйидаги боғлардаги саройни киритиш мумкин:

1. Давлатобод.
2. Бояи Чинор.
3. Бояи Беҳишт.
4. Бояи Амирзода Шоҳруҳ.
5. Бояи Нақши Жаҳон.
6. Бояи Жаҳон нумо.
7. Бояи Баланд.
8. Чиннихона.

\*\*\*\* Бобирнома, 65-бет.

<sup>65</sup> Сарой қуриш учун мос келадиган баланд тепаликлар Сармарқанд атрофида кам бўлган бўлиши керак (Давлатободдаги сингари). Бунда баланд тепалар қадимги кўшклар харобаси бўлиб, ер сатҳи қатлами буш бўлганлиги ва устига майдонининг катта эмаслиги уларнинг устига фақат кичик ҳажмдаги саройлар қуришга имкон берган.

Иккиячи хил кўринишдаги саройларнинг ўзига хос томонлари қўйидагича бўлган: биринчидан, ҳажм жиҳатдан ниҳоятда улуғвор бўлса, иккинчидан, уларни кўпинча тўрт томонлама эшиклари ҳамда уч ёки тўрт томонлардан туташган айвонлари бўлган, учинчидан, улар текис ерларга қурилган, тўртингидан, деворларининг қалинлиги 4 метргача етгани ҳолда, иморат иккимича қаватлик бўлган. Бундай кўринишдаги саройларга қўйидагиларни киритиш мумкин. 1. Бори Дилкушо. 2. Бори Бўлду. 3. Бори Шамол. 4. Бори Нау. 5. Бори Майдондаги Чилустун.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарқанд атрофидаги қурилган бу саройлар бир хилда бўлмаган. Бу саройларни қуришда архитектор умумий қондадан ташқарига чиқмаган ҳолда саройларнинг бир-биридан гўзал бўлишига катта эътибор берган. Саройларга улуғворлик ва ҳашаматлик тусини бериш мақсадида кўпинча уларни тепалик ерларга қуришга ҳаракат қиласланлар.

Археологик қазишмалардан маълум бўлишича, бу саройларнинг тузилишида эътиборни ўзига жалб қиласланган бир сифати, уларнинг тархи хочсимон<sup>66</sup> шаклга эга эканлигидир. Клавихо ва Бобир ҳам ўз асарларида бу тўғрида эслатиб ўтишган. Нима учун бу саройларнинг ички кўриниши хочсимон шаклда қурилган<sup>67</sup>? Бу ерда христианлар бутхонасининг таъсири йўқмикан? деган саволнинг туғилиши табиий бир ҳолдир. Чунки бундай тархлар асосида қурилган кўплаб бутхоналар бизга архитектура тарихидан<sup>68</sup> маълум. Архитектура тарихини ўрганиш натижасида фақат XIV—XV асрларда эмас, балки Ўрта Осиёда қадимдан ҳам ана шундай тархлар асосида саройлар қурилганлиги маълум бўлди. Ҳақиқатда ҳам олима Г. А. Пугаченкова ёзганидек, бинокорлик санъати четга чиқиш (экспорт) ва четдан келтириш (импорт) деган нарсани билмайди. У бунёдга

<sup>66</sup> Бу шакл доимий ҳаракат рамзи. Христиан динининг белгиси. Хочга сириниш ибтидоий даврдан бошланган бўлиб, кейинчалик ҳар хил шаклда тарқалиб кетган. қ.: Большая советская энциклопедия.

<sup>67</sup> Уз даврида А. Ю. Якубовскийни ҳам бу муаммо қизиқтирган, лекин ўз асарида буни жавобсиз қолдирган. қ.: Якубовский А. Ю. Образы старого Самарканда. Восток, 1925, № 5. с. 157.

<sup>68</sup> Масалан, Арманистондаги бир бутхонанинг (XII—XIII асрлар) тархи хоч шаклида. Унинг ўртасида хоч шаклида зал бўлиб, унинг бурчакларида тўртбурчакли хоналар жойлашган. қ.: Токарский Н. М. Архитектура Армении IV—XIV вв. Ереван, 1961, с. 200—201, рис. 67.

желган ери билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ҳолда, ўз ери анъаналари, умумхалқ ёки умуммиллат диди билан боғлиқ<sup>69</sup>.

Хоразм<sup>70</sup> экспедициясининг кўп йиллик олиб борган текширишлари натижасида эрамиздан олдинги III—I асрларга оид бўлган қалъалар ўрганилиб, уларнинг баъзиларини (масалан, Бабиш Мулла қалъаси)<sup>71</sup> тархи хоч шаклида қурилганлиги аниқланди. Туркманистон экспедициясида ҳам шундай тарх асосида қурилган кўшклар<sup>72</sup>, шунингдек уйлар<sup>73</sup> (XI—XII аср), саройлар (XIV аср)<sup>74</sup> аниқланган. Ёзма манбаларда ҳам бу каби саройлар бўлганлигини эслатувчи гаплар учрайди. Масалан, подшо Маҳмуд билан Беруний ўртасида латифа оҳангидаги бир ҳикояда айтилишича, Маҳмуд Берунийдан шу тўрт эшикли павильонни (чорток типидаги иморат) қайси эшигидан чиқиб кетиш мумкинлигини ёўраган<sup>75</sup>. Самарқанддаги XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларидаги саройларни ўрганиш натижасида саройларнинг боғ ўртасида жойлашганлиги ва бу саройларнинг, шунингдек боғларнинг тўрт томонидан эшиклари бўлганлиги ва бундай кўриниш кўпчилик боғларга хос эканлиги аниқланди.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Бони Дилкушодаги сарой боғнинг ўртасида жойлашган бўлиб, боғнинг тўрт томонидан дарвозалари бўлган<sup>76</sup>. Бизнингча, боғнинг тўрт томонидаги дарвозалар сарой дарвозаларига қарама-қарши қурилган бўлиб, уларни бир-бiri билан тўғри ўtkазилган йўллар боғлаб турган. Ҳеч

<sup>69</sup> Пугаченкова Г. А. Архитектура Средней Азии и Ирана в связах в взаимодействиях. «Общественные науки в Узбекистане», 1972, № 10, с. 33.

<sup>70</sup> Толстов С. П. По следам древнекорезмской цивилизации. М.—Л., 1948, с. 57—58. Орлов М. А. Памятники садово-паркового искусства Средневекового Хорезма. Археолого-этнографическая работа Хорезмской экспедиции 1945—48 гг. М., 1952, с. 156—157.

<sup>71</sup> Толстов С. П. и др. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1957 г. Материалы Хорезмской экспедиции. Вып. 4. М., 1960, с. 49, рис. 33.

<sup>72</sup> Пугаченкова Г. А. Пути развития архитектуры южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. Труды ЮТАКЭ. Т. VI. М., 1958, с. 154, 204, 207.

<sup>73</sup> Пугаченкова Г. А. Искусство Туркменистана. М., 1967. с. 105—107.

<sup>74</sup> Пугаченкова Г. А. Пути развития архитектуры южного Туркменистана... с. 204.

<sup>75</sup> Дьяконов М. Фердоуси. М.—Л., 1940, с. 35.

<sup>76</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 293 (б), 294 (а) варақ.

шубҳа йўқки, боғнинг асосий дарвозаси бўлиб, ундан шаҳарга қараб йўл кетган. Фикримизни Бобирнинг қуяндаги гаплари тўла тасдиқлай олади. «...Самарқанднинг шарқида (амир) икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдуудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафиди терак йиғочлари эктурубтур...»<sup>77</sup>.

Шунга ўхашаш маълумотларни Ҳофиз Таниш «Абдулланома»да келтиради<sup>78</sup>. Демак, Самарқанддаги (XIV—XV аср) боғ-саройларининг ўзига хос хислатларидан<sup>79</sup> бири уларда жойлашган (тархи хочсимон шаклда) чордара<sup>80</sup> уйларнинг эшикларини чор боғнинг эшикларига муносаб (қарама-қарши) жойлашиши десак бўлади. Бу ерда саройларнинг хочсимон тарх асосида қурилганлигига сабаб нима? Унинг бошқа кўринишда қурилган меъморий иншоатлардан афзаллиги нимадан иборат? Чамаси, бундай режа иссиқ иқлим шароитига мос тушиши билангина келиб чиққан деб фикр қилиш мумкин<sup>81</sup>. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бундай тархлар асосида қурилган иморатлар қадимдан маълум бўлиб, секин-аста одат тусиға кира бориб кўшкларда (масалан, Туркманистондаги IX—XIII асрларга оид бўлган Ҳаром кўшк)<sup>82</sup>, қалъаларда (масалан, Термиздаги IX асрга оид бўлган Қирқ қиз қалъаси)<sup>83</sup> ҳамда уйларда<sup>84</sup> кенг тарқалган. Бундай саройлар хилватроқ ерларга қурилган ва дам олиш учун қулай бўлган (11-расм).

Шундай қилиб, чорбоғнинг бу ўзига хос белгиларини (яъни боғни ва унинг ўртасида жойлашган саройнинг тўрт томонидан дарвозаси бўлганлигини) эътиборга

<sup>77</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>78</sup> Ҳофиз Таниш. Абдулланома, 1-жилд, Тошкент, 1966, 282-бет.

<sup>79</sup> Бу ўзига хосликни ҳамма боғларга ҳам тегишли бўлган деб айтиш қийин, албатта. Масалан, Улувбекнинг Чиннихона номли сарой манзарали кўринишга эга бўлган төр ёнбағрида жойлашганлиги учун, фикримизча, юқоридаги хислатдан унда тўла равишда сақланиб қолган деб айтиш қийин.

<sup>80</sup> Чордара — тўрт томонида эшик.


<sup>81</sup> Бундай режанинг яна бир афзалллик томони унга кириб чиқишининг қулайлигидадир. Айниқса, ёвгарчилик маҳалларида ундан (иморатдан) қочиб чиқишини осонлаштирган. Бу режа давр тақозоси билан дунёга келган бўлиб, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

<sup>82</sup> Пугаченкова Г. А. Путь развития архитектуры южного Туркменистана, с. 154.

<sup>83</sup> Згура В. Развалины дворца около Термеза.—«Культура Востока», вып. 1. М., 1927, с. 19; Бачинский Н. М. Сырзовое здания древнего Термеза. ТАКЭ. Т. II. Тошкент, 1945, с. 197.

<sup>84</sup> Пугаченкова Г. А. Искусство Туркменистана, с. 105.

олганда, меймурлар олдида қийин масала пайдо бўлган. Натижада улар саройларни бошқача режада қу-



11-расм. Хочсимон шаклда қўрилган саройлар.

1. Хоразм. Қалъа. Эрамиздан аввали II аср; 2. Термиз. Ханақоҳ (VIII—IX асрлар); 3. Арманистон. Масжид (V аср); 4. Грузия. Масжид (VI—VII в.); 5. Марв. Кўчик (VI—VII асрлар); 6. Туркия. Кўчик (XV аср); 7. Одам яшайдиган ўй (XI—XII асрлар); 8. Мара. Сарой (XIV аср); 9. Озарбайжон. Сарой (XV аср).

ришга, бизнинг фикримизча, илож топиша олмаган. Бу ердаги шароит саройларнинг ичидагимо яхши, сал-

қын ҳаво, шунингдек, ёруғлик бўлиши учун зарур бўлган. Имаратларни бундай кўринишида қуриш учун эса меъморлар хочсимон шаклдаги режани мос деб топган бўлсалар керак. Бундай режадаги саройларнинг хоналарини доимо шамоллатиб туришга имкон бўлган. Айниқса, ёзинг иссиқ кунларида уй ичлари салқин бўлиб, боғда ўсиб, гуллаб ётган дараҳт ва гулларнинг ёқимли ҳиди сарой ичида анқиб турган. Бу типдаги (чор ва чордара) боғ-саройлар фақатгина Самарқандгагина хос бўлмай, балки бошқа ерларга ҳам хосдир. Масалан, кейинги асрларда шу типдаги композиция бўйича Исфаҳонда (Эрон)<sup>85</sup>, Истамбулда (Туркия)<sup>86</sup>, Озарбайжон (Нордараң қишлоғида)<sup>87</sup> ва бошқа ерларда саройлар қурилганлиги бизга маълум.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот шаҳрида қурилган Тарабхона саройи ҳам шу принцип асосида қурилганлиги маълум. Бу кичик ҳажмдаги сарой ҳам боғ ўртасига икки қаватли қилиб қурилган. Ўрта қисмидаги хона хочсимон шаклда бўлиб, тўрт бурчагида ҳужралари бўлган<sup>88</sup>. Бундан ташқари, Ҳиротда яна кўплаб чортоқлар (боғ ўртасида) бўлганлиги маълум<sup>89</sup>. Темурийлардан кейинги даврларда қурилган имаратлар ҳам шу тарҳ асосида қурилган. Шунингдек, фақатгина саройларгина эмас, бу тарҳ асосида бошқа характерга эга бўлган имаратлар қурилганлиги ҳам кўп учрайди. Масалан, хонақоҳлар<sup>90</sup>, мадрасалар<sup>91</sup>, ёпиқ бозорлар<sup>92</sup>, ҳаммомлар<sup>93</sup> шулар жумласидандир. Профессор Л. И.

<sup>85</sup> Всеобщая история архитектуры, т. 8. М., 1969, с. 175—176.

<sup>86</sup> Уша китоб, 448-бет, 21-расм.

<sup>87</sup> Бретанский Л. С. Зодчество Азербайджана XII—XV вв. и его место в архитектуре переднего Востока, М., 1966, с. 248—249.

<sup>88</sup> Бобирнома, 220-бет.

<sup>89</sup> Зайнiddин Маҳмуд Восифий. Бадоевул вақе, 112, 114-бетлар.

<sup>90</sup> Масалан, Бухородаги Чор бакр комплексидаги (XVI аср), Лабиҳовуз ансамблидаги Девон беги (XVII аср) хонақоҳи шулар жумласидандир.

<sup>91</sup> Масалан, Тошкентдаги (XVI аср) Баракхон мадрасасидаги марказий зал, Самарқанддаги Регистон майдонида жойлашган Улуғбек, Шердор мадрасаларидаги заллар шулар жумласидандир.

<sup>92</sup> Масалан, Бухородаги XVI аср ёдгорликларидан Тоқи-Заргарон типидаги ёпиқ бозорларни ҳам кўриш мумкин.

<sup>93</sup> Ҳаммомларда эса акси бўлиб, иссиқ хонадаги ҳароратни бошқа хоналарга текис тарқалишига имкон беради. Бундай тарҳли ҳаммомлардан (XI—XII аср) бирни археолог И. Аҳроров томонидан Ахсикентда олиб борилган археологик текширишларда аниқланган.

Ремпелнинг ёзишича, ҳатто бундай чордара кўриниши-  
даги уйлар XIX асрдаги боғларда ҳам бўлган<sup>94</sup>.

Ўтмишдаги меъморчилик санъатини қисман бўлса-  
да тасаввур қилиб ота-боболаримизнинг боғчилик ва  
меъморчилик санъатини бир-бирига мос келадиган ҳол-  
да қўша олганликларини кўрамиз. Шунингдек, ўтмиш-  
нинг бу яхши ютуқларини ҳозирги замон меъморчилик  
санъатида татбиқ этиш яхши натижалар беришига  
ишончимиз комил<sup>95</sup>.

Айниқса ҳозирги кунда барпо этилаётган янги ша-  
ҳарларда юқоридаги тархлар асосида, уларга ижодий  
ёндашган ҳолда бинолар қуриш мақсадга мувофиқ бўлур  
эди. Шундай қилиб, биз қисқача бўлса-да меҳнаткаш  
халқ томонидан катта куч сарфлаб, ўтмиш тажриба-  
лари асосида бунёд қилинган меъморчилик тарихига оид  
ўзига хос санъат намунасини кўриб чиқдик. Бунда қу-  
рилиш ишларини бажаришда муҳит ва географик ша-  
роинт ҳисобга олинган ҳолда масалага ижодий ёндошил-  
ган. Шунингдек бу даврдаги саройларда антик даврда  
бўлганидек, бинонинг кўриниши, тузилишини, соддали-  
гини, композициясининг аниқлигини, илк ўрта асрлар-  
даги саройлар каби яхши ишланган пештоқларини ва  
очиқ айвонларини<sup>96</sup> кўрар эканмиз, уларнинг асрлар-  
оша мураккаблашиб ва такомиллашиб борганликлари-  
нинг гувоҳи бўламиз.

**Иморат пойдевори ҳақида.** Қадим замонлардан бері  
усталар иморат қуришдан олдин ер қатламиининг тузи-  
лишига алоҳида эътибор берганлар. V—VIII асрларда  
Ўрта Осиёда қурилган ҳашаматли иморатларнинг де-  
ворлари жуда ҳам қалин бўлганлиги сабабли пойде-  
ворга ҳожат бўлмаган<sup>97</sup>. Қурилишда пишиқ ғишт ишла-  
тила бошлагандан бошлаб иморатнинг девори юпқа-  
лашди ва натижада унинг пойдевори ер остидан қўйила

<sup>94</sup> Ремпель Л. И. Из истории градостроительства на Востоке.— Искусства зодчих Узбекистана, т. I. 1962, с. 235—236.

<sup>95</sup> Шаҳайд қишлоғининг (Наманганд обл. Тўракўрон р-н) марказига жойлашган чойхона тархи автор эътиборини ўзига жалб қилди. Чойхона чордара кўринишида (тўртнинчи тарафидаги эшик ўрнига кенг дераза қурилган) жуда кенг қилиб қурилган бўлиб, ёз кунлари жуда салқин бўлар экан. Унинг қарама-қарши эшиклари очиқ турганда ҳам киши соглигига зарар келтирмас, яъни шамоллаш ҳоллари рўй бермас экан. Фикримизча бу, унинг эшиклари орасидати масофанинг узоқ бўлганлиги (XIV—XV аср-  
даги саройлар каби) дандир.

<sup>96</sup> Лавров В. Д. Градостроительная культура Средней Азии. М., 1950, с. 34, 50.

<sup>97</sup> Нильсон В. А. Архитектура Средней Азии V—VIII вв. Ташкент, 1966, с. 222.

бошланди. X—XII асрларда қурилган иморатларда эса унинг пойдеворига яхши эътибор берилган. Масалан, Бухородаги Исмоил Самоний (Х) мақбарасининг пойдевори 2,3 метрдан чуқур, Термиздаги XI—XII асрда қурилган саройнинг пойдевори 1,45 метр, Байрамалидаги Султон Санжар мақбарасининг пойдевори 2,5 метр<sup>98</sup> бўлган. XIV—XV асрларда ҳам қуриш қоидаларига амал қилинган. Вожид Алиниң «Матлаул-улум ва мажмаъул-фунун» деган қомусида берилган қоидалардан бир неча сатрларни эслатиб ўтамиз. У ерда ёзилишича, иморат пойдеворининг кенглиги ва чуқурлиги унинг катта-кичиклигига муносаб бўлиши керак экан. Агарда иморат бир қаватлик бўлиб, унчалик катта бўлмаса, унинг пойдеворининг эни 1 ёки 1,5 газ, чуқурлиги ҳам шунча бўлиши керак; агарда иморат баланд бўлиши кўзда тутилса, унинг пойдеворини ҳам шунга муносаб бўлишини ҳисобга олиш керак... Ҳақиқатан ҳам Ўрта Осиёдаги қурилган иморатларнинг пойдеворига алоҳида аҳамият берилган<sup>99</sup>.

XIV асрнинг охирида қурилган меъморий ёдгорликларнинг пойдеворини ишлашда маълум бир қоидадан ташқарига чиқиб кетиш, пойдеворга яхши эътибор берилмаслик ҳолларини кўриш мумкин. Масалан, Шахрисабздаги Оқ саройининг пойдевори 7 метрдан ошиқ бўлса<sup>100</sup>, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасининг пойдевори жуда юза қурилган<sup>101</sup>. Бу даврда Самарқанднинг ўзида қурилган иморатларнинг ҳам пойдевори унчалик (баландлигига нисбатан) мустаҳкам бўлмаган<sup>102</sup>. Натижада у иморатлар бузилишга тез мойил бўлган. Ҳатто тарих саҳифаларида Бибихоним масжити мустаҳкам қурилмаганигини кўрган за-

<sup>98</sup> Воронина Л. Н. Устройства оснований в памятниках архитектуры Средней Азии.—Материалы по истории архитектуры Узбекистана. Выпуск I. 1959, с. 16—17.

<sup>99</sup> Мутахассисларнинг фикрича, Ўрта Осиёни ҳашаматли қурилмаларида пойдеворининг чуқурлиги ер шароитига боғлиқ бўлган. қ.: Бачинский Н. М. Антисейсмика в архитектурных памятниках Средней Азии. М.—Л., 1949, с. 18.

<sup>100</sup> Қабанов С. К. Руины дворца Ак-сарай в Шахрисабзе.—Труды Института истории и археологии АН УзССР. Том I. Материалы по археологии Узбекистана, Ташкент, 1948, с. 42.

<sup>101</sup> Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасининг деворлари қалин бўлишига қарамасдан, уни ер тагига кетган асоси баъзи ерларда 25—30 сантиметрни ташкил этади. қ.: Массон М. Е. Мавзолей Ходжа Ахмеда Ясави. Ташкент, 1930, с. 13.

<sup>102</sup> Бибихоним масжиди пойдеворининг чуқурлиги 4,5 метр, Гўри — Амир мақбарасининг пойдевори эса 4 метр.

мондошлари унинг устидан кулиб асқия қилишган<sup>103</sup>.

XIV—XV асрга оид Самарқанд саройларида олиб борилган археологик текширишлар қуйидаги натижаларни берди: Боян Дилкушодаги сарой пойдеворининг эни 3 метр бўлгани ҳолда, ер тагига 3,20 метр чуқурликка кетган<sup>104</sup>. Пойдеворнинг таг қисмидаги 2—3 сантиметр қалинликдаги қум<sup>105</sup> устидан катта-катта тошлар ишлатилган. Боян Бўллудаги сарой пойдеворининг эни 2 метр бўлгани ҳолда ер тагига кетган чуқурлиги 3 метрни ташкил этади. Бу ерда ҳам Боян Дилкушодаги каби тошлар ишлатилган. Боян Давлатободдаги саройча пойдевори эса ҳамма ерда 0,90—0,95 сантиметр бўлиб, деворнинг қалинлиги ҳам шу катталикдадир. Бу ерда иморат пойдеворига тош ишлатилмаган.

Улуғбекнинг Чилустун саройида эса аҳвол бутунлай бошқача. Ундан пойдевор ўрнига ҳамма ерда Чўпонота тоғидаги тошдан терилган  $40 \times 25$  метр атрофида бўлган тўғри тўртбурчак шаклида супа тайёрланиб, бу супа устига сарой Қурилган. Умуман, бу саройларни қуришда меъморлар иморатни мустаҳкам қуриш учун зарур бўлган шарт-шароитларни олдиндан ҳисобга олишган. Улар умумий қоидага риоя қилган ҳолда баъзида ер тузилишини ҳам ҳисобга олганлар. Масалан, юмшоқ қатламли ерларда иморат пойдеворини бирмунча пастроқдан бошлишга тўғри келган.

**Қурилиш материаллари.** XIV асрнинг охириларида Самарқанд Шарқнинг энг гўзал ва бой шаҳарларидан бирига айланди. Бу даврга келиб шаҳарда амир Тимурнинг босқинчилик урушлари туфайли жуда кўп ишчи кучи ҳамда бойлик тўпланди. Бу даврда қурилган саройларда турли хил қурилиш материаллари ишлатилган. Саройлардаги асосий қурилиш материалларидан бирин, тўрт бурчак шаклидаги пишиқ ғиштлар\* бўлиб,

<sup>103</sup> Ставиский Б. В. стране Роксаны и Тимура.— Изобразительное искусство. М., 1970, с. 137.

<sup>104</sup> Қазишима натижасида аниқланишича, пойдевор полдан 1,5 метр пастдан бошланган. Лекин бу чуқурлик мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги, яъни сув қатлами ер юзасига жуда яқин бўлганлиги сабабли уни ўзгартиришга тўғри келган.

<sup>105</sup> Бундай усул бошқа жойлардаги меъморий ёдгорликларда ҳам қўлланилган. Масалан, қ.: Асанов А. Памятники архитектуры средневекового Хорезма. Ташкент, 1971, с. 72.

\* Бундай ғиштлар қизғиши рангда ва сифатли бўлиб, пишиқ ғиштта бўлган талаб катта бўлганлиги туфайли улар кўплаб ғишт усталарни томонидан махсус қолилларда кубиллиб, хумданларда пиширилган. Бундай хумданлар XIV—XV асарларда кўп бўлган. Ҳозирги кунда шаҳарда кейн қурилиш ишлари авж олганлиги туфайли ер қазиш ишларидаги XV асрга оид ғишт хумдан харобаларини тез-тез учратиш мумкин.

уларниң күпчилигининг ұажми  $25 \times 25 \times 5$  сантиметр. Сарой деворларининг пастки (асоси) қисмінде ишлатылған ғыштлар бир оз йирикроқ бұлиб, ұажми  $26-28 \times 26-28 \times 6-7$  сантиметр. Полларига ишлатылған ғыштлар еса кичик ұажмада бұлған ( $24 \times 24 \times 4$ ). Бу ұажмада

### 1-жадвал

Ғыштнинг үлчөві	Ишлатылған ери
$26 \times 26 \times 6-7$	<b>Боги Давлатобод</b>
$28 \times 28 \times 6$ см	Иморат пойдеворининг пастки қисмінде
$24 \times 24 \times 5$ см	Иморатнинг полига ишлатылған
$25 \times 25 \times 5$ см	Курилиш чиқиндиларининг уюмда хұплаб учрайди.
$26 \times 26 \times 6$	<b>Боги Диңгушо</b>
$27 \times 27 \times 7$ см	Иморат пойдеворининг пастки қисмінде
6 бурчаклық, бурчак- лар оралығи 25 см дан, қалилиғи 6 см.	Хоналар ичидеги полда
$24 \times 24 \times 4$ см	Йұлак полларыда
$25 \times 25 \times 5$ см	Курилиш чиқиндилари уюмда
$27 \times 27 \times 6$ см	<b>Боги Бұлду</b>
$28 \times 26 \times 6$ см	Иморат пойдеворининг пастки қисмінде
$26 \times 24 \times 5$ см	Айон полида
$23 \times 18 \times 6$ см	Үй полида

Ғыштлар фақатгина Самарқанддаги\*\* иморатларғаги-на ишлатылмасдан, шунингдек бошқа шаҳарларда<sup>106</sup> ұам ишлатылған. Биз қуйида XIV—XV асрларда Са-марқандда қурилған, сарой харобаларыда қазиша вак-тида учраган ғыштларни 1-жадвалда берамиз.

Деворларни күтаришда ишлатылған бундай ғышт-лардан ташқары, деворларни безашда сирланған ғышт-лар, кошинлар, парчинлар ұам ишлатылған. Улар

\*\* Шишкин В. А. Самаркандская обсерватория Улугбека.— В кн.: Из истории эпохи Улугбека. Ташкент, 1966, с. 214; Мань-ковская Л. Ю. К изучению приёмов среднеазиатского зодчества конца XIV в.— Искусство зодчих Узбекистана, том I. с. 98; Пугачекова Г. А. Архитектурная характеристика мавзолея Ишратхона.— В кн. Мавзолей Ишратхана. Ташкент, 1958, с. 60.

<sup>106</sup> Альхамова З. А. и др. Историко-археологические изу-ченные мавзолея Юнус-Хана в Ташкенте. Труды САГУ, вып. 61, с. 187; Массон М. Е. Мавзолей Ходжа Ахмада Ясави, с. 12—13.

рангининг тиниқлиги ва равшанлиги, олтинни ҳаддан ташқари кўп ишлатилганлиги билан кишинй ҳайратда қолдиради. Бундай хусусият XIV аср охири ва XV аср бошларидағи меъморий ёдгорликларда кўплаб аниқланган<sup>107</sup>. Бу нақшлар турли шаклларда қирқилиб, маҳсус кумдонларда пиширилган. Уларга олтин ҳаллар бериш эса икки усулда бажарилган. Биринчи усулда керамикага қизиган ҳолида олтин суви юритилган. Иккинчи усулда эса органик клей ёрдамида маҳсус лента усулида қирқилган олтин ҳаллари ёпиштирилган<sup>108</sup>. Эслатиб ўтилган безаклардан ташқари маҳсус тайёрланган мармар тош тахталар ҳам деворларни қоплашга ва ҳатто уй полларига ҳам ишлатилган. Терилган гиштлар ганч қоришимаси ёрдамида мустаҳкамланган. Имарат пойдеворини ишлаб чиқиша Чўпонота тоғидан олинган тошлар ишлатилган<sup>109</sup>. Бу тошлар эса маҳсус тайёрланган қоришима (қир) ёрдамида бириттирилган<sup>110</sup>. Саройларда тош, гиштлардан ташқари, жуда кўплаб бошқа хил қурилиш ашёлари ишлатилганлигига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Лекин уларнинг барчаси саройлар хароба холига келганда бошқа қурилишлар учун ташиб кетилган, ё бўлмаса бошқа сабаблар билан йўқ бўлган. Қазиши даврида биз фақатгина жуда ҳам майдаланиб кетган (ҳатто рангини ҳам аниқлаш қийин бўлди) шиша бўлакларинингина учратдик, холос. Шуннингдек Чилустун харобаларидан кўплаб панжара бўлаклари ҳам топилган<sup>111</sup>. Бу даврларда қурилган имаратларнинг ромлари

<sup>107</sup> Гражданкина Н. С. Очерк развития облицовочной керамики в архитектуре Узбекистана с древнейших времен до начала XX в.— В кн.: Архитектурная керамика Узбекистана. Ташкент, 1968, с. 28—30.

<sup>108</sup> Гражданкина Н. С. К истории строительной техники Узбекистана.— В кн.: Архитектурная керамика Узбекистана, с. 40—42.

<sup>109</sup> Бу жуда қаттиқ тош хилларидан ҳисобланаб, ёнингарчиликда ҳамда оби ҳаво ўзгаришларига чидамли бўлиши билан бирга, бошқа тошларга нисбатан тез сийқаланиш ва уқаланиш хусусиятига эга. қ.: Шишкян В. А. Самаркандская обсерватория Улугбека.— В кн.: Из истории эпохи Улугбека. 1966, с. 211.

<sup>110</sup> Бу қориши XIV—XV асрларда қурилган имарат пойдеворларида кўп ишлатилган. Қир қоришимаси сув ўтказмаслиги билан ажралиб туради. қ.: Кабанов С. К. Руины дворца Ак-Сарай в Шахрисябзе, с. 42; Манковская Л. Ю. Новое в изучении мечети Бибиханым.— В кн.: Из истории искусства великого города. Ташкент, 1972, с. 108.

<sup>111</sup> Бу каби бўлаклар Л. И. Ремпель томонидан ўрганилиб, реконструкция қилинган. қ.: Ремпель Л. И. Панджара. Ташкент, 1957.

ўринда панжаралари бўлган. Улар кўпинча рангли ойналар билан қопланган<sup>112</sup>.

**Саройлардаги бадиий безаклар.** XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярми қурилиш ишлари юқори даражада бўлганлиги билан ажralиб туради. Бу даврда қурилган саройлар ўша давр моҳир усталари ва ҳунармандлари, наққош ва мусаввирларининг санъати билан безатилган. Афсуски, саройлар турли мавзудаги расм ва сирли кошин қопламалар билан безатилган ҳолица бизгача етиб келмаган. Фақат тарихшунос ва сайёҳлар туфайли биз бу давр боғларидағи баъзи саройлар қиёфасининг баъзи бир элементларинигина тасаввур қила оламиз. Бу борада араб тарихчиси Ибн Арабшоҳ маълумоти жуда қимматлидир. Унинг ёзишича, Самарқанд атрофидаги чорбоғлар ичидаги саройларда Эрон, Даشت қипчоқ ва Ҳиндистондаги жанг эпизодларини, шаҳарларни қамал қилиниши, шоҳга тортиқ келтириш, ов манзаралари, оммавий сайиллар акс эттирилган<sup>113</sup>.

Шарафиддин Али Яздий ҳам «Зафарнома» номли асарида Самарқанддаги Боя-Шамол саройининг деворлари ложувард зарҳаллар билан зийнатланган эди ва унга «...Монийнинг ҳунари рашик қиласиди»,— деб търифлайди<sup>114</sup>. Бобир ҳам Боя Дилкушо тўғрисида ёзиб «...ул кўшкка амирнинг Ҳиндистонда олиб борган урушлари тасвиirlанганни»ни айтади<sup>115</sup>.

Испания элчиси Клавихо ҳам XIV—XV асрдаги саройларни тасвиirlар экан, унинг хоналари олтин, ложувард ва бошқа рангли нақшлар билан безатилганлигини ажабланиб ва завқланиб баён қилган<sup>116</sup>.

Абдураззоқ Самарқандий Улуғбек қурдирган расадхона ҳақида қуйидагиларни ёзади. «...Улуғсифат иморатнинг хоналари ичидаги тўққиз фалакнинг ҳайъати юз тўққиз осмон доира шаклларини даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача чизилди ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари,

<sup>112</sup> Масалан, қаранг: Засыпкин Б. Н. Декоративно-художественные элементы мавзолея Ишрат-хана.— В кн.: Мавзолей Ишрат-хана. Ташкент, 1958, с. 103.

<sup>113</sup> Jamierlane of Timur the great Amir, Translated by L. H. Sandrs. From the Arabics fin by Ahmad ibn Arabshah, London, 1966, s. 309, 310.

<sup>114</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 289 (а) варак.

<sup>115</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>116</sup> Клавихо. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 гг., с. 234, 245, 247, 258, 261.

собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатию иқлиmlар суратларини, тоғлар, биёбонлар ва у ер куррасигача нимаики тегишли бўлса ҳаммаси билан бирга дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан чизишга буюрди»<sup>117</sup> — деб таърифлайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Улугбекнинг Боғи Майдонда қурилган иморатларининг (Чилустун ва Чиннихона) деворлари ҳам ўзига яраша ташки ва ички безакларга эга бўлган. Бундай ажойиб санъат намуналари замона зайди билан нобуд бўлган. Афсуски, саройларни бунёд этишда ўз маҳоратини ишга солган, халқ ичидан чиққан усталар — мўйқалам соҳиблари, ўймакорлар, сангтарошлар, кошинтарошлар ва бошқа хил усталар ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Автор томонидан шу саройларнинг бир нечасида олиб борилган археологик қазиши ишлари натижасида ғишт парчалари, ганч бўлаклари ва бошқалардан ташкил топган, уюмлар орасидан қачонлардир деворларни безаб турган нақш парчалари кўплаб топилди<sup>118</sup>. Биз қўйинда шу сарой харобаларида учраган безаклар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Сарой безакларини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: ички қисмнинг безаклари; ташки қисмнинг безаклари.

Саройларнинг ички қисмлари жуда ҳам бой нақш ва расмлар билан безатилганлиги археологик қазишишмалар натижасида аниқланди.

Давлатобод боғидаги саройда ўтказилган қазишишма натижасида кўпдан-кўп «шарафа» (сталактид) парчалари топилди. Уларнинг устки қисмида тўқ кўк ранг билан чизилган новдалар тасвири сақланган. Новдаларнинг барглари, юмaloқ шакллар тилла рангда тасвирланган бўлиб, у Ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган анор дарахти бўлса керак<sup>119</sup>. Топилмалар ичидан ганчдан ишланган бадий токчалар парчаси ҳам кўплаб учради. Уларда кўк ранг билан ишланган майда барглар тасвирининг изи қолган<sup>120</sup>. Бу ерда ҳам ўша даврдаги меъморий ёдгорликлардаги (Бибихоним, Ширин бек

<sup>117</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва маъмая баҳрайи. Тошкент, 1969, 278-бет.


<sup>118</sup> М. Е. Массоннинг маълумотига қараганда В. Л. Вяткин Дилкушо боғидаги сарой харобаларида қазиши ишлари ўтказган вақтида (30-йиллар) сарой деворларини безаган рангли сурат қолдиқларини учратган.

<sup>119</sup> Беленицкий А. М. Древний Пянджикент. СА. 1958, № 1, с. 208.

<sup>120</sup> Бундай ганч парчалари биз олиб борган қазишишмаларнинг барчасида учрайди.

оға, Туман оға мақбаралари сингары)<sup>121</sup> табиат манзаралари тасвирланган бўлиши мумкин.

Боги Дилкушода олиб борилган қазишмаларда ганчдан ишланган топилмалар ичида энг диққатга сазово-



12-расм. (1,2) Боги Дилкушодан топилган шарафа парчалари. (3) Боги Бўлдудан топилган геометрик нақш.

ри «шарафа» парчалари бўлиб, уларнинг юза қисми ҳам кўк ранг билан геометрик бурчаклар ичига ва ташқарисига чизилган айланасимон ҳамда сув томчисини эслатувчи шакллар билан безатилган (12-расм. 1—2)

Боги Бўлдудаги қазишмаларда ҳам шунга ўхшаш парчалар топилди. Топилган нақшли ганч парчалари нинг бирида саккиз япроқлик (медальон кўринишида)

<sup>121</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана. Ташкент, 1961, с. 323, рис. 151; Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана, рис. 280.

шакл тасавирланган бўлиб, чекка (контур) чизиқдари (қалинлиги 0,4 мм) кўк рангда берилган. Янроқлар ва марказий қисмидаги айлана шаклининг ички қисми бир оз ўйилган бўлиб, улар қизғиш ранг билан бўялган<sup>122</sup>. Бу ранг устидан олтин суви юритилган бўлса керак. Чунки унинг майда заррачаларигина сақланиб қолган (12-расм. 3). Бу шаклининг диаметри 18 сантиметр. Унинг ташқи қисмидаги ҳам геометрик бурчак сақланиб, булар эслатилган япроқли шакл билан бир композицияни ташкил этган. Бундай нақшларни бошқа мъеморий ёдгорликларда ҳам учратдик<sup>123</sup>. Бундан ташқари, бошқа хил шакллар ҳам учради. Улардан бирида олти бурчакли юлдуз (диаметри 10 см) шакли ифодаланган. Юлдузнинг асосий чекка (контур) чизиқлари бир оз ўйилган ва уларга кўк ранг берилган. Юлдузнинг бошқа қисмлари қизил рангда берилган бўлиб, ўрта қисмига пиёз пардаси каби юлқа олтиндан тайёрланган пластиналар ёпиширилган. Бу пластиналар тўртбурчак шаклида ( $1 \times 1$  см) ишланган. Бундай олти бурчакли юлдузлар бизнинг фикримизча, бир-бири билан яна бошқа хил геометрик шакллар ёрдамида боғланган ҳолда сарой деворларида ёқимли манзара тасвирини ҳосил этган бўлса керак. Бундай усулда ишланган нақшлар бошқа ёдгорликларда ҳам учрайди. Л. И. Ремпель бу усулни «кундалъ» усулиниң кўринишларидан бири деб таърифлайди<sup>124</sup>.


Ташқи қисмидаги безаклар. Геометрик шаклдаги безаклар баъзида саройларнинг ички қисмларига ҳам ишлатилган, лекин кўпроқ ташқи қисмига ишлатилган бўлиши мумкин. Бу шаклдаги нақшлар олиб борилган қазишмаларда кам учрайди (сирили ғишталар, тоштахта парчалари шулар жумласидандир). Бу топилмалар ичida Боғи Дилкушодан топилган мармар тоштахта ( $44 \times 70 \times 7$  см) қизиқарлидир. Унинг юза қисми геомет-

<sup>122</sup> Бу ранг адабиётларда «Қизил кесак» номи билан аталган бўлиб, темурийлар давридаги мъеморий ёдгорликларда кўп учрайди. қ.: Засыпкин Б. Н. Декоративно-художественные элементы мавзолея Ишратхана.—В кн.: Мавзолей Ишратхана, с 102—103.

<sup>123</sup> Бундай шакллар адабиётда «папье-маше» деб ном олган, қ.: Брагин Б. Е. и др. Материалы к отчету по исследованию росписей из папье-маше в Гур-Эмир за 1953 г. Архив комитета по охране памятников, № 409; Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана..., с. 321, рис. 150 (2).

<sup>124</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, с. 320.

рик шакаларга бўлиниб<sup>125</sup>, кесин ўйилган (13-расм). Томонлари ҳар хил кенгликда бўлган. Тўртбурчак қилиб ўйилган жойларига эса парчин кўринишдаги нақшлар жойлаштирилган. Шунга ўхшашиб нақш парчаларин Самарқанддаги қалъя ичига қурилган Кўксарой харобаларидан ҳам топилган<sup>126</sup>. Бундай тоштахталар сарой деворларининг пастки (оғирлигини назарда тутганда)



13-расм. Боги Дилкушо. Нақшинкор тоштахта.

қисмини безашда ишлатилган бўлиши мумкин, чунки биздаги топилмани ўрта қисмидаги айлана шаклидаги тешик (деворга маҳкамлаш учун мосланган бўлиши керак) шундан далолат бериб турибди<sup>127</sup>. Бундай тоштахталарни сарой деворларига маълум тартибда жойлаштириб чиқилганда ўн қирралик юлдуз шакли бўлган «гирех»<sup>128</sup> ҳосил бўлади. Гирехни яратиш усуллари ил-

<sup>125</sup> Бу ерда тоштахта юзасига биринчи навбатда чизилган чизиклар ўчирилган, чунки сангтарош хатоликка йўл қўйган бўлса керак.

<sup>126</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда времени Навои. Труды САГИ. Новая серия, вып. 31. Ташкент, 1956, с. 62.

<sup>127</sup> Бибихоним мачитидан топилган тоштахталарда ҳам буядай тешикларин кўриш мумкин.

<sup>128</sup> Гирех — тугун демакдир. Тўғри чизикларининг кесишиши натижасида шундай чигал шакллар пайдо бўладики, уни қандай ясалганини дарров белгилаш қийини. Гирехни ўзаги оддий тақрор-ланувчи шаклдан иборат.

мий адабиётларда кенг ва ҳар томонлама ёритилган<sup>129</sup>. Топилмалар ичидә ҳар хил шаклдаги майда тоштах-тачалар ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларнинг кўпчилиги Боғи Бўлду ҳамда Боғи Дилкушода топилган бўлиб, асосан учбурчак (томонлари 25 см дан), тўртбурчак ( $7 \times 7$  см), бешбурчак (томонлари ҳар хил кенгликда) шаклларда ясалган. Булар ҳақида шуни айтиш керакки, улар махсус суфачалар, фонтанлар ва шунга ўхшаш нозикроқ ерларда шакллар ясашда кенг қўлланилган бўлиши мумкин. Чунки уларни маълум тартибларда жойлаштириш натижасида ҳар хил нақшлар ҳосил қилиш қуладай бўлган.

Хатто саройларнинг полларига ҳам (баъзи жойларида) ҳар хил рангдаги махсус тайёрланган мармар тоштахталар терилган. Қазишина даврида шундай мармар тоштахта парчаларининг оқиш, кўкимтири туслаги чиқиндилари учради. Геометрик шакллар ҳосил қилишда устки қисми сирланган кичик ҳажмли гишт плиталари ҳам кўплаб ишлатилган. Бизга уларнинг оқ, феруза ранглилари учради. Улар асосан олти бурчакли (томонлари  $3,5-4$  см) бўлиб, юза қисми (феруза рангдагиси) олтин билан зарҳалланган. Кўриниши жиҳатидан Бибихоним масчинининг деворларини безашда ишлатилган олти қиррали кошинларга ўхшаб кетади<sup>130</sup>.

Юза қисми сирланган тўртбурчак ҳамда тўғри тўртбурчак шаклидаги пишиқ гиштлар бизнинг археологик қазишина ишларимизда оз миқдорда учради<sup>131</sup>. Улардан кўпчилиги Боғи Дилкушода: ( $22 \times 8,5$  см;  $4,5 \times 4,5$  см;) кўк рангли ( $17 \times 4,5$  см), феруза рангли; Боғи Бўлдуда: ( $12 \times 5$ ;  $10 \times 4,5$ ;  $15 \times 4,5$ ;  $4,5 \times 4,5$  см), кўк рангли ( $10 \times 4,5$  см), оқ рангли; Боғи Нақши жаҳонда: ( $18 \times 6$ ;  $16 \times 4,5$  см), кўк рангли ( $17 \times 9$  см), феруза рангли, Боғи Чинорда: ( $19 \times 4,7$  см), кўк рангли ( $4,7 \times 4,7$  см), оқ рангли; Боғи майдондаги Чиннихонада: ( $18 \times 6$ ;  $12,5 \times 3,5$ ;  $5 \times 3,5$  см) кўк рангли ( $21 \times 8$ ;  $17 \times 5$ ;  $12,5 \times 3,5$ ;  $3,5 \times 3,5$  см) феруза рангилари учради.

<sup>129</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, с. 220—221, 391—396.

<sup>130</sup> Уша асар, 317-бет, 149 (4) расм.

<sup>131</sup> Уларнинг камлнгига сабаб, биринчидан, бу саройдаги гиштлар ташиб кетилгани бўлса, иккинчидан, улар масжид, мадраса, мавзолейларга нисбатан саройларда кам ишлатилган бўлиши мумкин. Масалан, Давлатободдаги қазишмаларда уларни бутунлай учратмадик. Агарда бу саройларнинг тўрт томонига қурилган пештоқларни назарда тутсак, бу гиштлар саройларга кам қўлланилган дейиш мумкин. Уларда кўпроқ ўснмлик кўринишидаги нақшлар ишлатилган.

Улугбек давридаги сарой деворларини безашда асосий ўриннлардан бирини эгаллаган безаклардан бири ўйма (расм 17) нақшлар бўлиб, ундан олдинги даврларда қурилган саройларда бу хилдаги нақшларни учратмадик. Улар ҳам махсус геометрик гиреклар ҳосил қилишда асосий роль ўйнаган<sup>132</sup>.

Хусниҳат кўринишидаги безаклар (эпиграфик<sup>133</sup> нақшлар). Бу масалани ёритиш учун бизда етарли дараҷада материаллар бўлмаса ҳам, XIV—XV асрларда қурилган бошқа меъморий ёдгорликлардан олинган маълумотларга асосланган<sup>134</sup> ҳолда иш тутдик.

XIV—XV асрларда бунёд этилган боғ-саройларда ишлатилган ҳусниҳат ёзувларининг тутган ўрни бизнинг назаримизда бирмунча юқори бўлган. Бу ёзувлар (кўк ранг асосида) бошқа меъморий ёдгорликларида бўлганидек, оқ рангда берилган. Улар сарой деворларининг кўзга ташланадиган ерларига (асосан пештоқ қисмига) қопланган. Ҳарфларнинг йўғонлиги 4—4,5 сантиметр бўлиб, уларни бўйи аниқ эмас. Майда ҳарфларнинг (йўғонлиги 1—1,5 см) устки қисмига тилла суви юритилган. Эҳтимол бу саройлардаги майда ҳарфлар билан ёзилган ёзувлар кўпроқ рубоий типидаги шеърлардан иборат бўлгандир. Эслатиб ўтганимиздек саройларда кўпроқ катта ҳажмли ҳарфлар ишлатилган. Бунга сабаб бизнингча, майда ҳарфларнинг меъморлик композициясига мос эмаслигига, яъни бошқа нақшлар ичидаги кўринмай қолишида бўлса керак. Шунингдек, бошқа ёдгорликларда кўплаб учрайдиган диний сўзлар кўпинча катта ҳарфларда ёзилган<sup>135</sup>.

Боғи Бўлдудан топилган ёзувларда алиф ( ), лом ( ), дол ( ) ҳарфларини аниқ кўриш мумкин. Яна шу типидаги топилмалар ичидаги феруза ранг устидан олтин ҳаллар билан ёзилган ёзувлар ҳам кўплаб учрайди. Улар сулс ёзувида бўлиб, қалинлиги 2 миллиметр кела-

<sup>132</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана. с. 390, рис. 185.


<sup>133</sup> Эпиграфика — қадимги ёзувларни ўрганиш илми.

<sup>134</sup> Самарқанд шаҳридаги XIV—XV асрларда қурилган масжид, мадраса ва мақбара лар деворларида, уларга ҳусиқ қўшиб турган нақшлардан бири — улардаги ёзувлардир. Бундай ёзувлар саройларда ҳам кенг қўлланилган. Масалан, Шаҳрисабзаги Оқ сарой деворларини безаган ёзувлар ўзиға хос кўрки билан сарой гўзаллигини янада ортирган бўлиб, асосан диний мазмунга эга бўлган оятлар, ривоятлар, баъзида форсча байтлардан иборат: қ.: Кун А. А. Очерки Шахрисабзского бекства. Зап. Р. Г. о-ва, отдел этнографии. Ташкент, 1880, т. VI, с. 225.

<sup>135</sup> Қази Аҳмад. Трактат о каллиграфах и художниках. М.—Л., 1947, с. 71.

диган ҳарфлардан дол (ә), лом (ј) ҳарфларини аниқлаш мумкин. Бу каби ёзувлар XIV аср мъеморий ёдгорликларида кенг ишлатилган<sup>136</sup>.

Боги Дилякүшодаги сарой ҳаробаларида топилган ёзув кўринишга эга бўлган нақшлар ҳам алоҳида



14-расм. Боги Дилякүшо. Парчи (реконструкция).

урин тутади. Бу ерда ҳарфлар бизнингча нақш ўринида ишлатилган бўлиб, бошқа хил кўринишдаги нақшлар билан узвий боғланган ҳолда берилган. Унда эҳтимол Муҳаммад деган сўз ифодалангандир (14-расм). Ҳусни-хат ёзувлари ичидаги (Боги Бўлдудан топилган) «баҳт тугуни»<sup>137</sup> деб ном олган нақшлар ҳам учрайди. Бундай нақшлар мӯғуллардан олдинги даврдаги мъеморий ёдгорликларига хос бўлиб, Самарқанддаги XIV аср ёдгорликларида ҳам кенг тарқалган<sup>138</sup>. Бу хилдаги нақш-

<sup>136</sup> Шишкин В. А. Надписи в ансамбле Шахи-Зинда.— В кн.: Зодчества Узбекистана. Материалы и исследования. Вып. II. Ансамбль Шахи-Зинда. Ташкент, 1970, рис 1, 2, 12, 24.

<sup>137</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, с. 424.


<sup>138</sup> Уша асар, 424-бет, 212-расм.



15-расм. Боги Бүлдү. Парчия.

лар ҳарфларнинг ўзаро чирмашгай ҳолда берилиши натижасида ҳосил бўлган (15-расм).


Қадама гулли нақшлар (парчин). Парчин типидаги нақшлар биз олиб борган қазиш ишларида жуда кўп-



16-расм. Кошин бўлаклари:  
1. Бори Дилкушо; 2. Бори Давлатобод; 3. Бори Бўлду.

лаб топилди (16-расм). Улар жуда ҳам майда бўлакларни ташкил қиласди. Улардан бир қанчасининг дастлабки кўринишини тиклашга муваффақ бўлдик (17-расм). Бу хилдаги нақшларнинг энг кўп учраган турлари асосан тасма кўринишидаги такрорланувчи

нақшлардангина иборат бўлиб, улар гуллар кўринишига эга. Бу хилдаги нақшлар бизнингча саройларнинг ички, қор-ёмғир тегмайдиган девор қисмларинигина қоплашда ишлатилган бўлиб, кўпроқ девор гирдиларини безаб турган. Ҳар бир саройда топилган қадама гулли нақшлар ўзининг нозиклиги билан бир-биридан қолишмайди.




17-расм. Боги Давлатобод (реконструкция).

Боги Давлатобод, Боги Дилкушо ва Боги Бўлдуудаги нақшлардаги гул расмлари табиий гулларга нисбатан бирмунча умумлаштирилган тарзда берилган (18-расм). Ҳар ҳолда рассом (наққош) бу гулларни тасма шаклиниг ичига жуда моҳирлик билан жойлаштира олган.

Барча гулларга берилган асосий ранг тилла рангида бўлиб<sup>139</sup>, уларнинг ўрта қисмларига жигарранг ва кўпроқ яшил ранг берилган. Гул барглари ва новдалари ҳаво рангида, гул ғунчалари эса олтин рангида берилган бўлиб, барча гуллар биргаликда тўқ ҳаво ранг асосида (фонида) берилган. Бу ердаги кўп япроқли гуллар ва ғунчалар содда ишланишига қарамасдан, наққошнинг нозик дид билан ишлаганилигини намойиш қилиб турипти. Сарой деворларини безашда тасмасимон шаклда

<sup>139</sup> Бу ранг икки тусда (сарғиш ва қизғиш) бўлиб, бунга асоссан таг қисмига берилган сариқ ва қизил ранглар орқали эршилган.

тузилган гуллар билан бирга қўшилиб, бир комплексни ташкил қилган олти қиррали зангори (томонлари 10 см дан) ва яшил (томонлари 5, 7, 8, 10 см дан) рангли плиталардан ҳам фойдаланилган. Рангли плиталар кўпчилик ҳолда деворнинг ўрта қисмларига ишлатилган. Бу



18-расм. Боғи Дилкушо (2). Боғи Бўлду (1).

хилдаги нақшлар XIV—XV асрларда бунёд этилган<sup>140</sup> меъморий ёдгорликларда кўплаб учрайди. Бу плиталарнинг чеккаларига тўғри чизиқ ва занжирсизм он зарҳаллар берилган (19-расм). Марказий қисмидаги зарҳал билан ишланган нақшлар эса ўргимчак уяси нусхасида берилган<sup>141</sup> (19-расм 1). Бу нақшларнинг катта-кичиклиги (диаметри 4—6,5 см) ҳар хил бўлган. Қадама гуллик нақшлардан яна бир тури махсус ишланган олти учлик шаклга эга бўлган (диаметри 36 см) юлдузсимон ва беш қиррали (томонлари 26 см. дан) шакллардан иборат бўлиб улар ҳам сарой деворларини

<sup>140</sup> Засыпкин Б. Н. Вопросы изучения и реставрация ансамбля Шахи-Зинда.— В кн.: Зодчество Узбекистана. Материалы и исследования. Вып. II. Ташкент, 1970, с. 80; Филимонов В. М. Новые данные о мавзолее Кусам-ибн-Аббаса.— В кн.: Зодчество Узбекистана, с. 225—226. рис. 2.

<sup>141</sup> Бу шаклларни ясашда рассом эҳтимол фазо юлдузларидан ёки пага-пага ёғаётган қор учқуналаридан нусха олган ҳолда бу шаклларни ижод этгандир.

безашда ишлатылган. Бу хилдаги нақшлар Дилкушо боғидаги сарой харобаларида күпроқ учрайди. Бу нақшларнинг марказий қисмни беш ва олти япроқли гуллар әгаллаган. Уларда асосий күзга ташланадиган




19-расм. Боги Дилкушо (1). Боги Бўлду (2).

ранг — сарғиш туслик олтин ранг бўлиб, бошқа (яшил, кўк, оқ, қўнғир) ранглар билан биргаликда тўқ кўк ранг асосинда гавдалантирилган.

**Кошин типидаги нақшлар.** Сарой харобаларидан топилган шарафа (сталактид) парчалари ҳам бошқа хил нақшлар каби юқори санъат билан ишланган бўлиб, улардаги нақшлар асосан геометрик уч бурчаклар ҳамда ўсимлик кўринишида акс эттирилган нақшларни ташкил этади. Дилкушодан топилган шарафа парчасида оқиш рангга кўпроқ эътибор берилган. Бу ранг бошқа сарой харобаларидаги шарафа парчаларида (масалан, Боги Чинордан топилган шарафа бўлаги) ҳам такрор-

ланади. Шарафалар парчаси саройлар харобасида күп-  
лаб учрайди. Улар күпроқ саройларни безаш учунгина  
ишлатылган.

Баъзи бир тадқиқотчилар манзарали шарафалар  
Урта Осиёда XII асрнинг<sup>142</sup> охириларида пайдо бўлган



20-расм. Боғи Бўлду. Парчин (1) ва кошин (2—3) кўрининшидаги  
безаклар (реконструкция).

дейишса, баъзилари уни XIV асрда<sup>143</sup> пайдо бўлган  
дейишади.


Сарой харобаларида шарафалардан ташқари кўп-  
лаб панно бўлаклари ҳам учрайди. Шундай топилма-  
лар Боғи Бўлду харобаларида топилган паннони тик-  
лашга мусассар бўлдик. Паннонинг ҳажми  $53 \times 29$  сан-  
тиметр бўлиб (20-расм), унинг юзасида тўқ кўк ранг  
фонида тўрт, беш ва олти япроқли гуллардан ташкил  
топган гулдаста акс эттирилган бўлиб, гул япроқлари  
олтин ҳаллар билан қопланган. Гулдастадаги лолага  
ўхшаш гуллар, гул фунчалари асосан оқиш рангда, барг-  
лари эса оч ҳаво рангида берилган. Бу каби гулдасталар  
тасвири темурийлардан аввалги ёдгорликларда<sup>144</sup>, ҳо-

<sup>142</sup> Соколова Н. И. Орнаментика мазаров Туркан-ака и Ширинбек-ака. Искусство Средней Азии. М., 1930, с. 46.

<sup>143</sup> Засыпкин Б. Н. Декоративно-художественные элементы мавзолея Ишратхана.—В кн.: Мавзолей Ишратхана, с. 106.

<sup>144</sup> Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.—Л. 1950, с. 150, рис. 49—50.

зиргача сақланиб келаётган Самарқанд ва Бухородаги меъморий ёдгорликларда ҳам учрайди. Бу хил кўринишдаги гулдасталар сўнгги феодал даврларда ҳам ҳалқ санъати намуналари сифатида кенг ишлатилган<sup>145</sup>. Ҳатто бундай гулдасталар XX аср бошларидаги меъморий ёдгорликларда ҳам учрайди<sup>146</sup>. Боғи Бўлду ва Боғи Дилкушодаги қазишмаларда олти қиррали плита бўлаклари кўплаб топилди (21-расм). Уларнинг катталиклари ҳар хил бўлиб, бурчаклари орасидаги оралиқ 40—58 санти-



21-расм. Олтин қиррали плиталар марказидаги нақшлар.


метрни ташкил этади. Мазкур плиталардаги расмларни марказий қисмида юлдузсимон шакллар кўк рангда акс эттирилган бўлиб (22-расм), уларнинг учларида 3—5 япроқли гуллар тасвирланган. Расмнинг барча оқ рангли қисмлари устидан олтин ҳаллар юргизилган. Гулларнинг чекка чизиклари қизил ҳамда тўқ жигаррангда, барглари оч кўк рангда, ғунчалари эса қизил рангда берилган. Шунга ўхшаш қоплама плиталарни Шаҳрисабздаги Оқ Сарой, Самарқанддаги Бибихоним мачитининг бурчакларидаги ярим айлана устунларида ҳам учратиш мумкин<sup>147</sup>. Топилган рангли қоплама бўлакларининг кўпчилик қисмини ташкил этадиган шакллардан яна бири тасма усулида ишланган нақшлардир (23—24-расмлар). Улар орасидаги геометрик кў-

<sup>145</sup> Кверфельдт Э. К. Черты реализма в рисунках на тканях и коврах времени сефевидов. Труды отдела Востока, том III. Л., 1940, табл. VI.

<sup>146</sup> И. Ахроров бошчилигида (автор иштироқида) Бухорода олиб борилган археологик қазишмалар натижасида бу хилдаги расмлар XIV—XX асрдаги уй деворларидан кенг ўрин олганлиги аникланди.

<sup>147</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, рис. 139 (3) 149 (3).


ринишидаги нақшлар бутуилай йўқ. Нақшлар асосан, ўсимлик кўринишида, баъзида эса табний ҳолатда учрайдиган гуллардан бир оз бошқачароқ, умумлашти-




22-расм. Боги Бўлду. Олти қиррали плита (реконструкция)

рилган ҳолда чизилган. Бу тасма кўринишидаги плиталарнинг эни 7—14 сантиметр. Бу каби нақшлар Давлатободда ва Боги Дилкушода учрайди. Бу ерда акс эттирилган гуллар тўқ кўк ранг, баъзида тўқ ва оч кул ранг, сариқ рангда тасвирланган. Гуллар 3—8 япроқли бўлиб, кўпинча очилиб турган ҳолатда, оқиш рангда тасвирланган. Улар устидан эса олтин зарҳаллар берилган. Тасвирланган бу гуллар кўринишига кўра ҳар хил ҳолатда берилган. Баъзида 2—3 хил гул аралашган ҳолда учраса, баъзида бир хил гул кетма-кет қайтарилиган. Бу плиталар кўпроқ саройларнинг пештоқ қисмини, улардаги бадий токчалар ичини қоплашда ишлатилган бўлиши мумкин.

Майолика типидаги топилмалар орасида яна ўрта қисмига кўпроқ қора ранг берилган кўп қиррали юлдузсимон (Боги Бўлдудан топилган) нақшлар, шунингдек, иморатларда кўпроқ учрайдиган ярим айлана шакидаги бадий устунчаларнинг бўлаклари диққатга




23-расм. Тасма күринишидаги нақшлар:  
Давлатобод (1); Боги Даңқушо (2—3) (реконструкция).



24-расм. Тасма күринишидаги нақшлар:  
Боги Дақлатобод (1—3); Боги Даңқушо (4—7) (реконструкция).

сазовордир (25-расм 3—4). Бундай нақшлар XIV аср охиридаги меъморий ёдгорликларда кўп учрайди<sup>148</sup>.



25-расм. Боги Бўлду (1—2) ва Боги Дилкушдан (3—4) топилган парчии бўлаклари.

Шундай қилиб, биз юқорида даврлар ўтиши билан бузилиб, йўқ бўлиб кетган XIV—XV асрдаги саройлар

<sup>148</sup> К.: Манковская Л. Ю. К изучению приёмов Среднеазиатского зодчества кон. XIV в., Искусство зодчих Узбекистана, т. 1, рис. 11.

деворларини безаб турған нақш парчалари ҳақида сүз юритдик. Сарой харобаларидан топилган нақшларнинг сон-саноқсиз парчаларига ва уларнинг хилма-хил кўришишларига асосланиб, саройлар ниҳоят даражада гўзал бўлганилигини хаёлан кўз ўнгимизга келтира оламиз. XIV асрнинг охирига келиб ўз замонасига нисбатан Самарқанд шаҳрини «Шарқ гўзали»га айланиши бежиз бўлмаган. Бу даврда барча турдаги касб-хунар эгалари бу ерга тўпланишган. Уларнинг санъати саройларнинг ички ва ташки гўзал нақшларида ўз ифодасини топа олган. «Нақш —кўз учун куй»<sup>149</sup>,—деб ёзган эди Б. Веймарн. Урта Осиё халқлари ҳам жуда қадимдан бошлаб, бошқа халқлар сингари шу «куй шайдо»си бўлиб келганлар. Сарой деворларида акс эттирилган нақшлар, суратлар ҳақиқатда ҳам замона тақдирни, ижтимоий ҳаёт, тарихий воқеалар, табиат гўзлilikлари ва бошқа нарсалар ҳақида унисиз кўйлаган. Ҳақиқатдан ҳам, археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, бу саройлар жуда ҳам бой ранглар билан берилган нақшлар парда-си билан қопланган. Уларнинг ички қисмидаги расмларда кўпроқ тўқ зангори ранг ишлатилган бўлиб, асосан шу рангда манзарали<sup>150</sup> ва мевали дараҳтлар расми чизилган. Дараҳт меваларига эса олтин ҳаллар берилган. Топилган нақшлар орасида айлана кўринишида чизилган шакллар ҳам бор. Бундай шакллар XIV аср охирига мансуб бўлиб, уларни Улуғбек давридаги ёдгорликларда<sup>151</sup>, бошқа археологик қазишмаларда<sup>152</sup> ҳамда ҳозирги кунгача сақланиб келаётган меъморий ёдгорликларда ҳам кўриш мумкин. Булардан ташқари, кўп қиррали юлдузсимон шакллар ҳам учрайди. Уларнинг чекка чизиқлари зангори рангда бўлиб, ўрта қисмлари қизил кесак билан рангланиб, олтин ҳаллар берилган. Бу кундал типидаги нақшларнинг биринчи вариантлари бўлса керак.

Ёзма манбаларга қараганда саройлар ичидаги деворларга уруш манзаралари, ҳар хил шахсларнинг суратлари чизилган. Бу даврда диннинг қаршилик кўр-

<sup>149</sup> Веймарн Б. и др. Искусство арабских народов. М., 1960, с. 14.

<sup>150</sup> Манзарали суратлар Самарқанддаги Ширин бека оға, Бибихоним, Туман оға мақбараларида учрайди. қ.: Пугаченко-ва Г. А., Ремпель Л. И. Выдающегося памятники изобразительного искусства Узбекистана. Ташкент, 1958, с. 91.

<sup>151</sup> Бородина И. Ф. Интерьер зданий Самарканда времени Улугбека, СА. 1962, № 2, с. 198.

<sup>152</sup> К. Немцова Н. В. Исследования в «западном коридоре» архитектурного ансамбля Шахи-Зинда. История материальной культуры Узбекистана, вып. 5. Ташкент, 1964, с. 127.

сатишига қарамай, рассомчилек санъатига кенг йўл очилганлиги кўриниб турибди. Саройларнинг ички қисмини безашда парчин ва кошиндан ишланган нақшлар ҳам ишлатилган. Айниқса олти қиррали плиталар ва мозайкалардан ташкил топган панеллар кўп ишлатилган<sup>153</sup>.

Саройларнинг ташқи деворлари эса ўз давридаги барча бошқа типдаги иморатлардан (масжидлар, мадрасалар, мақбаралар...) фарқи катта бўлган десак хато қилмасмиз. Масалан, агар бошқа типдаги иморатларнинг асосий олди томонига катта аҳамият берилган бўлса, саройларда эса тўрт томонига катта эътибор берилган. Саройлар узоқдан гўё деворлари гиламлар билан безатилгандек кўринган. Улардаги нақшлар асосан ўсимлик кўринишидаги нақшлардан иборат бўлган. Деворларга ишланган гулларнинг тури ниҳоятда хилмажил. Санъат соҳиблари боғлардаги гуллардан шунчалик (26-расм) усталик билан андоза олганларига ниҳоятда ҳайратланасан киши.

Геометрик нақшлар сарой деворларига ишланган бу гуллик нақшлар орасида унчалик сезилмайди. Саройларда эслатиб ўтилган тасвирлардан ташқари, табиат манзаралари ҳам акс эттирилган. Саройларга нақш беришда ранг масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ишлатилган ранглар асосан табиий бўлиб, улар устарга жуда қадимдан маълум бўлган<sup>154</sup>. Бу борада Шарқ ўзининг ферузаси билан — кўп тарқалган қимматбаҳо тоши билан машҳур бўлган. Биз текширган саройларнинг ва ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган меъморий ёдгорликларнинг деворлари, гумбазлари ва бошқа қисмларига феруза рангининг берилиши бежиз эмас, албатта. Чунки феруза бахт тоши деб ном олган<sup>155</sup>.


Барча майолика, мозайкаларга ранг очиқ, тиниқ берилган. Ранглар бир-биридан яхши ажратилган. Нақшларга асосан зангори, гунафша, кўлранг, сариқ ранг, оқ ранг берилган. Кўпинча ранг устидан олтин ҳал юргизилган. Кўп ишлатилиши жиҳатидан кейинги ўринларда ҳаво ранг, жигарранг, яшил ранглари турган.

<sup>153</sup> Шу даврдаги меъморий ёдгорликларда бу хил панелларни кўплаб учратамиз. қ.: Альбатум Л. И. Панел Гур-Имира. Труды САГУ, вып. 61. Ташкент, 1953, с. 137, рис. 3.

<sup>154</sup> Масалан, юноналар эрамиздан илгари Бадахшон тогларидан ложувард топганлар. қ.: Массон М. К. Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых СССР. Труды Таджико-Памирской экспедиции, вып. XX. Л., 1934, с. 21.

<sup>155</sup> Мусин Р. Сўз магзидан ер бағрига. Тошкент, 1967, 41-бет.

XIV аср оларда XV асрда бу санъат намуналари ни яратында усталар асрлар оша узоқ давом этган таражиет жараенида вужудга келганды санъат намуналаридан андозалар олиб унга янгиликлар құшганлар. Улар яратған бу тасвирий санъатни ўтган авлодлар




26-расм. Қазиң пайтида топылған гүл нұсхалары:  
(жоғын 1—13; парчы 14—42).

яратған санъатнинг давомидир, деб айта оламиз<sup>156</sup>. Бу саройларда тасвирий санъатнинг барча намуналари ўз ифодасини топған. Жұмладан, бу давр мейманий ёдгорликларида ишлатылған нақшларда олдинги асрларға оид нақшлардан ташқары<sup>157</sup>, сирсиз ўйма нақшлардан

<sup>156</sup> Масалан: Арабларгача бўлған даврга оид Варахша саройнинг деворидаги нақшларга қаранг. Шишкін В. А. Архитектурная декорация дворца в Варахше. Труды отдела Востока, т. IV, Л., 1947, рис. 1—59.

<sup>157</sup> Давлатободдаги нақшлар орасида Л. И. Ремпельниң аниклашича, янги хиллары учрайди.

ҳам кенг фойдаланилганлиги аниқланди. Бу ўзгариш айниңса Улуғбек даврида яққол сезилади. Улуғбек қурдирган Чиннихонада ишлатилган Хитойдан олиб келинган чинни тахтачалар XV аср учун янгилик бўлса, унда ишлатилган сирсиз ўйма нақшлар янгилик эмас (27-расм). Бундай ўйма нашқларнинг ишлатилиши,—



27-расм. Чиннихона. Ўймакор нақшлар.

деб ёзади санъатшунос олим Л. И. Ремпель — усталарнинг эски ерлик услубларни тиклашга ҳаракат қилгандикларини кўрсатади». Умуман олганда, Улуғбек давридаги саройларга ишлатилган нақшлар бизнинг сезишимизча, XIV аср охирларида ишлатилган нақшларга нисбатан бирмунча нафисроқ кўринишга эга<sup>158</sup>. Баъзилар эса Улуғбек давридаги майолика олдингилардан фарқ қилиб, расмлари йирикроқ ва ранглари чегараланган деган хulosага келганлар<sup>159</sup>. Шундай қилиб, бу нақш санъатини яратишда XIV аср охирларига келиб яхши натижаларга эришилди. Ранглар йигиндиси ва композицияси жиҳатидан саройлардаги майолика шудавларда қурилган бошқа турдаги меъморий ёдгор-

<sup>158</sup> Археология институтининг ходими Ш. Тошхўжаев ҳам ўз текширишларида XIV аср охирда қурилган ёдгорликлардаги нақшлар Улуғбек давридагига нисбатан қўполроқ бўлган деган фикрни айтади.

<sup>159</sup> Джакангиров В. Н., Засыпкин Б. Н. Исследование мавзолея приписываемого астроному Казы-Заде Руми.—В кн.: Архитектура республик Средней Азии, с. 266

ликлардаги (масалан, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Туркис-  
тондаги Аҳмад Яссавий мақбараси, Самарқанддаги  
Бибихоним масжиди, Гўр Амир, Туман оға, Ширин  
бека оға мақбаралари ва бошқалар) майоликалар билан бир қаторда туради<sup>160</sup>. Умуман олганда, меъморий ёдгорликларни нақшлар билан безашда олдинги даврларда ёк яхши натижаларга эришилган<sup>161</sup> бўлса-да, лекин XIV аср охири ва XV асрларга келиб янада олдинга қараб силжиш сезилади. «Бу даврда Ўрта Осиёning бу санъатига Хитой ва Эрон усталарининг таъсири бўлган,— деб ёзди санъатшунос олим профессор Л. И. Ремпель,— лекин,— деб давом этади олим,— умуман олганда, Ўрта Осиё санъати асрлар давомида ўсib шаклланиб келган санъат чегарасидан ташқарига чиқмаган. У ҳаёт тала-  
бига бўйсунган ҳолда янада тараққий этган»<sup>162</sup>. Бу тараққиёт натижасида халқлар яратган бу ажойиб нақш санъатининг классик усуллари ҳозирги давр меъморчилигидан ҳам кенг ўрин олган<sup>163</sup>.

**Усталар ҳақида.** Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, бу боғ-саройларни бунёд этишда кўплаб ҳар хил касбдаги усталар қатнашган. Лекин уларнинг номлари бизгача етиб келмаган. Аммо бошқа типдаги қурилишларда қатнашган, ерлик халқлар ичидан етишиб-чиққан ва чет эллардан келган баъзи бир усталарнинг номлари бизгача етиб келган.

XIV—XV асрларда яшаб ижод этган моҳир мусави-  
вирлардан бирининг номи тарих саҳифаларида сақла-  
ниб қолган. Унинг номи Пир Аҳмад Боғи Шамолийдир.  
Боғи Шамолий, бу устага берилган таҳаллус бўлиб,  
санъатшунос олимларнинг айтишига қараганда, бу тахаллусни уста Самарқанддаги Боғи Шамол чорбогидаги қаср деворларини нақшлар билан безагандан кейин олган экан<sup>164</sup>.

<sup>160</sup> Полупанов С. П. Архитектурные памятники Самарканда, рис. 80, 83—85, 92, 94—95; Манковская Л. Ю. К изучению приемов Среднеазиатского зодчества кон. XIV в.—В кн.: Искусство зодчих Узбекистана, том I, с. 117.

<sup>161</sup> Греков Б. Д., Якубовский А. Ю. Золотая Орда и ее падение. М.—Л., 1950, с. 150, рис. 49—50; Веймарн Б. В. Изучение орнамента Хивы XIV—XVI вв. КСИИМК, вып. 28. 1949, с. 111—112, рис. 32.

<sup>162</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, с. 325.

<sup>163</sup> Джакангиров В. А., Хасанов Д. В. Архитектура УзССР.—В кн.: Архитектура республик Средней Азии, с. 33—36, 45.

<sup>164</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана, с. 293.

М. Е. Массон томонидан XIV—XV асрлардаги мөъморий ёдгорликларнинг үрганилиши натижасида, олим ўша замонда яшаб ижод этган усталар номини аниқлашга муссар бўлган. Самарқанддаги Шоди Зинда ансамблидаги Хожи Аҳмад мақбарасидаги Фаҳри Али<sup>165</sup>, шу ансамблдаги Шоди мулк-ака мақбарасидаги Бареддин<sup>166</sup>, Туркманистондаги Хожи Аҳмад Яссавий мақбарасидаги шерозлик Ҳасан Ҳожи<sup>167</sup>, Шаҳрисабздаги Оқ саройда кошинтарош табризлик уста Муҳаммад Юсуф<sup>168</sup> номлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари, исфаҳонлик наққош Муҳаммад бин Маҳмуд Исфаҳоний, табризлик мўйқалам соҳиби ҳамда наққош Шайх бин Муҳаммад Хожи Бендкорий, исфаҳонлик уста Исмоил бин Тоҳир ва шерозлик наққош уста Юсуф каби кишиларнинг номлари бизга маълум<sup>169</sup>. Қуриниб турибдики, бу қурилишларда ерлик усталар билан бир қаторда хорижий мамлакатлардан келган усталар ҳам қатнашганлар.

Ўрта Осиёдаги қурилиш ишларида чет эллик усталарнинг қатнашганликлари XIV—XV асрлардагина эмас, балки жуда қадимдан бошланганлиги маълум<sup>170</sup>. Лекин уларнинг номлари ёзма ва бошқа манбаларда кам кўрсатилган ёки бизгача етиб келмаган. Худди шунингдек, ерлик усталарнинг номлари ҳам кам сақланган. Уларнинг номлари ва қилган ишлари тарих саҳифаларида кам учрашига қарамай, биз ишонч билан айта оламизки, боғ-саройларни бунёд қилишда қатнашган усталар Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиқсан халқ усталари бўлишган. Улар чет эллик усталар билан ҳамкорликда иш олиб борганлар. Лекин юқоридаги саҳифаларда эслатиб ўтганимиздек, барча қурилиш ишлари, Ўрта Осиё шароити талабидан четга чиқмаган, ҳамда ерлик қадимий анъаналардан намуналар олган ҳолда олиб борилган. Шунингдек, асосий иш бошқарув-

<sup>165</sup> Известия ТОРГО. XVII. Ташкент, 1924, с. 154.

<sup>166</sup> Материалы по истории и теории архитектуры Узбекистана, вып. I. М., 1950, с. 26—51.

<sup>167</sup> Массон М. Е. Мавзолей Ходжа Ахмада Ясеви, с. 4—6.

<sup>168</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана, с. 293.

<sup>169</sup> Булатов М. С. Зодчий и эпоха. Общественные науки в Узбекистане, 1969, № 8—9, с. 24.

<sup>170</sup> Семёнов А. А. Материальные памятники Иранской культуры в Средней Азии. Госиздат при СНК Таджикской ССР, Стalinabad, 1944, с. 9; Гафуров Б. Г. Исторические связи Средней Азии со странами арабского Востока. XXVI международный конгресс Востоковедов М., 1963, с. 1, 6.

чилар ерлик усталар бўлганлар. Чет эл усталари<sup>171</sup> қурилишлардаги баъзи бир элементларни бойитишдаги у ёки бу маслаҳатлари билан қатнашганлар. Самарқанддаги боғ-саройларни бунёд қилишда қатнашгани мўйқалам соҳиби Пир-Аҳмад Бони Шамолий<sup>172</sup> билан биргаликда, юқорида номлари зикр этилган усталар ҳам қатнашган бўлиши ҳақиқатдан ҳоли эмас. Улар ўз замонасининг машҳур усталари бўлишган. Шунингдек, уларнинг орасида кўплаб устачилик илмларини етук згаллаган «универсал» усталар бўлганларига шубҳа қилмаймиз. Бу ўринда XIX асрда ёзилган қуйидаги шеър жуда ўринлидир.

Хирадманду наққошу нажжар ҳам,  
Бино танхандозу меъмор ҳам<sup>173</sup>.

**Боғчилик режалари.** Боғлар ҳақида ёзма манбаларда жуда оз маълумотлар сақланган. Санъатнинг бу тури қадим замонлардан бўён маълум эканлигига ҳеч шубҳа қилинмаса ҳам бўлади<sup>174</sup>. Унинг ҳақида қадимги халқ достонларида<sup>175</sup> ҳам куйланиб келинган. Бу борада жаҳон халқлари (айниқса баъзи бир Шарқий ва Узоқ Шарқ<sup>176</sup> ва Фарбий Европа<sup>177</sup> давлатлари) асрлар оша маълум даражада муваффақиятларга эришиб келганлар. Боғлар яратишида қадимдан икки хил усул бўлган:

1. Геометрик шаклдан ташкил топган тартибли боғлар. Бу хил боғларни инсон ўзи истаган (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, кўп бурчак ва ҳ. к.) шаклида яратган.

2. Табиат хушманзаралари асосида ташкил топган боғлар табиий манзарага баъзи бир тузатишлар кири tilgan ҳолда барпо қилинган.

<sup>171</sup> Чет эллик усталар эҳтимол қурилиш ишларидан ўрта осиёлик усталардан юқори даражада турган тақдирларидан ҳам, Ўрта Осиё шароитидаги қурилишларда асосий роль ўйнай олмагандар. Чунки улар ўз туғилиб ўсан ерларнагина мос қурилишларни яхши билишган.

<sup>172</sup> L. Binyon, J. V. Wilkinson, B. Gray. Persian miniature Painting, London, 1933, p. 185.

<sup>173</sup> Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1964, 96-бет.

<sup>174</sup> Қадимдан бошлаб боғчилик санъатига бўлган ҳавас юқори аристократия орасида кепг тарқалган. Масалан, Фарбий мамлакатларда боғ барпо этишга илож бўлмаган тақдирда ҳам шунга интилишган. Ҳатто катта кемалар ичидаги сунъий равишда боғлар барпо этилган, қ.: Архитектура античного мира. М., 1940, с. 203.

<sup>175</sup> Масалан, қ.: Низами. Пять поэм (перевод с фарси). М., 1968, с. 381—382.

<sup>176</sup> Всеобщая история искусства, том II. М., 1961, с. 340, 405: 462.

<sup>177</sup> Максимов М. И. Античные архитектурные сады Италии. СА. VII, 1941, с. 199—219.

Геометрик шаклдан иборат бўлган тартибли боғлар қадимдан маълум бўлган. Масалан, Мисрда мелоддан илгари XV асрдаги Фива шаҳри саркардасининг боғи шундай боғлардан бўлган<sup>178</sup>. Иккинчи хил кўринишдаги боғлар ҳам қадимдан маълум бўлиб, Хитойдаги боғлар айниқса машҳур бўлган<sup>179</sup>. Мелоддан аввалги VII—VI асрларда барпо қилинган Вавилониянинг муаллақ боғлари айниқса тилларда достон бўлган<sup>180</sup>. Бу хилдаги боғлар Грузия ерларида ҳам кенг тарқалган<sup>181</sup>. Ўрта Осиё территориясида ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, бу хилдаги боғлар жуда қадимдан мавжуд бўлган<sup>182</sup>. «Ўрта Осиёда,—деб ёзди, профессор Г. А. Пугаченкова,—боғ ва парклар, меъморчilik санъатининг бир қисми тариқасида қадимий ва чуқур маҳаллий анъаналарга эга... Халқлар бу анъаналарни ўз турмушидаги эҳтиётлаб сақлаб келганлар»<sup>183</sup>. Ўрта Осиёнинг моддий маданиятини ифодаловчи тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, ҳақиқатда ҳам санъатининг бу турининг илдизлари жуда қадимдан бошланганлигининг гувоҳи бўламиз. Мелоддан аввалги II асрларда Парфия давлатининг подшоҳлари ўзлари учун саройлар қурдириб, унинг атрофини боғлар ва сув ҳавзалари билан ўраганлар<sup>184</sup>. Шунингдек, боғчilik санъатининг қадим даврлардан кенг тарқалганлигининг гувоҳи сифатида археологик қазишималар натижасида олинган бой маълумотларни келтириш мумкин. Шулардан бирида, масалан, Хоразмдаги Тупроққалъя (эрэмизнинг I—III асрлари) деворларига ишланган суратларда этакларига узум ва шафтоли тेरаётган хотин-қизлар, уларнинг тепасида эса осилиб турган узум гужумлари, шунингдек новдалардан тўқилган шийпонча акс эттирилганини кўрамиз<sup>185</sup>. VII—

<sup>178</sup> Большая советская энциклопедия, том 37. с. 53.

<sup>179</sup> Уша жойда.

<sup>180</sup> Вавилониянинг муаллақ боғлари. «Фан ва турмуш», 1969, 3-сон, 36—37-бетлар.

<sup>181</sup> Георгберидзе Д. И. Садово-парковое искусство Грузии (автореферат). Сухуми, 1964.

<sup>182</sup> Ўрта Осиё ерларида, масалан, Хоразмда мелоддан аввалги I минг йилликда сугориш системаларининг кенг тараққий этганлиги фикримизга далил бўла олади. К.: Гайдукевич В. Ф. К истории древнего земледелия в Средней Азии. Вестник древней истории, 1948, № 3, с. 195.

<sup>183</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии, с. 144.

<sup>184</sup> Всеобщая история архитектуры, том VIII. М., 1970, с. 353.

<sup>185</sup> Заславская Ф. А. Богиня плодородия в коропластике Афрасиаба Кушанского времени. История материальной культуры Узбекистана, вып. I. Ташкент, 1959, с. 46.

VIII ва кейинги асрларда Сүфд ерларида айниқса бօғдорчилик ривожланган<sup>186</sup>. Мұғ тоғидан топилған ёзма хужжатлар орасыда Сүфд ерларида (VII—VIII асрлар) дам олишга мұлжалланған парклар бұлғанлиги ҳақида гап боради<sup>187</sup>. Наршахийнинг ёзишича, Бухоро шаҳрида (Х асрда) ҳам чиройли чорбоғлар<sup>188</sup> бўлиб, бу чорбоғларда экилган садақайрағочлар шундай бир тарзда ҷодир шаклини олган эдики, сарҳовуз лабидаги дам оладиган жойга шарқ томондан ҳам, гарб томондан ҳам заррача күёш тушмас эди. Бу чорбоғларда нашвоти, бодом, ёнғоқ, гилос, жилон жийда ва анбар бўйли мевалар ғоятда яхши ва гўзал тарзда ўтказилған эди<sup>189</sup>. Бу даврларда Самарқандда ҳамда унинг атрофларида ҳам узум етишириш ва уни четга чиқариш кенг авж олган. Ундан ташқари, Кеш, Насаф, Ахсикент шаҳарларида ҳам кўплаб боғлар бўлған<sup>190</sup>. Бу даврларда боғлар шунчалик кўп бўлғанки, Ал-Истаҳрийнинг айтишича, Усрушона ерларида меваларни молларга едиришган<sup>191</sup>. XIV—XV асрларга келиб боғчилик санъатига кенг ўрин берилғанлиги ёзма манбалардан маълум. Қадимги боғлар ҳақида тўла фикр юритаолмасак ҳам, ҳар ҳолда олдинги боғлар ҳам XIV—XV асрдаги қаби қиёғага эга бўлған, деган фикрни айта оламиз. Чунки ҳалқларнинг асрлар оша ўз авлодлари томонидан яратилған санъат намуналарини ардоқлаган ҳолда уни ўз кундалик турмушига тадбиқ этиши шу фикрга олиб

<sup>186</sup> Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев против арабских завоевателей в первой половине VIII в. Душанбе, 1961, с. 40—41.

<sup>187</sup> Согдийские документы с горы Муг, вып. II. М., 1962, с. 184—185; вып. III. М., 1963, с. 97.

<sup>188</sup> Чорбоғ — буни тўрт томони боғ деб тушуниш керак. Бундан боғ тўртбурчак экан, деган маъно келиб чиқмайди. Бу сўз ҳақида адабиётларда баъзи бир фикрлар келтирилған. Масалан, В. В. Бартольд «чор боғ» деб саройнинг ҳамма томонини ўраган боққа айтлишини, Г. А. Пугаченкова эса бу сўзни тўрт қисмдан (четырхчленный) иборат бўлған боғ деб тушунириди. қ.: Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство..., с. 152; Шунингдек, Е. А. Давидович ҳам бу сўз ҳақида ёзган: қ.: Давидович Е. А. По поводу термина «Чарбаг» в работе П. П. Иванова «Хозяйство джуйбарских шейхов». К истории феодального землевладения в Средней Азии XVI—XVII вв. М.—Л., 1954, Извести АН Тадж. ССР. Стalinabad, 1960, с. 143—144.

<sup>189</sup> Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 31-бет.

<sup>190</sup> Извлечение из книги «Пути и страны» Абуль-Касыма ибн Каукаля (перевод Е. К. Бетгер). Труды. Археология Средней Азии, IV, вып. CXI. Ташкент, 1957, с. 18—25.

<sup>191</sup> Негматов Н. Усрушана в древности и раннем средневековье. Душанбе, 1957, с. 89.

келади. Биз құйнда Самарқанддаги (XIV—XV аср) боғлар қандай бұлғанлиги тұғрисида илмий текширишларга асосланған ҳолда үз фикримизни баён қылмоқчимиз. Езма манбалардан маълум бұлишича, XIV—XV асрлардаги боғлар ниҳоятда кенг бўлиб<sup>192</sup>, юқорида қайд қилинган геометрик ва табиий кўринишдаги боғлардан иборат бўлган. Шуни эслатиб ўтиш керакки, XIV—XV асрларда Самарқандда яратилган боғлар бирданига пайдо бўлмаган. Самарқанд пойтахт деб эълон қилинган даврда, шаҳар қиёфаси ниҳоятда гўзал бўлган. Айниқса унинг атрофида жойлашган боғлар, ов қилишга жуда қулай бўлган табиий ўрмонзорлар кўп бўлган. Щунинг учун ҳам шу даврда яратилган дастлабки боғлар, олдин мавжуд бўлган боғлар ўрнида пайдо бўлган деб айта оламиз. М. Е. Массон ҳам үз текширишларида 12 та эски боғларни қўшиш натижасида Дилкушо боғи бунёдга келтирилганлигини айтиб ўтган<sup>193</sup>.

Умуман бу боғлар эски боғлар ўрнида яратилган бўлса-да, давр талабига жавоб бера оладиган ҳолдаги тартиблар асосида қайта ишланған. Режадан ташқарида турган дараҳтлар олиб ташланиб, керак ерларга янги турдаги ёш ниҳоллар ўтказилган. Ариқлар ўтказилиб, сув ҳавзалари бунёд этилган. Натижада 1—2 йил ичидаётк янгича кўринишдаги боғлар бунёдга келганди. Боғларнинг марказига қурилган бинолар ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, чордара типида бўлиб, бор ҳуснини очишда катта ўрин эгаллаган. Бу саройларнинг кўпчилиги енгил типдаги қурилмалар бўлиб, улар асосан ёз ойлари учун оғир типда қурилган баъзи бир саройлар эса йил давомида хон ва унга яқин кишиларнинг дам олиши учун мўлжалланған. Бизгача кўпчилик енгил типдаги қурилмаларнинг етиб келмаганлининг асосий сабабларидан бири уларнинг тезда бузилиб кетганингидир.

XIV—XV асрлардаги бу боғлар чорбоғ тартибида яратилган бўлиб, икки хил, яъни геометрик ва пейзаж кўринишга эга эканлигини кўрамиз. Биринчи хил кўринишдаги боғларга асосан қуйидаги боғларни киритиш мумкин: Боғи Бўлду, Боғи Дилкушо, Боғи Давлатобод,

<sup>192</sup> XV асрда барпо қилинган Тахти Қорачадаги боғ тұғрисидаги латифада айтилишича, боғда йўқолиб қолған бир отни олти ойдан кейин топишганимиш. Бартольд В. В. Т. II. Часть. 2. М., 1964, с. 61.

<sup>193</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии..., с. 150.

Боги Шамол, Боги Бéхишт, Боги Амирзода-Шохрух, Боги Ноу. Иккинчи хилдаги боғларга эса: Боги Жаҳоннамо, Боги Майдон, Боги Нақши жаҳон, Боги Чинор, Боги Баланд кирган.

Биринчи типдаги боғлар асосан, унчалик муракқаб бўлмаган геометрик шаклга эга бўлган (тўртбурчак, тўғри тўртбурчак). Майдони ўртача ҳисобда (тўртбурчак бўлганлари) бўйига ҳам, энига ҳам 1 километр масофани ташкил қилган. Ҳар бир борнинг тузилиши ҳақида фақатнина ёзма манбаларга суняган ҳолдагина фикр юритамиз<sup>194</sup>. Клавихонинг берган маълумотларидан маълум бўлишича, Давлатобод боғи пахса девор билан ўралган бўлиб, унинг айланасига узунлиги бир лигадан<sup>195</sup> кўпроқ бўлган. Боғда лимон ва цитрон дарахтлар ва олтита ҳовуз бўлиб, борганинг ўртасидан канал кесиб ўтган. Бир ҳовуздан иккинчи ҳовузгacha бўлган оралиққа йўллар ўтказилган бўлиб, икки тарафида соя берадиган дарахтлар бўлган. Бу йўллардан ён томонларга қараб яна йўллар ўтган бўлиб, ўз навбатида улар бошқа йўлларга қўшилган. Қисқаси, бу йўллардан юриб боғнинг ҳамма қисмларини кўришга имконият бўлган<sup>196</sup>.

Клавихо бошқа боғлар ҳақида ёзиб, уларнинг кириш дарвозалари баланд ва ҳашаматли эканлигини, Боги Ноу эса тўртбурчак шаклида бўлиб, баланд деворлар билан ўралганини, ҳар бурчагида баланд миноралар бўлганлигини таъкидлаб ўтади<sup>197</sup>. Шарафиддин Али Яздий Боги Дилкушо ҳақида қўйидаги маълумотларни беради. «799 ҳижрий йили (куз фаслида), Конигил мавзига Боги Эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонидан кўра шодлантирадиганроқ бир қаср қуришга буйруқ берилди... (Боғнинг) ҳар томонининг оралиғи 1500 газ<sup>198</sup>..., ҳар томонининг ўртасига дарвоза Қур-

<sup>194</sup> XIV—XV асрларда боғ бўлган ерларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам боғлигича қолган, лекин кўрининши тамоман ўзгариб кетган, баъзи боғларнинг ўринида эса, Самарқанд шаҳрининг майдони кенгайтирилиши натижасида янги типдаги иморатлар қад кўтарган.

<sup>195</sup> I лига — 4 километр.


<sup>196</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 244, 245.

<sup>197</sup> Уша асар, 247, 257, 261-бетлар.

<sup>198</sup> Газ (газ, гяз) — бу узунлик бирлиги аниқ ўлчамга эга бўлмай, адабиётларда 60—70 сантиметр атрофларида бўлганлиги қайд қилинади. қ.: Хинц В. Мусульманские меры и весы с переводом в матрическую систему. М., 1970, с. 63. Пугаченкова Г. А. Архитектурные заметки. Искусство зодчих Узбекистана. Том I. Ташкент, 1962.

дирилди... Бөғни ичига чор бурчак, олти бурчак, уч бурчакли қилиб гулзорлар тайёрлатди...<sup>199</sup>

Археологик текширишлар натижасида И. А. Сухарев томонидан (1935) Давлатобод боғи атрофини ўраган деворлар ва ундаги баъзи бир ариқ излари ва ҳовузлар ўрни аниқланган<sup>200</sup>. Автор томонидан олиб борилган текширишларда эса (олдинги бобларда тўхталиб ўтилган) Давлатобод боғи планда тўғри тўртбурчак шакли-



28-расм. Давлатобод ва Диљкушо боғларининг плани.

да, Бөғи Бўлду ва Бөғи Диљкушо эса тўртбурчак шаклида бўлганлиги аниқланди (28-расм). Иккинчи типдаги боғлар биринчи типдаги боғлардан ўзининг манзарали бўлиши билан фарқ қилган. Бундай ҳолларда бизнинг фикримизча, боғ шакли истаган кўринишга эга бўлиши мумкин, лекин ундаги сарой борнинг ўртасида бўлган. 1398 йилда Тахти Қорачадаги боғни қуришда довондан оқиб тушган сувлардан фойдаланилган<sup>201</sup>. Бу боғнинг ўрни ҳақиқатдан ҳам манзарали жойда бўлиб, жануб тарафидаги тоғ тизмалари унинг ҳуснига ҳусн қўшган. Табиий шароитига кўра боғ шаршарали (поғонасимон) сувларга бой бўлган. Бундай поғонасимон тузилиш Бөғи Майдонда ҳам мавжудлиги археологик текширишларда

<sup>199</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома, 293 б, 194 а, 453 а варақ.

<sup>200</sup> Сухарев И. А. Сад-дворец Тимура, с. 5.

<sup>201</sup> Бартольд В. В. Том II. Часть 2. М., 1964, с. 61.

аниқланган. Бу ерда ҳам бөгнинг шимолий шарқ томонидаги Чўпонота тоғи бօғ манзарасига табиий ҳусн кўшган. Бу боғда ҳам шаршали сувлар кўп бўлган. Бօғи Нақши жаҳон, Бօғи Чинор ҳам ўзларининг жойлашиш ўринларига кўра юқоридаги сифатларга эга бўлган. Уларнинг майдонини кесиб ўтган оқар сувлар, паст-баланд ерлар ўша вақтда ҳам ҳозирги кўринишга эга бўлган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу боғларда балки биринчи типдаги бօғлар сингри геометрик чизиқларни ташкил қилувчи йўллар ва уч, тўрт, олти бурчакли гулзорлар бўлмагандир. Бизнингча, бу типдаги бօғлар кўринишидан миниатюраларда тасвирланган бօғ кўринишига эга бўлган, яъни ундан илон изи бўлиб оқувчи ариқ сувлари, шунга яраша гулзорлар ва гуллар ўзгача ҳусн кашф этган.

XIV—XV асрларга оид боғчилик санъатини ўрганар эканмиз, бенхтиёр, марказий қисмида Чордара кўринишидаги иморати бўлган чорбоғлар Ўрта Осиёда қачондан пайдо бўлган, деган саволнинг туғилиши табиий бир ҳолдир. Тартибли бօғларнинг энг қадимгилари Миср фароонлари<sup>202</sup>, шунингдек Римдаги<sup>203</sup> ҳоким синфлар барпо эттирган бօғлардир. Ўрта Осиё ерларида ҳам ҳеч шубҳа йўқки, қадим-қадимларда бօғлар барпо қилинган. Ўрта Осиёда, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ерларида эрамиздан аввалги VI—IV асрларда йирик-йирик сув иншоотлари, каналлар қазиш ишлари олиб борилганилиги археологик маълумотлардан аниқланди<sup>204</sup>. Йирик каналлар қазиш эса, албатта, экин экиш, шунингдек бօғлар барпо этиш мақсадида амалга оширилган бўлса керак. Лекин олдинги бօғлар қайси кўринишида (тартиблими ёки манзаралими) бўлганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмасмиз. Шунингдек, «чорбоғ» ҳамда уларнинг ўртасида «чордара» типида қурилган уйлари бўлган бօғлар ҳақида, яъни улар қайси даврдан бошлаб пайдо бўлганлиги ҳақида ҳам аниқ маълумотга эга эмасмиз. Бу типдаги бօғлар ҳақидаги (Ўрта Осиё шароитида) дастлабки маълумотлар X—XI асрларга оид бўлган тарихий манбаларда учрайди. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» номли асарида Бухоро шаҳридаги чиройли чорбоғлар ҳақида қисқа маълумотлар берилган<sup>205</sup>. XI асрда яшаб ўтган тарихчи Бейхакий Нишонпурда бир одами уч томони бօғ билан ўралган яхшиги-

<sup>202</sup> Всеобщая история архитектуры, М., том I, 1970, с. 100.

<sup>203</sup> Архитектура античного мира, М., 1940, с. 205.

<sup>204</sup> История СССР, том I. Ташкент, 1967, с. 60—65.

<sup>205</sup> Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1966, 31-бет.

на уйи бўлгани ҳолда, у одам яна тўрт тарафи боғ билан ўралган уй сотиб олмоқ бўлганлиги ҳақида ёзади<sup>206</sup>. Умуман X—XII асрларга оид бўлган манбаларда чорбоғлар ҳақида гап борса-да, фақат уларнинг номлари ва мадҳ этувчи жумлаларгина берилган, холос.

Хоразм экспедициясининг археологик текширишлари биз учун зарур ва қимматли маълумотлар берди. Жумладан, шу ишнинг натижасида қадимги боғлар (XII—XIII аср) ўрни аниқланган. Бу боғлар унчалик катта бўлмай, кўпчилиги тўртбурчак шаклида бўлиб, пахса девор билан ўралган<sup>207</sup>. Масалан, Оқ қалъя ёнидаги боғни<sup>208</sup> олсак, уни эгаллаган майдони  $210 \times 220$  метрдир. Боғ пахса девор билан ўралган бўлиб, ички қисми 16 та кичик тўртбурчакларга ажратилган. Улар ўз навбатида майда бўлакларга бўлинган. Боғдан ўтган асосий йўл боғ ўртасида жойлашган тўртбурчак шаклдаги ( $12 \times 12$  м) ҳовузга олиб борган. Шундай қилиб, биз Хоразмда чорбоғ типидаги боғларни кўрамиз, уларнинг марказида саройлар эмас, балки сув ҳавзалари жойлашган.

Тарихий манбаларда фақат XIV—XV асрларга оид боғларгина бошқа даврларга нисбатан тўлароқ ёритилган. Бу даврга келиб, бу санъат ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилганлигини кўрамиз. Яратилган боғлар ва уларга мос ҳолда қурилган бинолар ўз хусни ва баркамоллиги билан халқимиз санъатини жаҳонга кўз-кўз қила оларлик даражада бунёд қилинган. Кейинги асрларда ҳам бу санъат ўз қадрини йўқотмаган. Уларнинг умумий кўриниши ўзгармаган ҳолда, гўзаллиги янада ортиб борган. Ўрта Осиё шароитини яхши билган Бобир ҳам шу санъатнинг шайдоларидан бирин бўлиб, ўз ватанида амалга ошира олмаган орзуларини ўзга мамлакатларда амалга оширган. Жумладан, у Хиндистонда ватанидаги каби тартибли боғлар барпо этишга киришган. У яратган боғларидан бирига ҳиндлар «Қобули» деб ном берганлар<sup>209</sup>. Бобир буйруғи билан меҳнаткаш халқ яратган боғлар тўғрисида биз тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Лекин бу боғлар тартибли боғлар эканлигига шубҳаланмасак ҳам бўлади. У Қобулдаги Бори Вафо ҳақида ёзив, уни баланд ерга жойлашганлигини, шунингдек боғнинг ўртасида тепа-

<sup>206</sup> Абу-л-фазл Бейхаки. История Масъуда 1034—1041 г., 2-ое издание. М., 1969, с. 740.

<sup>207</sup> Орлов М. А. Памятники садово-паркового искусства средневекового Хорезма..., рис. 12, 13, 14.

<sup>208</sup> Уша асар, 165-бетдаги 14 расм.

<sup>209</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство..., с. 149.

лик бўлиб, унда тўрт гулзор барпо этилганлигини эслатади<sup>210</sup>. Бобир даврида яратилған боғлар мўйқалам соҳиблари томонидан яратилган тасвирий санъат (миниатюра) намуналарида ўз аксини топган. Шундай асарлардан бирида Бобирнинг Қобул яқинидаги ўз боғида ариқ ўтказилишини кузатаётган пайти акс этирилган (29-расм). Бу расмга диққат билан қаралса, унда акс этирилган боғ тартибли боғлардан эканлигини кўриш мумкин. Боғ тўртбурчак бўлиб, унинг тўрт томонида ҳашаматли дарвозалар борлиги сезилиб турипти<sup>211</sup>. Бу тасвирий санъат асарлари қанчалик содда кўринишда бўлмасин ва Бобирнинг ёзиг қолдирган эсадаликлари қанчалик қисқа бўлмасин, биз учун қимматлидир. Шу қисқа жумлаларнинг ўзиёқ бизга Самарқанддаги XIV—XV асрларда яратилган боғлар тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтиришга ёрдам беради. Самарқанддаги XIV—XV асрлардаги боғлари тартибida барпо этилган боғлардан бири — Ҳиротдаги Боги Сафидир. Бундаги боғ ўртасига қурилган Тарабхона номли сарой ҳам хоссимон шаклда қурилган бўлиб, хона деворларидан жанг тасвиirlари акс этирилган<sup>212</sup>. Шунингдек, Аградаги Тож-Маҳал мақбараси жойлашган боғ (XVII аср) ҳам ўзининг тузилиши билан XIV—XV асрлардаги Самарқанддаги тартибли боғларини эслатади<sup>213</sup>. Бу каби боғлар кейинги асрларда Ўрта Осиё ерларида кўплаб барпо этилганлиги маълум, лекин улар олдингилари каби шуҳрат қозона олмаган. Улар ҳам асосан олдинги традициялар асосида барпо қилинган бўлиб, ўзларига янги элементлар қўша олмаганлар. Масалан, Хива хонлари томонидан барпо қилинган XIX аср) боғлардан Хонободдаги боғни олсак, ҳажми жиҳатдан (1×1 км) XIV—XV асрлардаги Самарқанд боғларидан қолишмайди. Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек, унда геометрик шаклга асосланган ҳолда йўллар ва ҳовузлар қурилган<sup>214</sup>. Шунингдек, Хоразм экспедицияси томонидан аниқланган боғлардан (XIX аср) бирини олсак, уларни майдон жиҳатидан (360—550 м) олдинги боғларга таққослаб бўлмаса-да, аниқ геометрик шаклга амал қилинганлигини кўрамиз. Шунингдек, бу ерда биз боғ марказида сарой ўрнига сув ҳавзаси жойлашганлигини

<sup>210</sup> Бобирнома, 156-бет.

<sup>211</sup> Узбек совет энциклопедияси, 2-том. 304-бетдаги расм.

<sup>212</sup> Бобирнома, 220-бет.

<sup>213</sup> Всеобщая история архитектуры, том I. М., 1958, с.317, рис. 281.

<sup>214</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении, т. II. М.—Л., 1938, с. 293.



29-расм. Миниатюра.

кўрамиз. Яшаш учун бино қилинган уйлар эса XIV—XV асрлардан илгариги учрагани каби боғнинг бир чеккасига ўтганини кўрамиз<sup>215</sup>. Бу ҳол Бухородаги Ситораи-Моҳи-хосса борида ҳам сезилади. У ҳам геометрик шаклга асосланган ҳолда барпо этилган бўлса-да, кейинги қурилишлар унинг олдинги қўринишини ўзgartириб юборган. Шундай бўлишига қарамасдан, унинг асосида эски традицияга айланган белгилар борлигини яққол кўриш мумкин<sup>216</sup>. Шундай қилиб, юқорида таърифлаб ўтилган типдаги боғлар кўплаб Ўрта Осиё ерларида барпо этилганлиги ва улар иссиқ иқлимли ерларга хос эканлигини кўрсатади. Гарчи тартибли боғлар ҳақида гирифтиришга асос топа олмаймиз. Қадимий боғлар ҳақида бизгача оз маълумотлар етиб келганлигига сабаб, отабоболаримиз ҳаммавақт ҳам янгидан боғ барпо этмасдан аксинча эски боғларнинг тартибини ўзgartирган ҳолда фойдаланиб келганликлари бўлган. Ёзма манбаларда эса ҳаммавақт ҳам у боғлар ҳақида тўла маълумотлар ёзиб қолдирилган деб айта олмаймиз.

**Боғлардаги сув масаласи.** Боғнинг боғ бўлиши, яшнаб гуркираши учун сўзсиз сув масаласи тўғри ҳал қилинган бўлиши лозим. Акс ҳолда боғдан нишона ҳам бўлмаслиги мумкин. XIV—XV асрларда бунёд этилган боғларнинг қон томири — ариқларида шалдираб оқсан зилол сувлар ва уларни сув билан таъминловчи каналлар, фонтанлардан отилиб турган биллур сувлар ҳақида биз жуда ҳам кам маълумотга эгамиз<sup>217</sup>. Бобирнинг ёзишича, Кўҳак (Зарафшон) дарёсидан чиқарилган Дарғам канали Самарқанддан 2 километрлар чамаси жанубдан оқиб ўтган. Самарқанднинг боғлари, уларнинг атрофи ва баъзи бир туманликлар шу Дарғамдан сув

<sup>215</sup> Толстов С. П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР, в 1949—53 гг. Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, т. II, М., 1958, с. 20—21, рис. 3.

<sup>216</sup> Бу қўринишини 1937 йили архитектор А. Н. Виноградов томонидан чизилган пландан кўриш мумкин. Бу план Бухородаги ўлкашунослик музейининг архивида сақланмоқда.

<sup>217</sup> Биз бу масалани адабиётларда берилган маълумотлар, миниатюраларда тасвирланган суратлар ва археологик қазиш ишларида аниқланган қисқа маълумотлар асосида қисқача ёритишга ҳаракат қилдик.

иچган<sup>218</sup>. В. В. Бартольдинг ёзишича, боғлар барпо этилиши эҳтимол янги каналлар қазиш ва эёки каналларни тузатишга сабаб бўлгандир<sup>219</sup>. Бу каби ишлар бошқа шаҳарларда ҳам олиб борилганлиги маълум<sup>220</sup>. Асрлар ўтиши билан боғларни сув билан таъминлайдиган каналлар, ариқлар, ҳовузлар йўқ бўлиб кетган. Сақланиб қолганлари эса ҳозирги кунга қадар ўз ўналишини ўзгартирган. Бу ҳодиса ернинг топографик шароити билан боғлиқдир<sup>221</sup>.

Ҳозирги кунда ҳам ерларни суғоринида аесий ариқлардан бири ҳисобланган Обираҳмат, Абу-Тоҳир-Хўжанинг ёзишича, Самарқанднинг шимолидаги боғлардан Боги Баланд ва Боги Майдони<sup>222</sup> суворени. Шунингдек Нақши Жаҳон боғи ҳам Обираҳматдан сув олган<sup>223</sup>. Эҳтимол, шу даврларда (XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярми) Самарқанднинг жанубий ҳамда жануби шарқий қисмлари Зарабашон дарёсидан қазиб чиқарилган Аббос ва Қораунас (дурагай) каналлари ёрдамида суғорилгандир<sup>224</sup>. Ана шу каналлардан бири Давлатобод боғини суворган. И. А. Сухарев Давлатободда олиб борган археологик текширишларида, боғнинг ўрта чизиги бўйлаб ариқ ўтганлигини ва у ерга сув Аббос каналидан келганлигини аниқлаган<sup>225</sup>. Бу маълумотларни ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди<sup>226</sup>. Шулар каби бошқа боғлар ҳам<sup>226</sup> сув билан таъминланган. Яқин кунларга қадар сақланиб келган ариқлардан Боги Шамол ариғи<sup>227</sup>, Боги Баланд ариғи кабиларда боғлар номи сақланганлиги бежиз эмас, албатта. Шундай қилиб, ҳар бир боғ маълум бир канал орқали сув билан таъминланган. Тащқаридан келган сув ариқчалар орқали боғ бўйлаб тараалган.

<sup>218</sup> Бобирнома, 63-бет.

<sup>219</sup> Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана.— В кн.: В. В. Бартольд. Сочинения, т. III. М., 1965, с. 195.

<sup>220</sup> Жуковский В. А. Развалины старого Мерва. Материалы по археологии. СПб., 1894, с. 71; Бартольд В. В. К истории орошения Туркестана. СПб., 1914, с. 69; Кабанов С. К. Археологические наблюдение на строительстве Иски-Ангорского канала. Ист. мат. культуры Узбекистана, вып. I. с. 173—174.

<sup>221</sup> История Самарканда, т. I, с. 285.

<sup>222</sup> Уша асар, 284—285-бетлар.

<sup>223</sup> Уша асар, 284-бет.

<sup>224</sup> Сухарев И. А. Сад-дворец Тимура Давлат-Абад..., с. 5.

<sup>225</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 244.

<sup>226</sup> Клавихо барча кўрган боғларнинг олдида кенг майдонлар бўлганлигини ва улардан кўп каналлар оқиб ўтганлигини ёзади. қ.: Клавихо. Дневник путешествия..., с. 264.

<sup>227</sup> Массон М. Е. План окрестности Самарканда..., иловасига қаранг.

Боғларда ариқ сувларидан ташқари, маълум бир тартибда жойлашган ҳовузлар ҳам бўлган. Ариқлар каби бу ҳовузларнинг ҳам ўрнини аниқлашнинг иложи бўлмади. Клавихонинг берган маълумотига кўра, Давлатобод боғида олтига ҳовуз<sup>228</sup> бўлиб, улар бир-бири билан икки четига ҳар хил дараҳтлар ўтказилган йўллар билан боғланган экан<sup>229</sup>. И. А. Сухарев олиб берган текширишларида улардан тўрттаси аниқланган. Бири ( $28 \times 62$  м) боғнинг шимолий чеккасида, қолганлари эса ( $25 \times 25$ ,  $32 \times 32$  м) жанубий қисмида жойлашган<sup>230</sup>. Ана шу маълумотларга асосланиб, бу боғлардаги ҳовузлар тўртбурчак ҳамда тўғри тўртбурчак шаклида бўлган экан, дея оламиз. Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби ҳовузлар бошқа боғларда ҳам бўлган бўлиши керак. Клавихо Боги Навда ҳам саройнинг олдида катта сув ҳавзаси бўлганлигини ёзади<sup>231</sup>. Шунингдек, Чилустун ва Боги Бўлду атрофларида яшайдиган кишиларнинг маълумотига қараганда, бу иккала боғнинг шарқ томонида сув ҳавзаси бўлган. Ҳозирги кунда Чилустун саройнинг харобаларидағи ҳовуз ўрнининг бир чеккасини кавлаб кўришганда четларига мармар плиталар ётқизилганлигини кўришган. Шундай қилиб, бу боғларнинг ҳар бирида бир нечтадан сув ҳавзалари бўлган бўлса, уларнинг борсанъатидаги тутган ўрни нимадан иборат бўлган? деган савол туғилиши мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, бу ҳовузлар боғчилик санъатига ўз-ўзидан кириб келмаган. Улар жуда қадимий бўлиб, ота-боболаримиз унинг борхуснига ҳусн қўшиб, файз киритишини ҳамда оромбахш ҳусусиятни ҳисобга олишган<sup>232</sup>. Айниқса уларда сузиг юрган ўрдак ва ғозлар бор манзарасига янада ҳусн қўшиганд<sup>233</sup>. Булардан ташқари, бу ҳовузлар доимо сув билан тўла бўлган ва сув танқислиги рўй берган

<sup>228</sup> Қарияларнинг берган маълумотларига кўра, мусулмончилик қоидаларида ҳовузларнинг эни ҳам, бўйи ҳам камида 40 газ бўлиши керак экан, акс ҳолда уйдаги сув ҳаром деб ҳисобланар экан.

<sup>229</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 244.

<sup>230</sup> Сухарев И. А. Сад-дворец Тимура Довлат-Абад..., с. 5.

<sup>231</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 261.

<sup>232</sup> Ҳозирги кунда ҳам олимларимиз, халқимизнинг ана шу яхши традицияларини кент тадбик этишини маъқуллашяпти. қ.: Грачева Г. Ф. Современные принципы и приёмы реконструкции паркового массива. Строительство и архитектура Узбекистана, 1972, № 2, с. 35.

<sup>233</sup> Шунга ўхшаш ҳовузлардан бирини Бобирномага ишланган расмларда кўришимиз мумкин. қ.: «Бобирнома» расмлари. Тошкент, 1969, 12-расм.

вақтларда бое учун кичик сув омборлари вазифасини ўтаган.

Археологик текширишлар натижасида боғларда ҳовузлардан ташқари бое марказида жойлашган саройларни ўраб турган хандақлар бўлганилиги ҳам аниқланди. Бу хандақлар доимо ҳовузлар сингари сув билан тўла бўлган. Улар турли катталикда бўлган. Масалан, Амирзода Шоҳруҳ боғидаги хандақнинг кенглиги 6 метр, Боечилик санъатидаги хандақларнинг тутган ўрни ҳам асосан ҳовузлар каби бое ҳуснига ҳусн қўшиш, ҳавони тозалаш, яъни микроклимат яратишдан иборат бўлган. Кези келганда улар мудофаа вазифасини ўтаган.

**Фонтанлар.** XIV—XV асрларда Самарқанд атрофида бунёд этилган бое-саройларда усталик билан ишланган отма фонтанлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Жумладан, Испания элчиси Клавихо Дилкушода бўлган вақтида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «...Подшоҳ маҳсус қўйилган баланд ўриндиқда<sup>234</sup> ўлтирас ва унинг олдида суви тепага отилиб турган фонтан бўлиб, фонтанда қизил олмалар қалиқиб туради...»<sup>235</sup>. Мазкур боғдаги сарой харобалари ўрнида олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида, саройнинг марказий чизири бўйлаб жойлашган учта тўртбурчак шаклидаги чуқурлик аниқланди. Уларнинг ўртадагиси бир оз каттароқ ( $5 \times 5$  м), икки чеккасидагиси эса  $4 \times 4$  метрдан. Бўзниң фикримизча, бу ерлар маҳсус фонтанлар учун тайёрланган бўлса керак. Эҳтимол, улар ер тагига ётқизилган сопол қувурлар орқали бир-бири билан боғлиқ бўлгандир. Қазишма натижасида шундай қувурларнинг бўлаклари қўплаб топилди. Улардан бирини тиқлаш натижасида бўйи 29 сантиметр, диаметри 19 сантиметр эканлиги аниқланди. Бундай фонтан қолдиқлари Бое Майдондаги Улуғбек даврида қурилган Чиннихонадан ҳам топилган<sup>236</sup>. Улардан бирининг шакли саккиз қиррали бўлиб, унинг олдида супача бўлган. Бу ердан ғарбга қараб 50 метрча нарида иккинчи фонтан ўрни сақланган. Унинг тузилиши айланна шаклида бўлиб, атрофига ўз шаклига мос айланна ҳолда кесилган мармар тоши ётқизилган. Фонтаннинг айланаси 1 метр бўлиб,

<sup>234</sup> Бу подшоҳлар учун ишланган маҳсус жой, яъни тахт бўлиши керак (У. А.).

<sup>235</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 249.

<sup>236</sup> Жуков В. Д. Результаты археологического обследования остатков загородного дворцов Улугбека Чилустун и Чиннихона. Архив инс. арх. АИ УзССР, инв. № 98.

унга сув сопол құвурлар орқали келган. Демак, бу сарайлардаги фонтанларнинг шакли ҳар хил бұлған. Буни XV—XVI асрларга оид миниатюраларда берилған фонтан тасвиirlари ҳам тасдиқлайды. Фонтанларга маҳсус мосламалар орқали келған сув ташқарига бир нечта бұлымларға бұлниб отилиб чиққан. Ташқарига отилиб түшгандың сувлар айлана, күп қирралы ва жимжимадор қилиб ишланған ҳовузларға тушиб, ариқчалар орқали оқиб чиққан. Бундай фонтан намуналарини биз «Бобирнома» асарига ишланған расмларда<sup>237</sup>, Саъдий асарларидә<sup>238</sup>, Низомийнинг «Хамса»сига<sup>239</sup> ва бошқа асарларға ишланған миниатюраларда күришимиз мүмкін<sup>240</sup>. Үз-үзидан бу фонтанлар сув билан қай тарзда таъминланған бўлиши мумкин деган савол туғилади. Тарихда шундай бир афсона сақланиб қолған. Үнда айтилишича, Шаҳрисабздан Оқ Саройнинг томида катта бир ҳовуз бўлиб, бу ҳовузга сув маҳсус тарновлар орқали Тахти Қорача довонидан келар экан. Кейин пастга сунъий шаршара ҳолатида тушар экан<sup>241</sup>. Бундай афсоналарда эҳтимол, бир оз бўлса-да ҳақиқат бордир. Археологик қазишималар натижасида Дилкушо боғидаги саройнинг тархи аниқланди. Саройнинг асосий кириш эшигининг қарама-қаршисида «Т» ҳарфини эслатувчи девор асоси жойлашған. Бизнинг фикримизча, шу асос фонтанларни сув билан таъминлаган. Бу ерга сувни маҳсус механизмлар орқали берилған деб фараз қилса бўлади. Чунки тепаликларга сув етказиб берадиган кўтаргичлар жуда ҳам қадимдан маълум бўлиб, ўз даврига қараб уларнинг хиллари жуда күп бўлған<sup>242</sup>. Кейинги даврларга келиб сув маҳсус машиналар ёрдамида фонтанларга берилғанлиги маълум<sup>243</sup>. Ҳеч шубҳа йўқки, XIV—

<sup>237</sup> «Бобирнома» расмлари. Тошкент, 1969, 15, 19- ва бошқа расмлар.

<sup>238</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусства Узбекистана. рис. 342.

<sup>239</sup> Низами. Пять поэм (перевод с фарси). М., 1968, рис. на стр. 96, 128, 288, 256.

<sup>240</sup> Пугаченкова Г. А. Восточная миниатюра, как источник по истории архитектуры XV—XVI вв., Архитектурное наследие Узбекистана.—Сб. статей. Ташкент, 1960, рис № 20, 22, 27, 29, 30, 31.

<sup>241</sup> Массон М. Е., Пугаченкова Г. А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбека. Труды САГУ. Вып. 61. Гуманитарные науки. Кн. 6. Археология Средней Азии. 1953, с. 45.

<sup>242</sup> Фуломов Я. Ф. Хоразмнинг суюрилиш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача. Тошкент, 1959 (сув чиқарадиган механизмлар), 258—271-бетлар.

<sup>243</sup> Масалан, Пётр I саройидаги фонтанларга сув беришда

XV асрларда бунёд этилган саройларда ўз даврига хос механизмлар билан таъминланган турли отма фонтанлар бўлган. Улар сарой кўркига кўрк қўшиш билан бирга, сарой ҳавосини яхшилашда катта роль ўйнаган.

**Боғлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.** Олимларимиз томонидан олиб борилган текширишлар Ўрта Осиё боғларида эрамиздан минг йил олдин ҳам ўрик, шафтоли, олхўри вә шунга ўхшаш мевали дараҳтлар бўлганлигини кўрсатади<sup>244</sup>. XII—XIII асрларга келиб боғдорчилик жуда ҳам илгарилаб кетган. Муғ тоғидаги қаср ҳаробаларидан топилган олча, шафтоли, ўрик даклари, узум қолдиқлари, олма бўлаклари фикримизга далил бўла олади<sup>245</sup>. IX—X асрларда эса барча араб халифалиги ҳукмронлик қилган ерларда ҳам мевалар етишириш авж олган. Уларда айниқса узум юқори баҳоланган. Шу билан бирга тарвуз, қовун, олма, анор, лимон ва бошқа мевалар ҳам қадрланган<sup>246</sup>. Боғдорчиликнинг энг гуллаган даврларидан бири биз ўрганаётган XIV—XV асрга тўғри келади. Бу даврдаги боғларда етиширилган полиз экинлари, мевали ва манзарали дараҳтларни, гулларнинг хиллари тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин соҳа бўйича адабиётларда берилган қисқагина маълумотлар ва миниатюраларда<sup>247</sup> акс эттирилган боғ кўринишларини (ундаги дараҳтлар ва гуллар) ўрганиб, боғлардаги ўсимликлар билан танишиш имкониятига эга бўламиз. XIV—XV асрдаги боғларда меҳмон бўлган Испания элчиси Клавихо, боғларда мевалик дараҳтларнинг кўплигини, шунингдек алоҳида узумзор майдонлари бўлганлигини, сарой фонтанларида қизил олмалар қалқиб турганлигини ва нонушта вақтида дастурхонга қовун, узум, шафтоли ва бошқа мевалар қўйилганлигини ёзади<sup>248</sup>. Сарой ҳаробаларida олиб берилган археологик қазиш ишламихус машини қўлланилган. қ.: Кузнецова О. Н. и др.. Летний сад, летний дворец, домик Петра I. Л., 1960, с. 10.

<sup>244</sup> Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в XIV—XV вв. Душанбе, 1966, с 16.

<sup>245</sup> Данилевский В. В. и др.. Исследование растительных остатков из раскопок Согдийского замка VIII века на горе Муг в Таджикистане. Труды Таджикской базы АН СССР. Том VIII. М.—Л., 1940, с. 479.

<sup>246</sup> Адам Мец. Мусульманский ренессанс. М., 1966, с. 337—339.

<sup>247</sup> Миниатюра — бу кичик ҳажмдаги қоғозга туширилган расм бўлиб, катта-кичикилиги китоб саҳифасининг катталигига ҳараб чизилган. Бундай расмларда мўйқалам соҳиби табиатда кўрган нарсаларини ҳақиқатга яқин ҳолда беришга уринган.

<sup>248</sup> Клавихо. Диевник путешествия, с. 248, 249, 252.

рида жуда күплаб шафтоли данаги топилди. Шунингдек хароба уюмлари орасида учраган ганч бўлакларида анор дарахтининг расми ишланганлиги аниқланди. Шара-Фиддин Али Яздий ўз асарида Дилкушо боғида жуда кўп хилма-хил мевалар етиширилганлиги тўғрисида ёэйиб, улардан энг яхши навларининг номларини эслатиб ўтган. Булар жумласига олма (себи сурх, гулоби, абади ашкувона, камзак), ўрик, (арусак, мамури), шафтоли (хоссаси дона ширин), олхўри (олуи сурх), тут (тути бе дона), анор (анори хукка), нок (мунакид, шарбати, наботи), писта (пистаи даҳан боз)<sup>249</sup> каби мевали дарахтлар киради. Яздий яна шу боғда ўстирилган узум навлари тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Улардан шакар ангур, соҳиби, ҳусайни, лали як дона каби навларининг номлари келтирилган. Бу даврларда Ҳирот ерларининг баъзи қисмларида узумнинг юз хили етиширилган<sup>250</sup>. Заҳириддин Бобир ҳам Самарқандда узум, қовун, олма, анор яхши бўлишилигини ёзган<sup>251</sup>. Бу борларда ўстирилган мевалар хилини тасаввур қилишда бизга XVI асрнинг бошларига онд бўлган қимматли асар «Ирошодуз зироат фи илмил ҳаросат» муҳим роль ўйнайди. Унда қўйидаги меваларнинг номи берилган: ўрик (зардолу), бодомнинг икки хили, шафтоли, анорнинг беш хили (тўрт, ширин, сийахпуст, бидона, бостани), беҳи (ширин ва нордон), олча, гилос, анжир (сафид, сиёҳ, сурх, зард), жийда, тут, писта<sup>252</sup>. Умуман олганда бу даврда Самарқанддагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларида ҳам мевали дарахтлар етишириш муҳим роль ўйнаган. Айниқса Бухоро олхўриси, Ҳужакент анори, ноки, бодоми машҳур бўлган<sup>253</sup>. Восифий ҳам Тошкентда етиширилаётган узум, тарвуз, қовун, анор, нок, олма, беҳи, анжир навларини мақтаб шундай ёзади.

Ориз шу маҳали лаззатга тўлар,  
Мевалар сифатин сўзласам агар,  
Булардан ҳамиша жонга ҳаловат,  
Шираси асални қилур маломат<sup>254</sup>.

<sup>249</sup> Шарағиддин Али Яздий. Зафарнома, 2936—294а варақ.

<sup>250</sup> Петрушевский И. П. Земледелие и аграрные отношения в Иране, XIII—XIV вв. М.—Л., 1960, с. 225.

<sup>251</sup> Бобирнома, 60-бет.

<sup>252</sup> Махмудов Н. Земледелие и аграрные отношения..., с. 25.

<sup>253</sup> Бартольд В. В. Хафизи Абру и его сочинение ал-Музаффарайя.— Сб. ст. учеников проф. В. Р. Розена. СПб., 1897, с. 19, 20.

<sup>254</sup> Заиниддин Восифий. Бадоेъул-вақоэъ, 66—68-бетлар.

Бу боғларда мевали дараҳтлардан ташқари яна соясалқин берувчи, хушбўй ҳид тарқатувчи дараҳтлардан тол (табар хун), терак, чинор, сарв, аръар кабилар ўрин олган. Бу боғларда айниқса ҳовузлар бўйига экилган мажнун толлар<sup>255</sup>, сарв, аръар дараҳтлари боғ ҳавосини доимо яхшилаб, унга гўзаллик баҳш этган. Самарқанд боғларидан бирининг номини Бони Чинор деб аталишининг ўзиёқ у ерда чинор дараҳтларининг кўплигидан далолат беради. Манзарали дараҳтлардан тол, терак, чинор кабилар XIV—XV асрлардаги боғ<sup>256</sup> ва чорбоғлардан кенг ўрин олганлиги тўғрисида ёзма манбаларда эслатиб ўтилган<sup>257</sup>. Боғларда мевали ва мевасиз дараҳтлардан ташқари ҳар хил гуллар ва кўкатларга алоҳида жой ажратилган. Бизгача етиб келган маълумотларда гулларнинг бир қанча турлари баён қилинган. Улардан: ҳамиша баҳор, савсанни расмий, ханжарий, кўк бинабша, садбар, зарафшон, наргиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш, дардари кокилий, сайройи, савсаннинг бир неча турлари, оддий шақойиқ, оқ ёсуман, сариқ арғун, сариқ бинафша, лолайн ду табақа, шаббўй, сариқ лола, насрин, бағододий, қазқо, гули раъно, кўкнор гул, сариқ ёсуман, гули шаш моҳа, нилуфар, қаранфулгул, хатмий, оқ ёсуман, шаб ба дўстон, чаман арфуз, гултоҷихўроз кабилар маълум<sup>258</sup>. Умуман олганда гулларнинг бу навлари фақатгина Самарқанд шаҳридагина эмас, бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб ўстирилган. Масалан, Ҳирот<sup>259</sup>, Тошкент<sup>260</sup> ташқарисидаги боғларда атир гуллар, лолалар, райҳон, бинабшалар, савсан, ҳамиша баҳор, қорун, гулхайрилар ўстирилган. Улар шундай тартибда экилганки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошлиған. Гуллардан ташқари яна ҳар хил кўкатлар ҳам ўстирилган. Шу кабилардан беда бизга маълум. Ёзма манбалардан ташқари, XV асрда<sup>261</sup> мўйқалам соҳиблари томонидан чизилган миниатюраларда ҳам кўпинча тол, терак, чинор каби манзарали

<sup>255</sup> Қарияларнинг кўп йиллик тажрибаларидан маълум бўлишича, бу дараҳтнинг одам соғлигига фойдаси жуда катта экан.

<sup>256</sup> Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар. Тошкент, 1970, 53—54-бетлар.

<sup>257</sup> Ҳофиз Таниш Абдулланома. I-жилд. Тошкент, 1966, 281-бет.

<sup>258</sup> Норқулов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар, 53—54-бетлар.

<sup>259</sup> Болдирев А. Н. Алишер Навои в рассказах современников.—Сб.: Алишер Навои. М.—Л., 1946, с. 133.

<sup>260</sup> Зайниддин Восифий. Бадоъул-воқе, 64—65-бетлар.

<sup>261</sup> «Бобирнома» расмлари, 3, 12, 13 расмлар.

даражтлар, гилос, бодом, анор каби мевали дараҳтлар ва ҳар хил гуллар акс эттирилғанлигини күриш мумкин.

Умуман олганда XIV—XV асрларда бунёд этилган боғлар тилларда достонга айланған афсонавий Эрам боғларига тенглаша олган. Бунга ҳукмдорларнинг боғдорчилик ишларига ниҳоятда қизиқсанлиги ҳам сабаб бўлгандир. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур пайванд солишга ниҳоятда қизиқар экан<sup>262</sup>. Самарқанд атрофларида жойлашган бу боғлардаги мевали ва манзарали дараҳтларни биргаликда экилиши Г. А. Пугаченкованинг айтишичя, Урта Осиё боғлари учун ўзига хос ҳолат бўлиб, Европа боғларидан фарқ қиласр экан<sup>263</sup>.

Боғларда сайр қилиб юрган оҳулар, тустворуқ ва то-вуслар, ҳовузларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар, ба-лиқлар боғ манзарасини янада гўзаллаштирган ва уларни кўрган кишиларда завқланиш ҳис-туйғулари пайдо бўлган. Булар ҳақида ёзма манбалардан (Масалан, Давлатобод боғида оҳу ва тустворуқлар<sup>264</sup> борлиги, Боғи Беҳиштда эса ҳайвонот боғи<sup>265</sup> бўлгандиги тўғрисида) ўқиб, миниатюралардан<sup>266</sup> кўриб тасавур қила оламиз. Бу ҳайвонлар ва қушлар боғларда ов қилиш учун эмас, балки безак сифатида сақланган. Боғларга бундай жонли тус бериш ҳоллари бу даврлар учун янгилик бўлмай, балки жуда қадимдан бери давом этиб келаётган, анъана тусига кирган ҳолатлардан биридир. Боғлар учун асосий безаклардан бири ҳисобланган бу жонзотлар XIV—XV асрлардан кейинги боғлар учун ҳам асосий безак бўлиб қолган. Фикримизнинг жонли далили тариқасида Бухородаги Ситораи-Моҳи-хосса номли боғда ҳозирги кунларда ҳам истиқомат қилиб, баланд чинорлар тагида сайр қилиб юрган тустворуқларни эслатишимиз мумкин.

Шундай қилиб, биз боғдаги барча жонли, жонсиз нарсаларга эътибор берар эканмиз, уларни бир-бири билан узвий боғланғанлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам улар боғ санъатига ўз-ўзидан кириб қелмаган. Бу даврнинг боғлар бунёд қилувчи усталари уларнинг ҳар бирини керак деб топиб, уларни боғ жисмига мос кела-диган ерларгагина жойлаштира олганлар.

<sup>262</sup> Пугаченкова Г. А. Садово-парковое искусство..., с. 156.

<sup>263</sup> Уша асар, 156—157-бетлар.

<sup>264</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 245.

<sup>265</sup> Герман Вамбери. История Бухары, с. 231.

<sup>266</sup> Низами. Пять поэм. 32-бетдаги расм; «Бобирнома» расмларидан. 2-расм.

**Боғдаги шийпончалар, чодирлар ҳақида.** XIV—XV асрлардаги Самарқанд атрофидаги боғлар фақатгина сарой ҳуснига ҳусн қўшувчи ҳар хил дараҳтлар, ариқлар, ҳовузлардангина эмас, балки боғнинг ажралмас қисми ҳисобланган чодирлар, шийпончалардан иборат бир бутун ансамблни ҳам ташкил этган. Шунинг учун ҳам шийпонча ва чодирларнинг боғчилик санъатида тутган ўринин камситиб бўлмайди. Бу боғлардан бир нечасини ўз кўзи билан кўрган Испания элчиси Клавихо уларда ипакдан ва бошқа материаллардан тикилган кўплаб чодирлар, ҳар хил рангли гиламлардан ишланган шийпончаларни кўрганилигини ёзади<sup>267</sup>. Г. А. Пугаченкова боғларга чодирлар ва шийпонлар қуришни Шарқ мамлакатлари учун анъанага айланиб қолганлиги тўғрисида ёзиб, бу нарса кўчманчилар анъанаси ва уларнинг тўқиши санъати билан боғлиқ, деб ҳисоблайди<sup>268</sup>. Бу боғлардаги чодирлар ва ҳар хил рангдаги гиламлар билан ўралган шийпонлар қандай кўринишда бўлганлиги бизгача етиб келмаган. Бу масалани равшанлаштиришда бизга Герман Вамберининг «Бухоро тарихи ёки Трансоксания» номли асари яқиндан ёрдам беради. Унда Самарқанддаги Конигил мавзуудаги байрам ва йиғилишлар даврида тикиладиган чодирлар ҳақида маълумот берилган<sup>269</sup>. «Бу ерда тикилган чодирлар шунчалик кўп ва ранг-баранг бўлганки,— деб ёзади Герман Вамбери,— шамол турган кезлари улар узоқдан гўё шамолда тебранаётган лолазорни эслатади. Бу ерадаги чодирларнинг кўпчилиги кигиздан ишланган бўлиб, думалоқ шаклда бўлган»<sup>270</sup>. Улар ичida Арабистондан олиб келинган чўзинчоқ шаклдаги чодирлар ҳам, Эрон сарпардалари (пардалардан ташкил топган сарой) ҳам бўлган. Сарпардалар тўртбурчак шаклда бўлиб, кенглиги юз қадамдан, баландлиги эса найза бўйича бўлган. Унинг ўрта қисми павильонга ўхшаш ҳаво рангига бўялган бўлиб, ўн иккита устун кўтариб турган. Павильон усти ярим айлана шаклидаги том (гумбаз) билан ёпилган бўлиб, устунларига тортилган ипак материаллар ўн иккита қавариқ ярим ёй шаклини ҳосил қилган. Булардан ташқари павильоннинг ҳар тарафида олтига устун ёрдамида ушлаб турилган баланд эшик-

<sup>267</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 245, 256, 257, 264.

<sup>268</sup> Пугаченкова Г. А. Восточная миниатюра как источник..., с. 161.

<sup>269</sup> Герман Вамбери. История Бухары..., с. 224, 225.

<sup>270</sup> Бу ерда автор ўтовларни назарда тутган бўлса керак (У. А.).

лари бўлган. Буларнинг ҳаммаси беш юздан ортиқ қизил боғичлар ёрдамида тортиб мустаҳкамланган. Шийпоннинг устки қисми қора, сариқ ва оқ шойи палослар, ички қисми эса зарҳал ипаклар билан тикилган шокилили гиламлар ва ипакдан қилинган ҳар хил безаклардан иборат бўлган. Ен тарафлардаги гумбазларнинг устки қисмлари эса ғоятда бой безаклар билан безалган бўлиб, (шийпоннинг) тўрт бурчагида қанотларини юнг ўйган бургутлар акс эттирилган. Тўрттала бурчакдаги устунлар шар ва яrim ойлар, ўргадаги бешинчи устун ҳам шулар каби, лекин катта ҳажмдаги безаклар билан безалган. Хўллас, шийпон узоқдан қасрга ўхшаб<sup>271</sup>, минорали баланд ва ранг-баранг девор билан ўралган кўринишга эга бўлган. Конигилдаги бошқа чодирлар ҳам шунга ўхшаёт бўлиб, дераза ва эшиклари бўлган. Унинг эшикларининг катталигидан чодирлар ичига бемалол отда кириш ҳам мумкин бўлган. Бу каби маълумотлар билан танишар эканмиз, шуларга асосланган ҳолда боғлардаги чодирлар ҳам шундай шаклларда ё шуларга ўхшаёт бўлган деб айта оламиз. Боғда сарпардалардан ташқари шоҳнинг ўзи учун ва унинг яқин одамлари учун ишланган алоҳида жойлар бўлганки, биз уларни қандай бўлганлигини миниатюралардангина тасаввур қила оламиз. Шундай миниатюралардан бирида шоҳни устки қисми гуллик шойи чодирлар билан ёпилган тахта супа устида базм вақтида ўтирганини кўрамиз<sup>272</sup>. Бошқасида эса боғдаги дараҳтлар тагига қурилган нақшли супа тасвиrlenган бўлиб, атрофлари нозик қилиб тўқилган сарғиш ва қизил ипак пардалар билан ўралган. Унда ҳам шоҳни майшат ҳолатида кўрамиз<sup>273</sup>. Чодирлар, нақшли тахта сўрилар тасвирини яна Низомийнинг «Ҳамса»сига ишланган миниатюрада ҳам учратамиз. Улар ичидаги айлана шаклида (ўтовга ўхшаёт) тепа қисми қубали қилиб ишланган рангли чодирларни кўриш мумкин<sup>274</sup>. Бошқа миниатюраларда ҳам юқоридаги ҳолларни кўриш мумкин. Уларда ҳам подшоҳлар сўрилар устида ўтирган ҳолда тасвиrlenган. Кўпчилик ҳолларда сўрилар олдида отилиб турган фонтанлар акс эттирилган<sup>275</sup>. Бу чодир ва сўрилардан таш-

<sup>271</sup> Бу чодирларнинг шакли ҳам ҳеч шубҳа йўқки боғларда қурилган саройларга айнан ўхшаёт бўлган (У. А.).

<sup>272</sup> Шарифиддин Али Яздий. Зафарнома, 288 (а) вароқ учун ишланган расм.

<sup>273</sup> Уша асар, 152(6) вароқ учун ишланган расм.

<sup>274</sup> Низами. Пять поэм..., рис. на стр. 192, 320.

<sup>275</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искус-

қарни боғларда кўчма сўрилар ҳам бўлган. Бу ҳақда Клавихо қўйидагиларни ёзган: «Элчилар киришлари<sup>276</sup> билан, устларига ёғочдан ишланган сўрилар қўйилган ва уларнинг ҳар бирида иккитадан байроқлари бўлган олтига филни кўришди<sup>277</sup>. Демак, бундан боғларда ало-ҳида устларига тахтиравонлар ортилган филлар боқилиган бўлиб, улардан эҳтимол шоҳнинг ўзи яқин одамлари билан, гоҳида эса четдан келган ҳурматли меҳмонлар билан боғ ичида сайр қилиш вақтлари дагина фойдаланган деган хуносат чиқариш мумкин. Боғларнинг гўзаллиги ундаги сарпардалар, айвончалардан ташқари яна юқорида айтиб ўтилганидек, фавворалар (фонтанлар), жилдираб оқиб турган ариқлар, шаршараплар, ҳовузларнинг ўзгача файз киритиши натижасида янада ортган.

Далее, что ожидать от него в

San Lázaro, set east, about 35 miles beyond  
the San Joaquin River. *Hesperocallis lusitanica*  
Abundance of *Eriogonum* and *Calochortus*.  
Several small populations of *Carex* and *Scirpus* in  
Tall grass by water edge. Many *Acacia* and some  
dry west ~~scrub~~ <sup>scrub</sup> *Agave* (101 - 107 fm.)

Түрм сабжадаң һо пошың тәсілдердің  
етештүрмеган мишиң шарға күнгі.  
Чіләркін (Көбүн, 780), одан алтынға көбүн  
Оңызға ынанылашып бекшілесуза (алтын  
са қосылғары) калта ред. үйде калы.

ство Узбекистана..., рис. 334, 342; «Бобирнома» расмлари... 19-расм.

<sup>276</sup> Бу ерда гап Боги Дилкушо ҳақида боради.

<sup>277</sup> Клавихо. Дневник путешествия..., с. 248.

Бүгиче марки кураш сан жиңүү төмөнкүлүк  
ярлатыны түккөлүгө, биңи ишадан ғылда  
саш кабусу зияни үйларкан, мисралатын  
ажаңында эңдөңгөлүк түштүк болордук  
күйнөтүрүсү дөкөргө күздең түштүк ажан  
түштүк сөзбөлүк сөзсүз түүчүчүнүн эхшиш  
түштүк түштүк сөзбөлүк сөзсүз түүчүчүнүн эхшиш  
**САРОЙЛАРНИНГ ХАРОБАГА УЧРАШИ ВА УЛАРНИ  
РЕКОНСТРУКЦИЯ\* ҚИЛИШ МАСАЛАРИГА ДОИР**

«Биз ўткинчимиз. Дунё мангу туради. Биз ўламиз. Бу эсдалик бўлиб қолади...»<sup>1</sup> Бу мисраларнинг автори каби эҳтимол Самарқанд ҳокимлари ҳам ўзим ўлиб кетсан ҳам мен қурдирган Самарқанд атрофидаги боғ-саройлар ва бошқа меъморий қурилмалар авлодларим кўз ўнгига мендан эсдалик сифатида «мени номим узоқ асрлар давомида сақланар», деган фикрларни хаёлидан ўтказган бўлса, ажаб эмас.

Бироқ, афсуски, ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ феодал ҳокимларгагина хизмат қилган бу боғлар йўқ бўлиб кетди, аммо ҳалқлар ёдида унинг жарангдор номларигина сақланиб қолди, аммо ундаги ота-боболаримизнинг бармоқ излари тушиб қолган ажойиб санъатнинг парчаланган намуналаригина бизгача етиб келган. Уларни бунчалик тез бузилиб кетганлигига нима сабабчи бўлган? Табиат қонунларими ёки жамият қонунларими? Бу ерда биз сўзсиз кўпроқ жамият қонунлари асосида харобага учраган деб айта оламиз. Бизга маълумки, бу боғ-саройларнинг кўпчилиги XIV асрнинг 90 йиллари ва XV асрнинг бошларида қурилган. Ҳар бир саройга қанчадан-қанча олтинлар, ҳар ҳил рангдаги қимматбаҳо тошлилар сарфланган. Буларнинг устига бу саройлар шунчалик тез суръатлар билан қурилганки, натижада меъморлар қурилиш ишлари учун зарур бўлган қондалардан ташқарига чиқишига мажбур бўлишган<sup>2</sup>. XV аср

\* Барча реконструкция ишлари авторники.

<sup>1</sup> Бу мисралар Нахчевандаги Момина-хотин (XII аср) мақбасасининг деворларидан бирида ёзилган. қ.: Бретаний Л. С. Зодчество Азербайджана XII—XV вв. и его место в архитектуре переднего Востока. М., 1966, с. 434.

<sup>2</sup> Бу ўринда Шаҳрисабздаги Оқ саройни куришда қатнашган бош меъморнинг тақдирли ҳақидаги ривоятии эслатиб ўтмоқчимиз. Ривоятда айтилишича, Оқ саройни курган меъмор иморатнинг гишиши терилиб бўлгач, нақшини ишламай иморатни юқори раво-

тариҳиги сид адабистлардан<sup>3</sup> биэти батыз<sup>4</sup> хашаматли саройларнинг ҳатто бир ярим ойичида қуриб битказилганлиги ҳам маълум<sup>5</sup>. Бу саройларни қуришда ҳар хил ҳунарга эга бўлган кўплаб санъат усталари иш олиб боришган. Терилаётган гишталар ердан одам бўйи кўтарилиши билан сиркор усталар деворларга нақш берса бошлишган, сангтарошлар тош тахталарни керакли шаклларда йўна бошлаганлар. Шулар қаторида мўйқалам соҳиблари ва бошқа касб эгалари ҳам ишни бошлаб юборганлар<sup>6</sup>.

Бу қурилиш ишларида ўзга ерлардан зўрлаб олиб келинган минглаб усталар, шунингдек ерлик усталар ва беҳисоб ишчилар мажбуран ишлатилган. Бу усталар ўз ватанидан узоқда, ўз яқинларидан ажралган ҳолда, зулм остида оч-яланғоч ҳолда ишлаб, шу саройларни қуришда сидқидиллик кўрсатган деб айта оламиэмси? Йўқ, албатта. Улар учун саройларнинг пухта ёки пухта бўлмаслиги ҳеч қандай роль ўйнамаган. Узаро ички сиёсий курашлар, ўзаро келишмовчиликлар авж олган йилларда бу боғ-саройлар қаровсиз қолган, деса бўлади. 1409 йили 15 ёшлик Улуғбек Самарқанднинг ҳукмдори деб эълон қилинади. Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларида унинг Диљкушо боғида кўпроқ бўлгаклиги тўғрисида маълумотлар бор<sup>7</sup>. Улуғбек бошқа боғларга тез-тез бориб турган турмаганлиги бизга номаълум. Фикримизча, у кўпроқ илм билан шуғулланган. У Абу Тоҳир Хожининг ёзишича, «...расадхона жойлашган тепаликнинг этагини ажойиб боғ қилиб, вақтнинг кўпини шу ерда ўтказа бошлайди»<sup>8</sup>. Унинг Боғи Майдондаги қурдирган саройлари (Чиннихона, Чилустун) Самарқанддаги бошқа саройларга нисбатан анча пухта ва пишиқ бўлганилигига ҳеч шубҳа қилмаса бўлади. Лекин саройлари қанчалик мустаҳкам бўлмасин, уларнинг тақдири

ига занжир боғлаб, бир учни паства осилтириб қўйгани ҳолда иккى йил йўқ бўлиб кетади. Шоҳ эса иморатни тезлатишни буоради. Бир куни ўша меъмор қайтиб келиб, занжирни пастроқда тушганини кўради. Шоҳ ундан қилган ишини сабабини сурнштирганди, жавоб берниб, иморатни сақлаб қолиш учун шундай қилдим, дейди. Чунки меъморчилик қонунларига кўра, бинонинг чўкиши учун муайян вақт керак бўлиши ва шундан кейингина уни безашга киришиш мумкинлигини айтган. Бу афсона ҳақида қ.: Ҳакимов З. Оқ сарой. 1968, 2-бет.

<sup>3</sup> Шарафиддин Яздий. Зафарнома, 289 (а) вараг.

<sup>4</sup> Якубовский А. Ю. Мастера Ирана..., с. 279.

<sup>5</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва мажмаи баҳрайн... 150, 225, 261-бетлар.

<sup>6</sup> Абу Тоҳир Ходжа. Самария. Перевод В. Л. Вяткина с таджикского языка на русский. Самарканд, 1899, с. 170.

бошқа саройларникидан қолишмаган. 1447 йили Шоҳрух, 1449 йили эса Улугбек вафот этди. Мамлакатда яна парокандалик, тўс-тўполонлар бошланди. Улугбек ҳаётлик вақтидаёқ кўчманчи ўзбеклар (1448 й.) Самарқанд атрофидаги ерларга ва боғларга ҳужум қилиб уни талон-тарож қилиб кетишган эди<sup>7</sup>. Хуллас, XV асрнинг охирларига келиб, баъзи боғлар бутунлай йўқ бўлиб кетган. Бу ерларни ўз кўзи билан кўрган Бобир Нақши Жаҳон боғи ҳақида ёзиб: «мен кўрган маҳалда унинг номидан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган эди»,—дейди<sup>8</sup>. Баъзи боғлар эса эҳтимол узокроқ вақтгача сақланиб қолгандир. Масалан, Боғи Баланд XVI асрнинг ўрталари гача турган<sup>9</sup>. Бу боғ-саройларнинг кўпчилиги XV асрнинг охирларигача ўз гўзаллигини бир оз бўлса-да, сақлаган бўлса керак, чунки у даврда Самарқанд шаҳри ўз аҳамиятини йўқотмаган. XVI асрга келиб Самарқанд харобага учраган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Марказ Бухорога кўчган бу даврда қурилиш ишларига кўплаб пишиқ ғиштлар зарур бўлган. Шаҳрисабздаги Оқ сарой ғиштлари Бухорога ташиб кетилган<sup>10</sup> бир даврда, Самарқанддаги саройлар тақдирини билиш қийин эмас. Археологик текширишлар шуни кўрсатадики, бу саройлар ўз аҳамиятини йўқотгандан сўнг ерлик халқлар томонидан бир оз вақт бўлса-да фойдаланилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Давлатободдаги саройча уйларидаги ўчоқ қолдиқлари, Боғи Бўлдуудаги сарой хоналаридаги 10—15 сантиметр қалинликда тўплланган гўнг қатламлари ва ундаги парча ғиштлардан тикланган девор қолдиқлари шулардан далолат беради. Шу вақтларни ўзиндаёқ саройлардаги гуллик кошин парчалари, ҳар хил раигдаги қимматбаҳо мармар тош тахталари ва бошқалар кўчирилиб олиб кетилган бўлиши керак<sup>11</sup>. Кейинги асрда бу саройлар ерлик халқлар учун «ғишткони» бўлиб қолган. Ҳатто XX асрнинг 30 йилларида ҳам Дилкушо саройидан 10 000 тача ғишт қазиб олиниб, маҳалла масжиди учун сарф қилинганилиги, Боғи Бўл-

<sup>7</sup> Аҳмедов Б. А. Улугбек и политическая жизнь Маверауини нахра I пол. XV вв.— В кн.: Из истории эпохи Улугбека. Ташкент, 1965, с. 62.

<sup>8</sup> Бобирнома, 64-бет.

<sup>9</sup> Массон М. Е. Архитектурно-планировочный облик Самарканда..., с. 77.

<sup>10</sup> Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. П. Выдающегося памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент, 1958, с. 138.

<sup>11</sup> Самарқанд музейнда сақланаётган XVI асрга оид Чилдухтарондан (Шайбонийлар қабри) келтирилган қадама гулли панел бўлаклари биз саройларда учратган панел бўлакларига ўхшашдир.

дудаги сарой харобаларидан олингани гиштлар учта ма-  
жалиланинг масжидига ишлатилганлиги ҳақида ерлик  
қариялар сўзлаб беришди. Бори Бўлдудан эса ҳатточи  
сарой деворининг остидаги тошлар ҳам қазиб олинганд  
экан. Демак, бу саройлар секин-аста бузилиб<sup>12</sup> йўқ бў-  
либ кетган деса бўлади. Саройларнинг бузилиш сабаб-  
лари, асосан XV асрнинг ўрталаридан бошланган сиё-  
сий тушкунликлар (ўзаро феодал урушлари, ташқари-  
дан тез-тез бўлиб турадиган босқинчиликлар...), улар-  
нинг учалик мустаҳкам қурилмаганлиги, қимматбаҳо  
материалларнинг кўп ишлатилганлиги ва бошқа сифат-  
лари, уларга дин ҳомийларининг нафрат кўзи билан  
қараганлиги<sup>13</sup> сабаб бўлган<sup>14</sup>. Натижада бир вақтлар  
ҳаммани ҳайратга солган бу боғу-роғ ва саройлар  
емирилиб, ўрнига гишт тепалар пайдо бўлган.

Октябрь социалистик революциясидан сўнггина аж-  
додларимиз томонидан яратилган санъат намуналарини  
сақлаб қолишдек олижаноб ишга қўл урилди. Қанча-  
дан-қанча меъморий ёдгорликларининг изларини қиди-  
риб топиш ва тикилашдек мashaқатли, лекин завқли иш  
ота-боболаримиз яратган санъат турларини кўз ўнгимиз-  
да гавдалантиришга бир оз бўлса-да, ҳисса қўша одади.  
Юқорида номлари тилларда достон бўлган боғ-сарой-  
ларни биз кўз ўнгимизда гавдалантира оламизми? Бу  
масалани ечишда ушбу сатрлар муаллифи олиб борган  
археологик қазишмаларга, ёзма манбаларда берилган  
маълумотларга, миниатюралардаги боғ ва саройлар  
тасвири ва шу каби маълумотларга амал қилинди. Боғ-  
саройлар қиёфасини тасаввур қилишда уста қаламкаш-  
лар қўли билан чизилган тасвирий санъат (миниатюра)

<sup>12</sup> Бундай бузилиш ҳоллари Самарқанддаги Улугбек расадко-  
насида ҳам аниқланган. В. Л. Вяткиннинг ёзишича, «Расадхона»  
табиий ҳолда вайрон бўлган эмас. У гиштма-гишт кўчириб бузили-  
ган, чунончи, бу ердан бутун гиштлар, катта-катта бўлаклар, мар-  
мар плиталар ва катта-катта сиркор нақшлар бошқа иншоотларни  
қуриш учун олиб кетилган...». қ.: Вяткин В. Л. Отчет с раскоп-  
ках обсерватории Мирза Улугбека в 1902 и 1908 гг. «Известия  
Русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в ис-  
торическом, лингвистическом и этнографическом отношениях»,  
сер. П. № 1. СПб., 1912, с. 92.

<sup>13</sup> Тарих саҳифаларида Улугбекнинг фан соҳасидаги ютуқла-  
рини қоралаган дин ҳомийларининг, унинг даврида қурилган Чин-  
нихонанинг деворларига ишланган суратларни майдо-майдо қилиб  
синдириб ташлаганликларини ўша даврнинг тарихиниси Абдураз-  
зоқ Самарқандий айтиб ўтган. қ.: Массон М. Е. Архитектуро-  
планировочный..., с. 77.

<sup>14</sup> Бу боғлар XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон аскарлари  
томонидан Самарқанднинг олиниши даврида ҳам кўп шикастланган.  
қ.: История УзССР, том I. Ташкент, 1967, с. 524.

намуналарининг роли каттадир. Уларда айнан Самарқанднинг XIV—XV асрдаги боғлари акс эттирилган деб айта олмаймиз. Лекин бундай боғларнинг қиёфасини чизган уста сураткашлар шу каби боғлардан намуналар олган ҳолда ўз асарларини яратгандар. Уларни кўрар эканмиз, уларда акс эттирилган (бинолар, табият кўринишлари ва бошқалар) тасвирларнинг ёзма манбаларда берилган маълумотлар ва археологик текширишларнинг натижасига мос тушишини кўрамиз. Бу миниатюраларнинг диққатга сазовор томони шундаки, уларда ранг масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилган. XV аср миниатюрасини санъатшунос олимлардан проф. Л. И. Ремпель, бамисоли сўзсиз ва тушуниш мумкин бўлган бир ашулага ўхцатади<sup>15</sup>. Проф. Г. А. Пугаченкова эса, «шарқ миниатюраси XV—XVI аср архитектурасининг ўрганиш манбаидир»<sup>16</sup>,— деб ёзади. Ҳеч шубҳа йўқки, XIV—XV асрларда чорбоғлар маълум тартибда олдиндан кўриб, муҳокама қилиб чиқилган тархлар асосида барпо этилган. Ўша даврда боғдорчиликка донр кўпгина рисолалар ҳам яратилган бўлиши мумкин. Шундай рисолалардан бири Ниёзий<sup>17</sup> томонидан ёзилган «Ирошодуз зироат фи илмил ҳаросат» (экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) китобидир. Шу асарнинг «Чаҳорбоғ ва унинг иморати» сарлавҳали бўлимида чорбоғни қуриш тартиби қўйидагича баён этилган<sup>18</sup>. «Қоида шуки, чаҳорбоғнинг гирдини девор тагидан уч зироъ<sup>19</sup> ташлаб, бир зироъ келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор томонидаги қирғоғига бир-бираға яқинлаштириб сафидори Самарқандий (оқ терак) экилади, у хушина модир. Кажу (қарағай) у қадар латофатли эмас, шунинг учун унинг ҳожати йўқ. Боғ тарафидаги ариқ қирғоғига савсан (гулсафсар) экиш муносибдир. Кейин яна раҳрав учун уч заръ (заръ—газ, 107 сантиметрга тенг), арқ (йўл) ташлаб, бир зироълик ариқ қазилади. Унинг арқ томонидаги қирғоғига савсан экиб, сафи-

<sup>15</sup> Ремпель Л. И. Эстетические основы искусства эпохи Тимуридов. «Общественные науки в Узбекистане», Ташкент, 1969, № 8—9, с. 18—19.

<sup>16</sup> Пугаченкова Г. А. Восточная миниатюра как источник по истории архитектуры XV—XVI вв. Архитектурное наследие Узбекистана. Ташкент, 1960, с. 111.

<sup>17</sup> Ниёзий. Ирошодуз зироат фи илмил ҳаросат. Уз ФА ШИ қўллэзмаси, № 565, 42 а, 42(6) саҳифалар.

<sup>18</sup> Абдураимов М. А. Два Среднеазиатских сочинение по истории, агротехники. Известия АН УзССР. 1956, № 9, с. 103—108; Норқуллов Н., Низомиддинов И. Миниатюра тарихидан лавҳалар, 53—55-бетлар.

<sup>19</sup> Й зироъ 70 см га яқин.

дордан беш зирье узоқликда бўлган пуштасига зардолу экилади; ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурҳ ва шафттолу (экиш) муносибdir. Мазкур зардолунинг ҳар биридан кейин боғ ичкариси томон беш қарч оралиқ ташлаб, ё зардолу экиб, олу, узум пайванд қиладилар. Шундан кейин оралиқдан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қирғоғига ҳамиша баҳор, савсани расмий ва ҳанжарий экиладики, улар хушнамодирлар. Мазкур шоҳ ариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб раҳрав учун атрофи ўралган арқ ташланади. Кейин себарга (йўнғичка, беда) учун жой тайёрланади. Себаргazor томонда алоҳида-алоҳида баланд чаҳорчаман (тўрт гулзор) ажратилади. Биринчи чаман — анор, иккинчиси — беҳи, учинчиси — шафтоли ва шадир (шафтолининг бир тури), тўртинчиси амruz (нок) бўлади. Чаҳор — чаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчи (боғча)га кўк бинафша, элчи савсан ва зебо гул ҳисобланган садбар; иккинчисига зъффарон, наргиз ва бирор оддий зебо гул; бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гўш, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи ва оқ савсан, оддий шақойиқ; яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сариқ аргун, сариқ бинафша, лолайи ду табақа, шаббуй ва сариқ лола, насрин, бағдодий, қазғо; яна бирига гули раъно, буларнинг оралиқларига хашхош (кўкнор гул); кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шаш моҳа, замбак (нилуфар), қаранфулгул, лиму, савсани, савсани хатмий, уни яна гул хайри ҳам деб атайдилар. Боғчага хатми хитойи, оқ ёсуман, шаб ба дўстон, чаман ақруз, лолайи хитойи, бўстон афруз (гултожихўроз) экиладики, бу гуллар бирин-кетин очиладилар. Боғчаларнинг этагига, уларнинг шарқий ва ғарбий томонларига настаран экилади; унинг ёнидан ҳовузнинг шимол томонидан яна икки бута настаран экадилар, ҳовуз иморатдан 20 зарь, ёки қанча муносиб топсалар, шунча узоқликда бўлиши керак. Иморат курсиси атрофига чинор, толтут экадилар. Иморатга яқин жойларга, унинг шарқ томонига олуболу, ғарбий томонига — гилос, улар оралиғига қизил аргун экилади. Иморатнинг жануб томонидаги лулапулга (атрофи ариқ бўлган суфа) олма экилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари (олма дарахти) унинг тафнини қайтаради»...

Юқорида келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Темурийлар давридаги боғ усталари барча қилган ишларида қурилиш ва экиш қоидаларига риоя қилган ҳолда иш тутганлар. Археологик текширишлар ҳам боғларни маълум қонда ва тартиб асосида қурилганлигини кўр-

сатади. XIV—XV асрларда қурилган боғлар асосан түрт бурчак шаклида бўлиб, томонларининг узунлиги I километрга яқин бўлган. Боғнинг ҳар бир бурчагида баланц нимесидан бўлниб, уларга айланма зиналар ордали чиқилган. Боғнинг ҳар тарафида, яъни ҳар икки минора оралигида турли зеб-зийнатлар билан безатилган каттакон дарвозалари бўлган. Улар олдига қўйилган маҳсус соқчилар кечакундуз боғни қўриқлаб туришган. Ҳар бир дарвазадан боғнинг марказига қараб тўғри йўллар ўтказилган. Бу асосий тўғри йўллардан боғнинг бошқа қисмларига ўтказилган йўллар бўлган. Бу йўлларга пишиқ фиштлар<sup>20</sup> ётқизилган.

Боғнинг ўртасидаги ҳашаматли сарой ва турли ерларга тартибли жойлаштирилган чодирлар, шийпончалар (шоҳ учун алоҳида таҳтлар) шоҳ ва унинг яқин кишиларига боғнинг турли қисмларида дам олишга имкон яратган.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, бу боғлар маълум тарх асосида қурилган бўлиб, уларнинг бир-биридан фарқи катта бўлмаган, яъни баъзиларида ҳовузлар ўз шакллари, катта-кичикликлари билан фарқ қилган, ҳолос. Баъзиларида оқиб турган шаршаралар табиий бўлса, баъзилариники сунъий бўлган. Баъзи боғларнинг жойлашган ери текисликдан иборат бўлса, баъзилариники баланд-пастликдан иборат бўлган ва ҳ. к.

XIV—XV асрлардан кейинги даврларда қурилган чорбоғларнинг ҳам юқоридаги чаҳорбог тархига бўйсунган ҳолда қурилгани маълум<sup>21</sup>. Бу типда қурилган чорбоғлар кейинги даврларда ҳам ўз устунлигини кўрсатган. Мисол учун ҳозирги кунда меҳнаткашларнинг шифо топиш жойига айлантирилган Бухородаги (XIX—XX аср) Ситораи-Моҳи-хосса боғининг режаси диққатга сазовордир. Боғ XIV—XV асрдаги Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Боғ саҳни бир-бирига перпендикуляр йўлкалар билан тўртта тўғри бурчакли майдончаларга бўлинган. Шунга кўра унц чор чаман дейилади<sup>22</sup>. Боғ билан яқиндан танишган киши кўз ўнгидага бундан 5—6 аср илгариги Самарқанддаги боғлар камоён бўлади.

Самарқанднинг XIV—XV асрдаги чорбоғлари юқорида баён қилганимиздек, тўрт бурчак шаклида, кўпчи-


<sup>20</sup> Бу материал ҳозирги даврда ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Титова Н. Дорожки и площадки в саду.—Наука и жизнь, М., 1972, № 5, с. 145.

<sup>21</sup> Иванов П. П. Удельные земли Мухаммадхана.—Зап. инс. Востоковедение АН. Том VI. 1937, с. 45.

<sup>22</sup> Крюков К. С. Ситора-и-Махи-хосса. Ташкент, 1968, с. 5—6.

лиги түрт дарвозали бўлиб, улар орқали ўтиладиган йўллар чорбог ўртасидаги қасрга олиб борган.

Боғи Давлатобод боғи тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, шимолий шарқдан жанубий ғарбга қараб йўнал-



30-расм. Давлатобод боғидаги сарой жойлашган тепалик-нинг умумий кўрининиши (тархи ва кесмаси реконструкцияси)

ган. Бог икки қисмдан иборат бўлиб, уларни бир-биридан пахса девор ажратиб турган. Шимолий шарқ қисми тўғри тўрт бурчак шаклида ( $900 \times 450$  метр) бўлиб, у ерларга асосан узум экилган. Жанубий ғарб қисми эса тўртбурчак шаклида ( $900 \times 900$  метр) бўлиб, унинг марказий қисмидаги шинамгина саройча қад кўтарган. Сарой

сунъий тепалик устига қурилган бўлиб, тепаликнинг асоси (пастки қисми)  $70 \times 70$  метр, юқори қисми эса  $44 \times 42$  метр, баландлиги эса 12 метр<sup>23</sup> бўлган. Тепалик (30-расм) атрофи хандақ билан ўралган. Унинг кенглиги 20 метр бўлиб, ўз даврида доимо сув билан тўлиб турган. Тепаликнинг ён бағирлари мармар тош тахтачалар ва пишиқ ғиштлар билан қопланган<sup>24</sup>. Тепалик марказига жойлашган саройга ўтиш учун икки тарафдан кўтарма кўприклар бўлган. Жанубий шарқ томондаги кўприкдан ўтилгач, мармар тоштахталар билан ишланган айлана зиналар орқали саройнинг олд томонига чиқилган<sup>25</sup>. Сарой жойлашган тепалик атрофлари панжаралар<sup>26</sup> билан ўралган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги саройнинг бўйи 20 метр, эни эса 14 метр бўлган. Саройга жанубий ғарб томондаги айвон орқали кирилган, Айвон шимолий ғарбдан, жанубий шарққа томон чўзилган бўлиб, узунлиги 12 метр, эни 4 метр бўлган. Саройнинг асосий қисмини бир-бири билан кесишган йўлаксимон уйлар ташкил этган. Саройнинг тўрт бурчагида эса биттадан хоналар жойлашган бўлиб, улардан иккитаси тўртбурчак шаклида, иккитаси эса тўғри тўртбурчак шаклида бўлган (31-расм). Хоналар ичи XIV—XV асрларга хос бўёқлар билан зийнатланган бўлиб, деразаларига мармар панжаралар ишлатилган ҳолда ташқи ёруғлик билан тўла таъминланган. Хоналарнинг полига ётилизилган рангли мармар тоштахталар усталар санъатининг юксаклигидан далолат бериб турибди. Саройнинг ташқи кўрининшига ҳам унинг деворларига қопланган рангли қопламалар ажойиб тус берган. Сарой икки қаватли<sup>27</sup> бўлиб, иккинчи қавати ярим очиқ ҳолдаги айвон кўрининшида бўлган. Ундан бутун боғ манзараси яққол кўринган. Биз таърифлаётган бу сарой ўзининг ташқи кўрининши билан Ўрта Осиёдаги қадимги қасрларни<sup>28</sup> эслатган. Унинг тархи бир қараш-

<sup>23</sup> Берилган рақамлар бизнинг тахминимиздир. Ҳозирги вақтда бу тепалик ҳажми вақт ўтиши билан емирилиши натижасида кичиклашган.

<sup>24</sup> Шунга ўхшашиб ҳоллар олдинги ва кейинги даврларда ҳам бўлган. Масалан, ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган Бухородаги Аркининг ён бағирлари пишиқ ғишт билан қопланган.

<sup>25</sup> Иккинчи кўприкдан ҳам зиналар орқали чиқилган (У. А.).


<sup>26</sup> XIV—XV асрларда кенг ишлатилган панжарали тўсиқлар адабиётларда ва миниатюраларда берилган. қ.: Пугаченко Г. А. Садово-парковое искусство Средней Азии, рис. 6.

<sup>27</sup> Бу типдаги архитектура намуналари сифатида Ҳиротдаги (XV аср) Тарабхона номли павильонни кўриш мумкин. қ.: Бобирнома, 220-бет.

<sup>28</sup> Нильсон В. А. Архитектура Средней Азии V—VIII вв. Ташкент, 1966, с. 194—195, рис. 71.

даёқ Үрта Осиё мөймөрчилигига хос бўлмаган шаклини эслатса да, яслида ерлик хусусиятларни ўзида тақлаб келган ўзига хос мөймөрчилик санъатининг намуналаридан бири ҳисобланган.

Умуман олганда бу саройда Үрта Осиёда жуда қадимдан анъанавий тусга кириб келган услубларни, яъни



31-расм. Давлатобод Сарой тархи  
(реконструкция)


марказий ҳашаматли хоналарни алоҳида кўрсатиш<sup>29</sup> ҳолларини, иморат олдига туташ қурилган айвонларни<sup>30</sup> кўриш мумкин.

Боги Дилкушо тўртбурчак шаклида бўлиб, пахса деворлар билан ўралган. Бог томонларининг кенглиги 900 метрдан бўлиб, унинг тўрт томонида жойлашган дарвозалар орқали кетган йўллар боғ марказидаги қасрга

<sup>29</sup> Уша асар, 330-бет.

<sup>30</sup> Бу услуб қадимги Шарқ архитектурасига мансуб бўлиб, то шу кунларгача ўзининг устулигини йўқотмаган. қ.: Ахоров И., Ремпель Л. И. Резной штук Афрасиаба. Ташкент, 1971, с. 127.

олиб боргай. Бу сарой XIV асрнинг охириларида қурилган энг замонали, ҳашаматли саройлардан бири бўлиб, Улуғбек даврида ҳам ўз кўринишини йўқотмаган. Саройнинг тархи тўғри тўртбурчак шаклида (32-расм). Жанубий ғарбдан шимолий шарққа томон чўзилган бўлиб, узунлиги 74 метр, эни эса 40 метр бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, учинчи қавати ярим очик бўлган




32-расм. Дилкушо боғидаги сарой плани.

хоналарни ташкил этган. Унинг эшиклари асосан уч тарафдан бўлиб, жанубий ғарб тарафидаги (10,5 метр) эшикдан шимолий ғарб тарафиға қараб чўзилган уч тумбазли залларга кирилган<sup>31</sup>. Бу заллар хочсимон шаклда жойлашган бўлиб, марказий қисмларидаги тўртбурчак шаклидаги сув ҳавзалари ( $3 \times 3$  метр;  $4 \times 4$  метр;  $3 \times 3$  метр) ўртасидан отилиб турган кенг (11 метрдан) эшиклардан кирилгач<sup>32</sup>, у ердаги тўртбурчак

<sup>31</sup> Бу каби усулда қурилган меъморчилик намуналарини XIV—XV асрлардаги иморатларда кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Туркистондаги Аҳмад Яссави мақбарасида, Самарқанддаги Шоҳи Зиннадаги Туман оға масжидида, Гиждувондаги Улуғбек мадрасасида ва бошқаларда. Қ.: Пугаченкова Г. А. Памятники архитектуры Средней Азии эпохи Навои. Ташкент, 1957, IV—V таблица.

<sup>32</sup> Бу ерда эшикнинг кенглиги 11 метр экан деб ўйлаш ноўриндири. Қазишина даврида бу оралиқда девор пойдеворининг қолдиқлари учрамади. Шунга асосан бу ерларда панжарали эшиклар бўлган деб айта оламиз.

шаклидаги устуилар ичига ишланган айланма зиналар орқали саройнинг юқориги қаватларига чиқилган. Саройнинг тўрт бурчагида бир хил кўринишдаги тўғри



33-расм. Нақшинкор эшик (XIV—  
XV аср).

тўртбурчак хоналар ( $11,5 \times 8,5$  метр) алоҳида ўрин тутган. Уларнинг эшиклари бир тарафдан иккитадан бўлиб, қарама-қарши томонида подшоҳ учун маҳсус тахмон ишланган. Саройнинг шимолий шарқ қисмида икки хона ўртасида «Т» ҳарфига ўхшаш шаклни эслатувчи

максус мослама ишланган бўлиб, унинг устига фонтанларни сув билан таъминлаш учун мослама ўрнатилган. Унинг тепасига орқа тарафдаги зиналар орқали чиқилган.

Саройнинг садафлар қадаб ишланган қадама нақшли ёғоч эшиклари ҳамда мармар панжаралар<sup>33</sup>, шунингдек ҳар хил рангли (ҳаво ранг, қизил ранг, сариқ ва бошқа рангли) ойналар қадаб ишланган ганчли панжаралар сарой ҳуснига ҳусн қўшган (33-расм). Саройнинг кенг, ёруғ заллари ҳамда баланд устунлар ёрдамида ишланган уч тарафидаги айвони саройга ўзгача кўриниш берган. Сарой айвонлари ва уйларининг полларига максус ишланган тўрт ва олти бурчакли пишиқ ғиштлар ётқизилган. Юқоридаги максус мослама ишланган жойнинг полларига эса максус шаклларда ишланган тоштахталар ётқизилган.

Сарой деворларига ички ва ташқи томондан ишланган нақш ва расмлар юксак санъат намунаси бўлиб, залларга ҳар хил бўёқларда заржаллар бериб ишланган суратларда шоҳлар олиб борган урушларни намоноиши қилувчи лавҳалар, ҳамда шоҳ оила аъзоларининг тасвиirlари ишланган. Булардан ташқари, саройнинг ташқи деворларига ишланган ҳар хил рангли қопламалар узоқдан қараганда деворларга осилган гилам каби товланиб турган.


Боғи Бўлду ҳам Дилкушо боғи каби ишланган бўлиб, унинг марказидаги сарой кўриниши тўртбурчак шаклида ( $52 \times 52$  метр) бўлган (34-расм). Сарой икки қаватли бўлиб, юқоридаги қавати ярим очиқ айвон шаклида бўлган. Унинг бир-бирига қарама-қарши симметрик рашида жойлашган тўрт томонидаги эшиклари жуда ҳам ҳашаматли бўлган. Айниқса шимолий ғарб ва жанубий шарқ томондаги эшиклар (пештоқининг кенглиги 12 метрдан) савлатли бўлган.

Саройнинг хочсимон тархи ва унинг уч гумбазли заллари Дилкушо боғидаги саройга ўхшашибди. Бу заллар бир хил кўринишида бўлиб, улар тўрт бурчак шаклида ( $12 \times 12$  метр) бўлган<sup>34</sup>. Марказий залнинг шимолий шарқ ва жанубий ғарб тарафидаги заллар эса тўртбурчак шаклида ( $16 \times 8$  метр) бўлган. Саройнинг

<sup>33</sup> Бу каби эшиклар, панжаралар XIV—V асрда меъморчилик ишларидаги кўплаб ишлатилган. қ.: Кори Ниёзий Т. Н. Улугбек ва унинг илмий мероси. Тошкент, 1971, 12, 13, 14, 16, 17-расмлар.

<sup>34</sup> Бундай кенг заллик саройлар XIV—XV асрлардан олдинги даврларда ҳам бўлган. Масалан, қ.: Белининский А. М., Располова В. И. Древний Пенджикент. Душанбе, 1971, с. 11.

тўрт бурчагида жойлашган тўғри-тўртбурчакли жоналар ҳам бир хил кўринишга эга, яъни  $12 \times 10$  метрдан. Саройнинг юқори қаватига шу бурчаклардаги хоналарнинг деворини ичидан ишланган бурама зиналар орқали чиқилган. Саройнинг залларига ўрнатилган панжаралар-



34-расм. Боғи Бўллудаги сарой тархи. Реконструкция (авторники).

дан тушган ёруғ сарой залларини бир текисда ёритган. Бинодаги қадама гуллик эшиклар ва деворларига ишланган ҳар хил темадаги расмлар тушиб турган ёруғда янада жозибалироқ кўринган. Бу сарой жиҳозларининг қимматбаҳолиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради.

Саройнинг тўрт томонида энсиз (эни 4 метрдан) айвон бўлиб, сарой хоналарининг полларига махсус пардоzlанган пишиқ ғишталар ётқизилган. Бошқа саройлар-

да бўлганидек, бу сарой қиёфасида ҳам ҳалқ санъати-нинг барча шакллари ўз ифодасини топа олган.

Боғча бошқа боғларга нисбатан бирмунча кичик бўлган. Бу боғда жойлашган сарой (Чиннихона) жанубий гарбдан шимолий шарққа томон чўзиқроқ бўлиб, тархи Давлатободдаги сарой кўринишида бўлган.

Саройнинг жанубий гарб томонида шинамгина айвонча жойлашган бўлиб, айвон қаршисида айланада шаклида фонтан ишланган. Хоналар ичидағи ва ташқаридаги рангли безаклар ва Хитойдан келтирилган чинни изоралар деворга сурат чизиш санъатининг Улуғбек замонида янада юқори поғонага кўтарилганлигини кўрсатиб турибди. Бу сарой Улуғбекнинг расадхонада ишлаб ҳориган чоғларида келиб дам оладиган жойи бўлган.

Чилустун саройи Майдон номли боғнинг марказида жойлашган бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклида бўлган. Сарой икки қаватли бўлиб, унинг айвонидаги устунларнинг шакли кўп қиррали ва бурама кўринишида, тошдан йўниб ишланган. Саройнинг тўрт бурчагида миноралар бўлиб, иккинчи қаватга шу миноралардаги бурама зиналар орқали чиқилган.

Иккинчи қаватнинг ўрта қисмида тўрт томонидан эшиги бўлган уй бўлиб, унинг атрофи устунлари тошдан йўнилган равоқ кўринишидаги айвондан иборат бўлган.

Сарой баландлиги 2 метрча келадиган тош супа устига қурилган, супанинг бўйи 60 метр, эни 40 метрча бўлган. Саройнинг шимоли шарқ томонида атрофи мармар тоштахталар билан ишланган ҳовуз бўлган.

Шундай қилиб, биз XIV аср охирлари ва XV асрнинг биринчи ярмиларида Самарқандда яратилган боғ-саройлар ҳақида қисқача характеристика бериб ўтдик. Бу барпо қилинган чорбоғлар ўша даврнинг барча ютуқларини ўзида мужассамлантирган бўлиб, меъморчилик талабларига тўла жавоб берса оладиган ҳолда қурилган.

## ХУЛОСА

Үтмиш маданияти, санъати тарихини ўрганаар эканмиз, ҳали олдимизда қанчадан-қанча ечилмаган масалалар турганини ҳис этамиз. Биз юқорида зикр этган масала ҳам шундай масалалардан бири эди. Ушбу сатрлар автори Самарқанд атрофидаги XIV—XV асрларга онд боғ-саройларни археологик нуқтаси назаридан ўрганиб, қазишмалар натижасида тўплланган маълумотларни тарихий ва бошқа ёзма манбалар асосида таҳлил қилиб қуидаги хулосага келди.

1. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларидан бошлаб Самарқанд Шарқнинг тенгсиз шаҳарларидан бирига айланди. Олдинги ҳукмдорлардан фарқли ўла-роқ, XIV—XV асрдаги ҳукмдорлар барча санъат намуналарини ўз пойтахтлари—Самарқандда бўлишини исташган. Шу мақсадда улар ўзлари босиб олган ерлардан олимлар, меъморлар, рассомлар, яъни жамики хунар усталарини Самарқандга тўплашга интилганлар. Натижада ҳозирги кунга қадар барча санъат муҳлисларини ҳайратга солиб келаётган меъморий санъатнинг энг гўзал ва ноёб намуналари барпо қилинди. Ана шу даврда ҳар бири ўзича алоҳида санъат намунаси ҳисобланган боғ-саройлар ҳам бунёдга келди.

2. Ҳашаматли саройларга назар ташлар эканмиз, уларни икки хил, яъни енгил ва оғир типларда (нусха) қурилганлигини кўрамиз.

Оғир типдаги саройлар кўпинча шаҳар яқинига ва қурилиш материалларини ташиб олиб бориши қулай бўлган ерларга қурилган бўлиб, улардан асосан хордик чиқариш ва кўнгил очиш мақсадида фойдаланилган бўлса-да, лекин вақти келиб душман бостириб келгудек бўлса, ҳарбий истеҳком вазифасини ўташлиги ҳам кўзда тутилган.

3. Бу боғ-саройларда икки хил санъат — меъморчилик билан боғчилик санъати бир-бири билан чамбар-

час боғланған, бири иккинчисини тұлдирған ҳолда на-  
моян этилған. Бөг-саройларни бунёд әттеган усталар тенг-  
сиз билим әгаси, замонасииң «универсал» санъаткори,  
табиатшунос олими бұлғанлікларидан далолат беради.

4. Бу бөг-саройларни бунёд этишда күплаб чет әл-  
лик усталар ҳам қатнашған, лекин улар қурилиш ишла-  
рида маҳаллий шароитни ҳисобға олған ҳолда миллий  
услублардан четта чиқмай иш тутдилар. Уларнинг ёрда-  
ми туфайли меморчиликдаги баъзи бир элементлар  
ҳамда уларда ишлатиладиган безакларнинг күриниши  
бойиган бұлса-да, аслида бөгчilik ва меморчилик  
санъатининг бош бунёдкорлари Үрта Осиё фарзанд-  
ларидир.

5. Бу даврда Үрта Осиёда ҳам илм-фан әгалари  
күплаб этишиб чиққан. Айниқса, меморчилик соҳаси-  
дагилари аниқ назария билан қоролланған, ҳисоблаш-  
илмларини яхши билған, эстетика ва философиядан ҳам  
хабардор кишилар бұлғанлар. Улар Исломий Самоний,  
Миноран Калон, Мағоки Атторий каби дунёда ягона  
ҳисобланған меморий иншоотларни қурған, ота-бобола-  
рининг тажрибаларини ўзларидан мужассамлантирган  
усталар эдилар. Лекин улар қурған күплаб меморий  
әдгорликлар санъатни, илмни хуш күрмаган дин ҳо-  
мийларининг реакцион таъсири натижасыда вайрон  
этилди, бундай тенгсиз санъат усталарининг номлари  
бизгача тұлиқ етиб келмади.

6. Үрта Осиё санъатини бойитищда чет әллар билан  
бұлған маданий алоқалар ҳам озми-күпми меморчилик  
ва бөгчilik санъатига таъсир күрсатған. Бу алоқа ай-  
ниқса Улуғбек даврида бирмунча кучайған.

7. XIV асрнинг охири XV асрнинг биринчи яримла-  
рида бунёд этилған бөглар асосан чорбоғ күринишида  
бұлиб, симметрик тарзда жойлашған. Улар икки хил  
күринишда: биринчи хили — геометрик шакллар асоси-  
да қурилған, иккинчи хили эса манзарали, яъни тұғри  
чизиқтарға бұлинмаган ҳолдаги бөглар бұлған. Ҳар-  
икки ҳолатда ҳам бөгдаги барча элементлар тартиби  
билан алоқида жойлаштирилған. Бөглар учун жой тан-  
лаш ва уларга ном бериш масалаларига ҳам алоқида  
этьибор берилған.

8. Бөглардаги ҳар бир нарса (сарой, шийпонлар, да-  
рахтлар ва бошқалар) бир-бири билан бөглиқ ҳолда  
жойлаштирилған. Улар доимо бир-бирини тұлдиріб тур-  
ған. У ерда бирорта ҳам ортиқча элемент күрінмайды.  
Бөг ўртасыда қурилған ҳашаматли саройлар дараҳтлар-  
орасыда ортиқча күзге ташланмайды. Хуллас, ҳамма

нарса бир-бирини тилсилагандек, бир-бирисе диммати, тұзаллығи Ықтадек туюлади. Бөгнинг түрт томонида жойлашған дарвозалар ҳам бир хилда.

9. Бөг ҳавоси тан давоси дегандек, боғда доимо мусаффо ҳаво бўлган. Ҳатто боғдан ташқарида ҳаво дим бўлса-да, боғдаги турли-туман дараҳт ва гулларнинг соя-салқинида оқиб ётган беҳисоб ариқлар, ҳовузлар, фонтанлар боғни хушҳаво билан таъминлаган.

10. Боғларнинг марказидан ўрин олган ҳашаматли саройлар ҳам ўша даврнинг энг яхши боғчилик санъатига мос тушадиган тархлар бўйича, Урта Осиё иқлимининг барча хусусиятларига мос ҳолатда қурилган. Уларда Урта Осиёда жуда қадимдан анъанавий тусга кириб қолган услубларни, яъни марказий ҳашаматли хоналарни алоҳида кўрсатиш ҳамда иморат олдига тулаш қурилган айвонларни кўрамиз.

11. Чордара кўринишидаги бу саройлар симметрик ҳоидаларга риоя қилинган ҳолда қурилган бўлиб, ички кўриниши хочсимон шаклда тузилган. Уларнинг түрт томонига жойлашған эшикларига алоҳида эътибор берилган. Саройларга кўпинча түрт томонлама эшиклар ўрнатилиши (баъзиларида эшиклар ўрнида кенг панжаралар бўлиши) сабабли саройда ёзинг иссиқ кунлари ҳам салқин ҳаво бўлган.

12. Саройларни қуришда унинг пойдеворига алоҳида аҳамият берилган, чунки бу давр учун хос бўлган ҳашаматли ва улкан иморат пойдеворининг кенг ва чукур бўлишини тақозо этган.

13. Ҳар бир саройни алоҳида-алоҳида кўрар эканмиз, уларнинг секин-аста ўзидан олдинги саройларга нисбатан яхшиланиб, такомиллашиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол боғчилик ва меъморчилик санъатининг ўсиш, изланишда бўлганлигини кўрсатади.

14. Меъморчилик санъатида энг юқори ўринларни эгаллаган элементлардан бири — унга бериладиган нақш наволардир. Деворларни қоплашда кўп ишлатилган майолика, мозайка типидаги нақшларнинг ранг-баранглиги ошди, кўриниш жиҳатидан бойиди, уларни ишлатиш енгиллашди. Яна шу нарса диққатга сазоворки, бундай нақшлар киши кўзини чарчатмайди. Нақшлар ичиди ўсимлик кўринишидаги нақшлар биринчи ўринда туради. Шунингдек ёзуви ва геометрик нақшлар ҳам ўз ўрнида кенг ишлатилган. Улар орасида олдинги даврлардаги меъморий ёдгорликларда учрамаган усолда, масалан, кундал типида ишланган нақшлар ҳам учрайди. Барча нақшлар ўз жойнiga қараб юқори дид

Билан ишлатылғанлыги сезилиб туради. Бу нозиклик Улугбек даврида қурилған саройларда янада юқори даражада бўлган. Нақшларни ишлашда олдинги даврларда энг яхши ҳисобланган нақшларга қайтиш ҳолларини ҳам кўрамиз. Ранг масаласида ҳам чегараланмаган ҳолни кўриш мумкин.

15. Саройларнинг тархи ҳамда уларга ишланган нақшларни ўрганар эканмиз, уларнинг келиб чиқиш тарихи жуда узоқ замонларга хос эканлиги, асрлар ўтиши билан улар такомиллашиб, қайта ишланган ҳолда XIV—XV асрлар талабларига жавоб бера олганлигини кўрамиз.

16. Бу боғ-саройлар халқни эзувчи синф учун хизмат қилган. Уларни бино қилган халқ ўзларининг маҳсулотларидан баҳраманд бўла олмаганлар. Шу сабабли бу боғ-саройлар уларнинг ёдидан тезда кўтарилиган.

17. Боғ-саройлар қурилиш жиҳати ва ҳамма томонлами бекаму кўстлигидан ўз даврининг ноёб (меъморчилик ва боғчилик санъатидаги) намуналариdir.

Шундай қилиб, XIV аср охирни ва XV асрнинг биринчи ярмига оид бўлган боғсаройларни ўрганар эканмиз, уларни чуқур муҳокама қилиш натижасида Ўрта Осиё усталарининг қўлга киритган ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиш ва ижодий қайта ишлаш натижасида ҳозирги замон боғчилик санъатида ҳам яхши натижаларга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳозирги кунда халқимизнинг турмуш савиаси юқори даражага кўтарилаётган, уларни маданий ҳордиқ чиқаришларини янада яхшилаш учун кураш бораётган порлоқ замонда боғлар барпо этишини янада жадаллаштириш зарур. Бу боғларда сув ҳавзалари, шийпончалар ва бошқа кўнгил очар жойлар қуриш мақсадга мувофиқдир. Келажак учун курашиш, фан ва техника соҳасида янги ютуқларга эришиш фақатгина соғлом кишиларгагина мансуб бўлиб, бу уларнинг яхши ва мароқли дам олишига ҳам боғлиқ. Хуллас, ҳозирги замонда боғчилик соҳасида иш олиб борилар экан, ўтмишдаги бу санъатнинг ютуқларини танқидий ўзлаштириб, ҳаётга тадбиқ этиш ва бу билан авлодларимиз анъаналарини сақлаб қолиш олижаноблик бўлур эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ёдгорликлар Ўрта Осиё халқларининг, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос бой маданиятидан далолат беради. Унинг қурувчилари асосан маданиятимизнинг барча мўъжизаларини яратишга қодир халқ ҳисобланса-да, тарихда бу темурйлар номи билан боғлиқ ҳолда сақланган. Ўтмишдаги

аждодларимиз — меҳнаткаш халқ томонидан яратилған ва ҳозирда ер юзидан йўқ бўлиб кетган қанчадан-қанча меъморий ёдгорниклар қолдиқларини қидириб топиш ва ўрганиш ёш археология фани олдида турган шарафли вазифадир.

Шундай қилиб биз халқимизнинг бизга қолдирган бу боғчилик маданиятидан таълим берувчи, бой хазиналарини ўрганар эканмиз, ҳали олдимизда жуда ҳам хилма-хил, ўрганишимиз лозим ҳамда зарур бўлган ма-салалар турганлигини ҳис этамиз. Уларнинг бу асрлар оша машақатлар чекиб, йиллар асрлар оша кузатувлари асосида қўлга киритган маданий хазиналарининг қимматини тушунимоғимиз, ардоқламоғимиз ва янада жадаллик билан халқимиз онгига бу санъатнинг қанчалик қимматга эга эканлигини сингдирмоғимиз лозим. Токи улар етиштираётган ҳар бир туп мева дарахтининг қадрига етишсин.

Яхши ният билан кўчат экувчи ҳар бир инсон аввалам бор келажакни ўйлади, албатта. Шунингдек ота-боболаримиз ҳам юқорида номлари тилга олинган боғларни етиштиришда биринчи бор келажак авлодларини кўзда тутишган. Гарчи у даврдаги боғ-роғлардан фақатгина юқори табақадаги бир ҳовучгина кишилар фойдаланган бўлишса-да, келажакда бу жойлар албатта кенг меҳнаткаш халқ оммасига хизмат қила олишлигига ишонишган.

Ўтган асрларда боғчилик санъати талон-тарожлик мақсадларида олиб борилган босқинчилик урушлари туфайли озми-кўпми танаффуслар билан ривожланиб келган бўлса, эндиликда бу ривожланиш тамоман бошқача босқичга ўтди, десак муболага қилмаган бўламиз.

Бу вазифалар партиямиз раҳбарлигига ўтказилаётган съезд ва пленумларда алоҳида уқдириб келинмоқда. Бу вазифаларни бажаришга эса халқимиз қодирдир. Ҳаттоқи қуриб қолган чўлни ҳам кўкартириб юборишга ақл заковати етадиган кишиларимиз қўлидан ҳамма иш келади.

Келинглар, биз шундай боғлар яратайликки, бу тинчлик боғлари деб ном олсин. Яратайётган ҳар бир шаҳарларимиз турли-туман кўкатлар билан ўралиб боғшаҳар номини олсин. Асрлар оша келажак авлодларга ўз ота-боболаридан ёдгорлик бўлиб қолсин, ўз авлодларининг нималарга алоҳида эътибор беришганлигининг гувоҳи бўлишсин, ардоқлашсан.

Эндиликда ўзлаштирилаётган ҳар бир қарич ери-мизга алоҳида эътибор бериш керак. Иложи бўлса қу-

рилиш ишлари бошланмасдан олдиноқ күкатлар етиштирайлик, токи қурувчиларимиз иш давомида шундан баҳрамаид бўлишсин.

Пахтазорларимиз атрофларида полиз экинларини ва мевали дараҳтлар хилини кўпайтирайлик, улардан ха-шарчиларимизнинг диллари хушнуд бўлсин. Улардан тановул қилиб, кучларига-куч қўшилсин, пахта планла-рини вақтида бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишсин.

Етиштирилаётган полиз экинлари ва мевали дараҳтларга ишлов беришга алоҳида эътибор берилса, ҳалқ соғлиги ўйланса, мевалар хили кўпайтирилса, сифати яхшилансагина биз ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларига хиёнат қилмаганлигимизни ҳис этиши-миз мумкин. Партиямизнинг, ҳалқимизнинг ниятлари ҳам шу.

(Охири)

Чинса кечид ёйнганда би синкет-таке руслу турган шотроғ сөғлини жартихон олонига арзинчидро эга бўл-  
боғлирди. Ўчида кечид ёйнганда би  
жадид бозорларни туттиш кимга-  
танини вифқулоғзоти бозорларда  
хайқин, шаша ёшлини оиласини бозор  
босгани синеклардай кесадда-  
шешларича муҳими ноду ўйнаган

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

Зап. Р. Г. О-ва.— Записки Русского географического общества.

ЗИВ — Записки Института Востоковедения.

КСИИМК — Краткие сообщения института истории материальной культуры.

САГУ — Среднеазиатский государственный университет.

СА — Советская археология.

ТОРГО — Туркестанское отделение Русского географического общества.

ТАКЭ — Термезская археологическая комплексная экспедиция.

УзФАШИ — Узбекистон ССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти.

ЮТАКЭ — Южно-Туркменистанская археологическая комплексная экспедиция.

## МУНДАРИЖА

Көриш	3-
XIV—XV асрлардаги Самарқанд бояларининг тарихий топографияси	9
XIV—XV асрдаги боя-сарайларни археологик нуқтаси назардан ўрганиш	25.
Боғдаги сарайларнинг архитектураси ҳақида	49-
Сарайларнинг харобага учраши ва уларнинг реконструкция қилиш масалаларига доир	113
Хулоса	128
Шартли қисқартмалар	134

**Уткир Алимов**

**САДОВО-ПАРКОВОЕ ХОЗЯЙСТВО СРЕДНЕВЕКОВОГО  
МЕВЕРАННАХРА (XIV—XV ВВ.)**

*На узбекском языке*  
**ТАШКЕНТ, «ФАН»**

*Ўзбекистон ССР ФА Археология институтининг илмий совети ҳамда  
ЎзССР ФА тарих, тилинунослик ва адабиётшunoslik фанлари бўлими  
томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррир Ф. Тошматова  
Рассом П. Фёдоров  
Техмуҳаррир Ҳ. Бобомуҳамедова  
Корректор Н. Фидоева

ИБ № 2682

Теришга берилди 30.08.84. Босишга рухсат этилди 4.10.84. Р03031. Формат 84×108<sup>1/2</sup>мм. Босмахона қозони № 1. Юкори босма. Адабий гарнитура. Шартли босма л. 7,14. Ҳисоб-нашириёт л. 7,3. Тираж 1030. Заказ 187. Баҳси 1 с. 20 т.

ЎзСОР «Фан» нашриёти. 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси. Тошкент, М. Горький проспекти, 79.